

**Болалар касалликларини
интегрирлашган усулда
олиб бориш**

БОЛАНИ ДАВОЛАНГ

**Жаҳон Соғлиқни Сақлаш
Ташкилоти, Бола соғлиги ва
Ривожланиш бўлими (СНД).
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

ЮНИСЕФ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ -АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ЎзР ССВ Фан ва ўқув юртлари
бош бошкармаси бойни

т.ф.д. С.Исемалов

2013 й « 26 »

№ 5/ баённома



“КЕЛИШИЛДИ”

ЎзР ССВ Тиббий таълимини
ривожлантириши маркази
директори

М.Х. Алимова

2013 й« 26 »

№ 5/ баённома



Болалар касалликларини интегрирлашган усулда
олиб бориш

Болани даволаинг

Болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб бориш
бўйича

ЖССТ томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси
мутахассислари томонидан мослаштирилган

ЎҚУВ КУРСИ

Тошкент 2013



Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти 1998

Ушбу ҳужжат кенг омма учун чоп этишга мўлжалланмаган бўлиб, барча хукуклар Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотига тегишилдири. (ЖССТ). Ушбу ҳужжат ЖССТ-нинг олдиндан берилган ёзма рухсатисиз тўлик ёки қисман таржима этилиши, эркин ҳолда тўпламлар ва рефератлар учун фойдаланилиши мумкин эмас. Ушбу ҳужжатнинг бирорта қисми ҳам, ЖССТ-нинг олдиндан берилган рухсатисиз, маълумотлар базасида сакланиши, ёки барча-механик, электрон ёки бошқа йуллар билан узатилиши мумкин эмас.

«Болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб бориш» ўкув курси Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг Бола Соғлиги ва Ривожланиш Бўлими (СНД) ва ЮНИСЕФ томонидан ACT International, Атланта, Жоржия, АҚШ, билан шартнома асосида тайёрланган.

Ушбу қўлланма, Болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб бориш стратегияси бўйича миллий тренерлар т.ф.д. З.Е. Умарназарова, т.ф.д. И.М. Ахмедова, т.ф.н. Г.Б. Утепова томонидан матнлар асосида қайтадан ЖССТ охирги тавсиялари асосида янгиланди ва қайта чоп этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг Республика ихтинослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти).

Ўкув курси бирламчи бўғин тизими, болалар тиббиёт муассасалари, шунингдек тиббиёт олий ўкув юртлари, ўрта маҳсус ўкув юртлари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ўкув дастурларига киритиш учун мўлжалланган.

Такризчилар: Э.А. Шомансурова, т.ф.д., ТошПТИнинг амбулатория тиббиёти кафедраси мудири

К.Ш. Салихова, т.ф.н. ЎзРССВ РИПИАТ Маркази илмий-ишлар бўйича директор муовини

Ўкув курси ЎзР ССВ РИПИАТ Марказида 2013 йил 14 марта Илмий Кенгашида кўриб чиқилди ва тасдиқланди, 3-мажлис баённомаси.

Илмий котиба т.ф.н.



Д.С. Арипова

Д.С. Арипова

КИРИШ	4
ҮҚИТИШДАН МАҚСАД	4
1.0. МОС КЕЛАДИГАН ОРАЛ ВОСИТАНИ ТАНЛАБ, ДОЗАСИНИ АНИҚЛАНГ ВА БЕРИШ ГРАФИГИНИ БЕЛГИЛАНГ	5
1.1. МОС КЕЛАДИГАН АНТИБАКТЕРИАЛ ПРЕПАРАТНИ БЕРИНГ	5
А МАШҚ	7
1.2. ОРАЛ ЁКИ АЭРОЗОЛЛИ БРОНХОЛИТИКНИ БЕРИНГ	9
1.3. ЮҚОРИ ИСИТМАДА (38,5°C ВА УНДАН ЮҚОРИ), ҚУЛОҚ ЁКИ ТОМОҚ ОҒРИҒИДА ПАРАЦЕТАМОЛ БЕРИНГ	10
1.4. ВИТАМИН А БЕРИНГ	11
1.5. ТЕМИР ПРЕПАРАТЛАРИНИ БЕРИНГ	12
1.6. ГЕЛЬМИНТОЗНИ МЕБЕНДАЗОЛ БИЛАН ДАВОЛАНГ	12
1.7. ЦИНК ПРЕПАРАТИНИ БЕРИНГ	13
Б МАШҚ	14
2.0. МУЛОҚАТНИНГ ТҮҒРИ КҮНИКМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ	16
2.1. УЙ ШАРОИТИДА БОЛАНИ ҚАНДАЙ ДАВОЛАШ КЕРАКЛИГИНИ ОНАГА ТУШУНТИРИНГ	16
2.2. ТУШУНТИРИШЛАРИНГИЗНИ ОНА ҚАНДАЙ УҚҚАНЛИГИНИ ТЕКШИРИНГ	18
МАШҚ В	22
3.0. ОРАЛ ПРЕПАРАТЛАРНИ УЙДА БЕРИШНИ ОНАГА ЎРГАТИНГ	25
Г МАШҚ	30
Д МАШҚ	32
4.0. МАҲАЛЛИЙ ИНФЕКЦИЯЛАРГА УЙ ШАРОИТИДА ДАВО ҚИЛИШНИ ОНАГА ЎРГАТИНГ	34
4.1. КЎЗ ИНФЕКЦИЯСИГА ТЕТРАЦИКЛИИ КЎЗ МАЛҲАМИ БИЛАН ДАВО ҚИЛИНГ	35
4.2. ҚУЛОҚНИ ПИЛИК (ТУРУНДА) БИЛАН ҚУРИТИНГ	37
4.3. ОФИЗДАГИ ЯРАЛАРНИ ГЕНЦИАНВИОЛЕТ БИЛАН ДАВОЛАНГ	39
4.4. ХАВФСИЗ ВОСИТАЛАР БИЛАН ТОМОҚНИ ЮМШАТИБ, ЙЎТАЛНИ ЕНГИЛЛАШТИРИНГ	40
Е МАШҚ	43
5.0. УШБУ ВОСИТАЛАРНИ ФАҚАТ ТИББИЙ МУАССАСАДА БЕРИНГ	48
5.1. АНТИБАКТЕРИАЛ ВОСИТАНИ МУШАҚ ОРАСИГА ЮБОРИНГ	49
5.2. БОЛАДА ШАЙТОНЛАШ БЎЛСА, ДИАЗЕПАМНИ РЕКТАЛ ТАРЗДА ЮБОРИНГ	51
5.3. ГИПОГЛИКЕМИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ	52
5.4. БАРЧА БОЛАЛАРГА КЕРАКЛИ ЭМЛАШЛАРНИ ЎТКАЗИНГ	53
Ж МАШҚ	55
6.0. ДИАРЕЯДА ҚЎШИМЧА СУЮҚЛИКЛАР БЕРИБ, ОВҚАТЛАНТИРИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИНГ	58
6.1. А РЕЖА: ДИАРЕЯНИ УЙ ШАРОИТИДА ДАВОЛАНГ	59
З МАШҚ	63

6.2. Б РЕЖА: ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШНИ ТИББИЙ МУАССАСАДА ПАСТ	
ОСМОЛЯР ОРВ ЭРИТМАСИ ЁРДАМИДА ДАВОЛАНГ	67
И МАШҚ	71
К МАШҚ	74
6.3. В РЕЖА: ОФИР СУВСИЗЛАНИШГА ЗУДЛИК БИЛАН ДАВО ҚИЛИНГ	76
6.4. ЧҮЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯНИ ДАВОЛАНГ	79
6.5. ДИЗЕНТЕРИЯНИ ДАВОЛАНГ	79
Л МАШҚ	80
А ИЛОВА	83
Б ИЛОВА	85
В-1 ИЛОВА	87
МАШҚ: В-1 ИЛОВА	93
В-2 ИЛОВА	96
МАШҚ: В-2 ИЛОВА	97
В-3 ИЛОВА	98
МАШҚ: В-3 ИЛОВА	103
В-4 ИЛОВА	106
МАШҚ: В-4 ИЛОВА	110
Г ИЛОВА	113
Д - ИЛОВА	115

КИРИШ

Аввалги модулда Сиз 2 ойлиқдан 5 ёшгача бўлган бемор болага зарур давони аниқлашни ўрганган эдингиз. Бемор болаларни даволаш кўпинча тиббий муассасада бошланади ва уй шароитида давом эттирилиши лозим. «Болани даволанг» схемаси даволаш турларини тасвирлайди.

Ушбу модулда Сиз схемадан ҳар бир даво турини **ҚАНДАЙ ЎТКАЗИШНИ** ўрганиш учун фойдаланаисиз. Сиз шунингдек, уй шароитида даволашни давом эттиришга **онани қандай ўргатиш кераклигини** ҳам билиб оласиз.

ЎҚИТИШДАН МАҚСАД

Ушбу модулда қуида келтирилган кўникмалар тасвирланган ва уларни амалда тадбиқ этишни машқ қилиб кўриш имконияти берилган:

- Бемор бола учун мос келадиган орал препаратларини аниқлаш ва уларнинг дозаларини белгилаш;
- Орал дори воситаларини (шу жумладан, антибактериал препаратларни, парацетамол, цинк, витамин А, темир препаратлари ва орал бронхолитик, мебендазолни) бериш ва орал препаратларни уй шароитида қачон ва қандай қилиб беришни онага ўргатиш;
- Маҳаллий инфекцияларга (масалан, кўз инфекциялари, қулоқ оқиши, оғиздаги яралар, йўталга) даво қилиш ва бундай даво турларини уй шароитида қачон ва қандай ўтказишни онага ўргатиш;
- Тушунтиришларни она қандай уққанлигини текшириш;
- Фақат тиббий муассасада буюориладиган препаратларни бериш (гентамицин ва ампицилинни мушак орасига юбориш);
- Гипогликемияга профилактик даво қилиш;
- Турлича таснифдаги сувсизланишга қандай даво қилиш ва уй шароитида қўшимча суюқликларни бериш кераклигини онага ўргатиш;
- Болалар иммунизациясини ўтказиш.

1.0. МОС КЕЛАДИГАН ОРАЛ ВОСИТАНИ ТАНЛАБ, ДОЗАСИНИ АНИҚЛАНГ ВА БЕРИШ ГРАФИГИНИ БЕЛГИЛАНГ

Мос келадиган препаратни танлаш ва дозасини аниқлаб, берилиш графигини белгилаш учун «БОЛАНИ ДАВОЛАНГ» схемасидан фойдаланинг. Сиз, ҳар бир орал препаратни қўллаш учун бир неча қоидани эслаб қолишингиз керак.

1.1. МОС КЕЛАДИГАН АНТИБАКТЕРИАЛ ПРЕПАРАТНИ БЕРИНГ

Касаллиги қўйидагича таснифланган болалар антибактериал воситалар билан даволашга муҳтождирлар:

- ОФИР ПНЕВМОНИЯ ЁКИ ЖУДА ОФИР КАСАЛЛИК
- ПНЕВМОНИЯ
- ОФИР СУВСИЗЛАНИШ, мабодо ушбу жойда вабо кузатилган бўлса
- ЖУДА ОФИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИК
- ОФИР АСОРАТЛИ ҚИЗАМИҚ
- ҲАЛҚУМ АБСЦЕССИ
- СТРЕПТОКОККЛИ ФАРИНГИТ
- МАСТОИДИТ
- ҚУЛОҚНИНГ ЎТКИР ИНФЕКЦИЯСИ

Кўпчилик тиббий муассасаларда антибактериал воситаларнинг бир неча тури бўлади. Сиз, боланинг касаллигига даво қилиш учун, **энг мос келадиган антибактериал препаратни танлашни билиб олишингиз лозим**. Мабодо бола ича олса, орал антибактериал препарат беринг.

Ҳар бир касалликда мос келадиган орал антибактериал препарат турли мамлакатларда турличадир. Мамлакатингизда тавсия этиладиган антибактериал воситалар, Сизнинг «БОЛАНИ ДАВОЛАНГ» схемангизда санаб ўтилган. Кейинги бетда келтирилган схемани ўрганиб чиқинг.

- **ПНЕВМОНИЯДА, СТРЕПТОКОККЛИ ФАРИНГИТДА, ҚУЛОҚНИНГ ЎТКИР ИНФЕКЦИЯСИ ЁКИ ЖУДА ОФИР КАСАЛЛИКЛАРДА антибактериал препарат – АМОКСИЦИЛЛИН**

ЁШИ ёки ВАЗНИ	АМОКСИЦИЛЛИН Кунига 2 маҳал, 5 кун давомида беринг (25 мг/кг бир марталик доза)		
	Таб. 250 мг	Таб. 500мг	Сироп 5мл /125 мг
2 ойликдан 6 ойликкача (3-<6 кг)	1/2	1/4	5 мл
6 ойликдан 12 ойликкача (6-<10 кг)	1	1/2	10 мл
12 ойликдан 2 ёшгача (10-<15 кг)	1,25	3/4	15 мл
2 ёшдан 5 ёшгача (15-20 кг)	2	1	20 мл

Илова: стрептококкли фарингитда антибактериал препаратни 10 кун давомида беринг.

➤ **ВАБОДА:** Ушбу жойда вабо қайд қилинса, касалхонага юборилгунга қадар антибактериал препарат беринг: ЭРИТРОМИЦИН

ЁШИ ёки ВАЗНИ	ЭРИТРОМИЦИН
	3 кун давомида кунига 4 мартадан беринг Таблеткалари 250 мг
2 ойлиқдан 6 ойликкача (3 - <6 кг)	1/4
6 ойлиқдан 12 ойликкача (6 - <10кг)	1/2
12 ойлиқдан 2 ёшгача (10 - <15 кг)	1
2 ёшдан 5 ёшгача (15-20 кг)	1

Баъзи болаларда, антибиотиклар билан даволашни талаб этувчи бир неча касаллик бўлиши мумкин. Имкони бўлса, ҳар доим боланинг барча касалликларига даво қилиш учун мос келадиган битта антибиотикни танлашга ҳаракат қилинг.

Баъзан бир нечта касалликларни даволаш учун битта антибактериал препаратни тавсия этиш кифоя бўлади.

Масалан, ПНЕВМОНИЯ ва ҚУЛОҚНИНГ ЎТКИР ИНФЕКЦИЯСИ таснифлари бўлган болани битта антибактериал восита билан даволаш мумкин.

Агар имкон бўлса, ҳар доим, боланинг барча касалликларини даволаш учун мос келадиган битта антибиотикни танлашга ҳаракат қилинг. Агар, болада антибактериал препарат билан даволашни талаб этадиган бир нечта касаллик бўлса, дозани **кўпайтирганг** ва антибиотик бериш муддатини **узайтирганг**.

«БОЛАНИ ДАВОЛАНГ» схемасида антибактериал препаратларни **бериш графиги** ва уларнинг **тўғри дозалари** келтирилган.

Бу графикда антибактериал препаратни **кунда неча марта** ва **неча кун давомида** бериш кераклиги кўрсатилган. Кўпчилик антибиотиклар 5 кун давомида берилиши лозим. Фақат вабо билан касалланган bemорлар антибактериал препаратларни 3 кун давомида олишлари керак. Антибактериал препаратларни кунда бир неча марта бериш мумкин (кунда 2, 3 ёки 4 марта).

Антибактериал препаратнинг **тўғри дозасини** аниқлаш учун:

- Сизнинг тиббий муассасангизда бор таблетка ёки сиропнинг тури кўрсатилган устундан фойдаланинг.
- Боланинг ёши ва вазнига мос келувчи қаторни танланг. Тўғри дозани танлашда боланинг ёшига эмас, балки оғирлигига қараб иш кўришни афзал билинг. Тўғри доза устунлар билан қаторлар кесишган катакда кўрсатилган.

Ўқитувчингиз, Сизнинг мамлакатингиз учун мос келадиган антибактериал препаратни танлаш, уни бериш графиги ва дозасини аниқлаш учун схемадан қандай фойдаланиш зарурлигини Сизга кўрсатади.



A МАШҚ

Ушбу машқда Сиз «Мос келадиган антибактериал препаратни беринг» рамкасидан фойдаланишни машқ қилиб кўрасиз. Ўзингизнинг «БОЛАНИ ДАВОЛАНГ» схемангиздан фойдаланинг. Қуйида келтирилган ҳар бир мисол учун антибактериал препаратнинг тўғри дозасини танлаб, бериш графиги ва дозасини ёзиб қўйинг.

Ушбу касаллик бўйича ҳар бир бола биринчи марта даволанмоқда ва уларда бошқа ҳеч қанақа тасниф йўқ, деб фараз қилинг. Жавобларингизни улар учун ажратилган жойга ёзиб қўйинг.

1. МАСТОИДИТГА даво қилиш учун 6 – ойлик (7 кг) бола антибактериал препаратнинг биринчи дозасига муҳтож.
2. ОФИР ПНЕВМОНИЯ ёки ЖУДА ОФИР КАСАЛЛИККА даво қилиш учун вазни 10 кг бўлган бола антибактериал препаратнинг биринчи дозасига муҳтож.
3. ПНЕВМОНИЯ ва ҚУЛОҚНИНГ ЎТКИР ИНФЕКЦИЯСИГА даво қилиш учун 2 ёшли (11 кг) бола антибактериал препаратта муҳтож.
4. ПНЕВМОНИЯ ва ОФИР СУВСИЗЛАНИШГА (ушбу жойда вабо тарқалган) даво қилиш учун 36 – ойлик (15 кг) бола антибактериал препаратта муҳтож.

5. ҚУЛОҚНИНГ ЎТКИР ИНФЕКЦИЯСИГА даво қилиш учун бола (5 кг) антибактериал препаратга муҳтож.

Ушбу машқни бажариб бўлганингиздан сўнг жавобларингизни ўқитувчингиз билан биргалиқда текшириб кўринг.

Антибактериал препарат танлаш, бериш графиги ва дозасини аниқлашни амалда машқ қилиб кўриш учун имконият бериш мақсадида ўқитувчингиз Сиз билан текшириш машқи ўтказади.

1.2. ОРАЛ ЁКИ АЭРОЗОЛЛИ БРОНХОЛИТИКНИ БЕРИНГ

Бронхолитик – астмоид нафаси бор болаларда нафас олишини енгиллаштирадиган дори воситаси. Бу восита бронхиолалар деворидаги мушакларни бүшаштиради ва бронхлар очилади. Агар бронхолитиклар инъекция ёки ингаляция йўли билан берилса унинг самараси тез кўринади. Шунинг учун улар тез таъсир этувчи бронхолитиклар деб аталади. Кенг фойдаланиладиган ва самарали бронхолитик бу – сальбутамол.

Астмоид нафас билан мурожаат этган бемор болаларнинг ҳолатини таснифлашдан олдин, сальбутамолни аэрозольда синама учун беринг.

- Агар болада астмоид нафас билан бир қаторда нафас тезлашган бўлса ёки кўкрак қафасининг ичга тортилиши кузатилса, унга тез таъсир қилувчи бронхолитик восита билан синама ўтказинг. Препаратни бемор боланинг ҳолатини баҳолашдан ва таснифлашдан олдин, 15–20 минут оралатиб 3 марта бериш мумкин. Агар кўкрак қафасини тортилиши ва тезлашган нафас йўқолса, бола антибактериал препарат билан даволанишга муҳтож эмас.
- Ингаляция сифатида фойдаланиш учун сальбутамол дозаторли аэрозоль шаклида чиқарилади. Бу катта бўлмаган контейнер бўлиб, сальбутамолнинг микрозаррачалари маълум дозада спрей шаклида сепиб беради ва нафас олинади. 5 ёшгача бўлган болалар дори воситаси майда зарра кўринишида сепиб берилганда чукур нафас олишга қийинладилар. Шунинг учун уларга сальбутамолни спейсер ёрдамида бериш керак.
- Спейсер 2 томони тешилган пластик бутилкага ўхшайди. Дори миқдори спейсернинг бир томонидан сепилади ва унинг ичидаги сальбутамол зарра кўринишида бўлади. Иккинчи томонига боланинг оғзи ва бурнига мўлжаллаб маска ўрнатилади. Спейсернинг алоҳида саноат корхоналарида чиқарилгани маҳсус тури бор, қўл остида у бўлмаса, спейсерни оддий пластик бутилкалардан тайёрлаш мумкин. Тайёрлаш **БОЛАНИ ДАВОЛАНГ** схемасида келтирилган.
 - Сальбутамолни спейсер дозатори орқали 2 марта сепинг (1 марта босганда – 100 микрограмм). 15 – 20 минут кутинг. Сўнг нафас сонини қайта сананг ва кўкрак қафасини тортилиши борми, текширинг.
 - Агар тезлашган нафас ва/ёки кўкрак қафасиниг тортилиши йўқолган бўлса, йўтал ёки нафас қийинчилигини таснифланг.
 - Агар тезлашган нафас ва/ёки кўкрак қафасиниг тортилиши сақланиб қолган бўлса, сальбутамолни қайта сепинг.
 - Агар тезлашган нафас ва/ёки кўкрак қафасиниг тортилиши хали ҳам сақланиб қолган бўлса, сальбутамолни 3 – марта сепинг ва сўнг йўтал ёки нафас қийинчилигини таснифланг.
 - Агар кўкрак қафасининг пастки қисми тортилиши сақланиб қолса, касалхонага юборинг.

Онага уйда даволаш учун сальбутамолни аэрозоль кўринишида беринг

- Астмоид нафаси бор болалар аэрозоль бронхолитик билан даволанишни кунига 2 сепишни 3 мартадан 5 кун давом этиришлари керак. Агар тиббиёт муассасасида

аэрозоль кўринишидаги бронхолитиклар бўлмаса таблетка шаклидан фойдаланишлари керак.

- Аэрозоль сальбутамолдан уй шароитида қандай фойдаланишни онага ўргатишни ўқув курсиниг "Онага уй шароитида даволашни ўргатиш" бўлимида ўрганиб оласиз.

Орал бронхолитикни қўллаш учун дозасини ва графигини белгилаш учун, "БОЛАНИ ДАВОЛАНГ" схемасидан фойдаланинг.

- Орал бронхолитик беринг.
- 5 кунлик захира беринг.

ЁШИ ВА ВАЗНИ	Орал сальбутамол 5 кун давомида кунига 3 марта беринг		Аэрозолли сальбутамол
	Таблетка 2 мг	Сироп 5 мл / 2 мг	Микдорловчи ингалятор қалпоқчасини бир марта босиш 1 та доза
2 ойлиқдан 12 ойлиkkача (4 – <10 кг)	1/2 таб	2,5 мл	1 доза
12 ойлиқдан 5 ёшгача (10 – 20 кг)	1таб	5 мл	2 доза

1.3. ЮҚОРИ ИСИТМАДА (38,5°C ва ундан юқори), ҚУЛОҚ ЁКИ ТОМОҚ ОГРИФИДА ПАРАЦЕТАМОЛ БЕРИНГ

- Парацетамол истмани туширади ва оғриқни камайтиради. Агар иситма юқори (38,5°C ва юқори) бўлса парацетамолнинг бир дозасини амбулаторияда беринг.
- Агар боланинг томоғида ёки қулоғида оғриқ бўлса, онасига 1 кунга етадиган, яъни 4 доза парацетамол беринг. Онасига парацетамолни бир дозасини ҳар 6 соатда кулоқ ёки томоқда оғриқ йўқолгунча қандай беришни тушунтиринг.

Ҳар 6 соатда ҳарорат пасайгунча ёки оғриқ тўхтагунча, парацетамолни бериб туринг.

ЁШИ ЁКИ ВАЗНИ	ПАРАЦЕТАМОЛ	
	ТАБЛЕТКА (500 мг)	СИРОП (5мл – да 125 мг)
2 ойлиқдан 3 ёшгача (4 – <14 кг)	1/4	5,0 мл (1 ч.к.)
3 ёшдан 5 ёшгача (14 – <19 кг)	1/2	10,0 мл (2 ч.к.)

1.4. ВИТАМИН А БЕРИНГ

Икки доза беринг:

- Биринчи дозани амбулаторияда беринг.
- Эртаси кунга уйда бериши учун онасига бир дозани беринг.

ЁШИ	ВИТАМИН А КАПСУЛАДА	
	25 000 ХБ	50 000 ХБ
6 ойликкача	2 капсула	1 капсула
6 ойлиқдан 12 ойликкача	4 капсула	2 капсула
12 ойлиқдан 5 ёшгача	8 капсула	4 капсула

- 6 ойлиқдан катта барча гүдакларга ҳар 6 ойда жиддий касалликларнинг олдини олиш учун Витамин А бериш керак.
- Витамин А ҚИЗАМИҚ деб таснифланган болаларга берилади. Агар олдинги ойда витамин А олмаган бўлса, қўшимча дозани бериш керак.
 - Витамин А кўздаги, шунингдек ўпка, ичак, оғиз ва ҳалқум шиллиқ қавати хужайраларидағи қизамиқ вируси инфекциясига қаршилик кўрсатишда организмга ёрдам беради. Витамин А шунингдек, бошқа инфекцияларнинг олдини олишда иммун системага ҳам ёрдам бериши мумкин. Витамин А етишмаслигининг белгиси бўлган шох парданинг хиралашуви, агарда витамин А берилмаса, кўр бўлишга олиб келиши мумкин.
- Витамин А капсулаларда бўлади. Дозани белгилаш учун боланинг ёшини асос қилиб олинг. Икки доза беринг. Биринчи дозани тибиёт муассасасида беринг. Иккинчи дозани, келгуси кун уйда бериш учун онага беринг.
- Агар, Сизнинг тибиёт муассасангиздаги витамин А капсулада бўлса, бола капсулани бутунлигича юта олишига ишонч ҳосил қилинг. Агар бола капсулани юта олмаса, ёки унга ярмини бериш зарур бўлса, капсулани очинг.
 - Ниппельни тоза нарса (хирургик тиф, устара, қайчи ёки ўткир пичноқ) билан узиб олинг ёки кесиб ташланг. Витамин А нинг капсуласида ниппель бўлмаса, капсулани нина билан тешинг.
 - Витамин А ни бола оғзига сиқиб томизинг.
 - Бола барча суюқликни ютиб олганига ишонч ҳосил қилинг. Туфлаб ташлашига йўл қўйманг.
- Ҳар сафар витамин А берганингизни амбулатория картасига қайд этинг. Бу жуда муҳим. Қисқа вақт ичида витамин А қайта ичиши дозасини ортиб кетишига олиб келади.

1.5. ТЕМИР ПРЕПАРАТЛАРИНИ БЕРИНГ

Кафтлари оқиши бўлган болада камқонлик бўлиши мумкин. Камқонлиги бўлган бола темир препаратларини қабул қилиши керак. 12 ойликкача бўлган болаларга темир препаратини сироп шаклида беринг. Агар, бола 12 ойлик ёки ундан катта бўлса, темир препаратларининг таблеткаларини беринг. Онага 14 кунга етадиган миқдорда темир препаратидан беринг. Болага ҳар куни бир дозадан 14 кун давомида бериб туриши лозимлигини унга тушунтиринг. Қўшимча темир препаратлари учун 14 кундан сўнг тиббий муассасага қайтиб келишини илтимос қилинг. Шунингдек, унга темир препаратлари ахлат рангини қорайтириши мумкинлигини тушунтиринг.

Темир препаратларини беринг

Кунда бир дозадан 14 кун давомида беринг

Ёши ёки вазни	Темир/фолат таблеткалари Темир сульфат 200 мг + 250 мкг фолат (60 мг элементар темир)	Темир сиропи Темир фумарат 100 мг – 5 млда (1 млда 20 мг элементар темир)
2 ойлиқдан 4 ойликкача (4 – < 6 кг)	–	1,00 мл (<1/4 ч.қ.)
4 ойлиқдан 12 ойликкача (6 – < 10 кг)	–	1,25 мл (1/4 ч.қ.)
12 ойлиқдан 3 ёшгacha (10 – < 14 кг)	1/2 таблетка	2,00 мл (<1/2 ч.қ.)
3 ёшдан 5 ёшгacha (14 – 19 кг)	1/2 таблетка	2,5 мл (1/2 ч.қ.)

12 ойликкача бўлган болаларга сироп беринг. Мабодо, бола 12 ойлик ёки ундан катта бўлса, темир таблеткаларини беринг.

Онага темир препаратларини бола қўли етмайдиган жойда сақлаш лозимлигини уқдиринг. Темир препаратлари дозасини ошириб юбориш ўлимга ёки боланинг жиддий касалланишига олиб келиши мумкин.

1.6. ГЕЛЬМИНТОЗНИ МЕБЕНДАЗОЛ БИЛАН ДАВОЛАНГ

Гельминтоз бўйича охирги 6 ой давомида дегельминтизациядан ўтмаган ва КАМҚОНЛИК таснифи бор бўлган барча 12 ойлик ва ундан катта болаларга лабораторияда гельминтлар мавжудлиги тасдиқланиш натижаларига қарамасдан антигельминт препаратлар буюрилиши лозим.

ЁШИ ёки ВАЗНИ	МЕБЕНДАЗОЛ таблеткаси	
	100 мг дан кунига 2 марта 3 кун давомида	500 мг бир марта
2 ойликдан 6 ойликкача (3 – < 6 кг)	—	—
6 – 12 ойликкача (6 – < 10 кг)	—	—
12 ойликдан 2 ёшгача (10 – < 15 кг)	1таб x 2 марта 3 кун = 6 таб	1 таб
2 ёшдан 5 ёшгача (15 – 20 кг)	1таб x 2 марта 3 кун = 6 таб	1 таб

Анкилостома ва қилбош(власоглав)нинг бола ичакларига инвазия бўлиши уларда ичақдан қон кетишига олиб келади. Бундан ташқари овқатланиш муаммоларини келтириб чиқарди.

12 ойлик болалар ва ундан катталарга мебендазолни 500 мг ли таблеткасини 1 марта амбулаторияда ёки 100 мг ли таблеткадан 5 тасини беринг.

12 ойгача бўлган болалар ва гўдаклар ўртасида инвазия қайд этилса уларни касалхонага ётқизиш ва ҳар бир ҳолатда индивидуал давони буюриш талаб қилинади.

1.7. ЦИНК ПРЕПАРАТИНИ БЕРИНГ

Диарея билан оғриган барча болаларга ичириладиган суюқлик миқдорини кўпайтириш, овқатлантиришни давом эттириш ва цинк таблеткаларидан бериш керак.

ЦИНК ПРЕПАРАТИНИ БЕРИНГ	
Кунда бир дозадан, 14 кун давомида беринг	
6 ойликкача бўлган болаларга	1/2 таблетка (10 мг) кунига 1 марта
6 ойликдан катта болаларга	1 таблетка (20 мг) кунига 1 марта

Онага цинк таблеткасини қандай беришни ўргатинг.

- Кўкрак ёшидаги бола учун таблеткани сувда, соғилган кўкрак сутида ёки паст осмоляр ОРВ эритмасида эритинг.
- Катта ёшдаги болаларга таблеткани эритинг ёки чайнаш учун беринг.
- Цинк препаратини 14 кун давомида беринг.



Б МАШҚ

Ушбу машқда Сиз мос келадиган орал препаратни танлаш, унинг тўғри дозаси ва бериш графигини аниқлаш учун амалда «БОЛАНИ ДАВОЛАНГ» схемасидан фойдаланишни машқ қилиб кўрасиз. Ўзингиздаги «БОЛАНИ ДАВОЛАНГ» схемасидан фойдаланинг. Ўзингизнинг тиббий муассасангизда бўлган ҳар бир препаратнинг концентрациясини танланг.

Тасаввур этинг, ушбу касаллик бўйича ҳар бир бола, бошқача кўрсатилган ҳоллардан ташқари, биринчи марта даволанаяпти. Жавобларингизни маҳсус ажратилган жойга ёзиб қўйинг.

1. ПНЕВМОНИЯГА даво қилиш учун, вазни 6 кг бўлган бола орал антибактериал препаратта муҳтож.
2. 4 ойлик гўдак ҚУЛОҚНИНГ ЎТКИР ИНФЕКЦИЯСИГА даво қилиш учун антибактериал препаратта ва ҳароратини пасайтириш учун парацетамолга муҳтож.
3. ПНЕВМОНИЯ ЙЎҚ, астмоид нафасга даво қилиш учун 4 ёшли бола орал бронхолитикга ва юқори хароратни даволаш учун парацетамолга муҳтож.
4. ҚИЗАМИҚҚА даво қилиш учун 9 ойлик бола витамин А га муҳтож.
5. ҚИЗАМИҚҚА даво қилиш учун 4 ёшлик бола витамин А га муҳтож.

6. 2 ёшли (11 кг ли) боланинг кафтлари оқиши бўлиб, КАМҚОНЛИК таснифи бор ва у темир препаратига ва дегельминтизацияга муҳтож.
7. (7 кг ли) 4 ойлик боланинг кафтлари оқиши бўлиб, унда КАМҚОНЛИК таснифи бор ва у темир препаратига муҳтож.
8. 6 ойлик (7 кг ли) болада ПНЕВМОНИЯ, шу муносабат билан ПНЕВМОНИЯГА даво қилиш учун антибактериал препаратта муҳтож.
9. Вазни 16 килограмм бўлган болада КАМҚОНЛИК таснифи бор, уни даво қилиш учун темир препарати ва мебендазолга муҳтож.
10. Вазни 16 кг бўлган болада ПНЕВМОНИЯ йўқ, йўтал ёки ШАМОЛАШ ва астмоид нафасни даволаш учун орал бронхолитик ва КАМҚОНЛИК касаллигини даволаш учун темир препаратига муҳтож.

Ушбу машқни тутатганингиздан сўнг жавобларингизни ўқитувчингиз билан биргаликда текшириб чиқинг.

Антибактериал препаратни танлаш, бериш графиги ва дозасини аниқлашни амалда машқ қилиб кўриш учун имкон бериш мақсадида ўқитувчингиз Сиз билан текшириш машқи ўтказади.

2.0. МУЛОҚАТНИНГ ТҮФРИ КҮНИКМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ

Ўқув курсининг ушбу бўлимини тутатганингизда Сиз:

- Болани уй шароитида даволаш бўйича онага маслаҳат беришни ўрганасиз;
- Она маслаҳатларни тушунгандигини текширишни ўрганасиз;
- Онага уйда орал препаратларни беришни ўргатишни ўрганасиз;
- Онага уйида бактериал инфекцияни даволашни ўргатишни бажара олишингиз керак.

Ушбу бўлимга тегишли клиник амалиётни ўтиб бўлганингиздан кейин Сиз:

- Онага уйда даволашни қандай қилиб ўтказишни ўргатишни ўрганасиз;
- Она маҳаллий инфекцияни уйда даволашни қандай қилиб ўргатиш каби кўникуларга эга бўласиз.

Тиббий муассасада даволанаётган бола, давони уй шароитида давом эттиришга муҳтождир. Уйда даволанишнинг муваффақияти Сизнинг она билан нечоғлик түғри мулоқот ўрнатишингизга боғлиқ. Она даволашни қандай қилиб түғри олиб боришни билиши лозим. Она даволашнинг муҳимлигини тушуниши ҳам керак.

Онага уй шароитда даволашни ўргатишда түғри мулоқотнинг аҳамияти катта.

- Болани даволаш учун она ҳозир нималар қилаётганини билиб олиш учун **саволлар беринг**.
 - Түғри бажарган муолажалари учун онани **мақтанг**.
 - Уй шароитида болани қандай даволашни онага **тушунтиринг**.
• Тушунтиришларингизни она қандай уқиб олганлигини **текширинг**.
}
- Бу кўник –
малар
қўйида баён
этилган

2.1. УЙ ШАРОИТИДА БОЛАНИ ҚАНДАЙ ДАВОЛАШ КЕРАКЛИГИНИ ОНАГА ТУШУНТИРИНГ

Баъзи маслаҳатлар оддий ва тушунарлидир. Масалан, Сиз онага боласини 2 кундан сўнг навбатдаги кўриқдан ўтказиш учун тиббий муассасага олиб келиши кераклигини айтиш билан кифояланингиз мумкин. Бошқа ҳолларда эса Сиз маълум муолажаларни **қандай бажариш кераклигини** онага ўргатишингиз лозим бўлади. Баъзи муолажаларни бажаришни ўргатиш бир неча босқичлардан иборатдир.

Сиз ёзишни, овқат тайёрлашни ёки маҳсус кўникуларни талаб қилувчи, бошқа барча ишларни бажаришни қандай қилиб ўрганганлигинизни эсланг. Биринчи навбатда Сиз кўрсатма ва йўл – йўриқлар олган бўлсангиз керак. Сўнгра Сиз бирорта иш бажараётган одамнинг ҳаракатларини қузатган бўлсангиз керак. Ва ниҳоят, бу ишларни ўзингиз бажаришга ҳаракат қилиб кўргансиз.

Онани боласини даволашга ўргатаётганингизда таълимнинг уч асосий босқичидан фойдаланинг:


1. Маълумот беринг.

2. Ўрнак кўрсатинг.

3. Онага машқ қилиб кўриш учун имкон беринг.

МАЪЛУМОТ БЕРИНГ: Бирор иш – ҳаракатни қандай бажариш кераклигини онага тушунтиринг. Масалан, онага қандай қилиб:

- Кўзга малҳам дори қўйиш,
- Орал регидратацион восита (OPB) тайёрлаш кераклигини, ёки
- Яллиғланган томоқни юмшатиш мумкинлигини тушунтириб беринг.



ЎРНАК КЎРСАТИНГ: Иш – ҳаракатни қандай бажариш кераклигини кўрсатиб беринг. **МАСАЛАН, ОНАГА:**

- Бола қимиirlамаслиги учун уни қандай ушлаш ва кўзга малҳам дорини қандай қўйиш кераклигини,
- OPB пакетини ва OPB эритмасини тўғри тайёрлашни, ёки
- Томоқни юмшатиш учун она уйда тайёрлай оладиган, хавфсиз воситани қандай қилиб тўғри тайёрлашни кўрсатинг.

ОНАГА МАШҚ ҚИЛИБ КЎРИШИГА ИМКОН БЕРИНГ: Сизнинг назоратингиз остида бирорта иш бажарышни онадан илтимос қилинг. Масалан:

- боланинг кўзини даволаш учун кўзга малҳам дори қўйиш;
- OPB эритмасини тайёрлаш, ёки
- Томоқни юмшатиш учун хавфсиз воситани қандай тайёрлаш кераклигини айтиб бериши учун онага имкон беринг.

Баъзан, онанинг уйда бажарадиган ишларини айтиб беришининг ўзи кифоя қиласди.

Иш – ҳаракатни **машқ қилиб кўриш** учун онага имкон бериш – таълимнинг муҳим қисмидир. Она ишни Сизнинг назоратингиз остида **бажарса**, Сиз унинг нимани тушунганию, нима унга қийин бўлаётганини аниқлаб оласиз. Сўнгра Сиз унга ишни тўғри бажаришида ёрдам беришингиз мумкин. Она ўзи **бажарган ишини**, эшитганига қараганда яхшироқ эслаб қолади.

ОНАГА ЎРГАТИШДА:

- Она учун тушунарли сўзлардан фойдаланинг.
- Ўргатиш жараёнида онага таниш буюмлардан фойдаланинг, масалан, ОРВ эритмасини тайёрлаш учун ушбу жойда кенг тарқалган идишларни олинг.
- Онанинг ишни қандай бажаришини қузатинг. Тўғри бажарганилиги учун уни мақтанг ва мулоҳазангизни айтинг. Мабодо, керак бўлса, ишни амалда бажариш учун кўпроқ вақт ажратинг.
- Онани саволлар беришга рафбатлантиринг. Ҳамма саволларига жавоб беринг.
- Аввал бажарган нотўғри амалларни қайтармаслик кераклигини айтинг. Сабабини тушунтираётганингизда аниқ гапиринг. Одаси ўзини айбордек ҳис қилмаслиги учун сўзларни топиб гапиринг. Ушбу амал болани хаёти учун зарарли эканлигини тушунтиринг.

2.2. ТУШУНТИРИШЛАРИНГИЗНИ ОНА ҚАНДАЙ УҚҶАNLIGINI TEKSHIRING

Онани боласини даволашга ўргатиб бўлганингиздан сўнг, Сиз даволашни тўғри ўтказишина она тушуниб олганига ишонч ҳосил қилишингиз лозим. Текширувчи саволлар онанинг нималарга ўрганганлигини аниқлашга ёрдам беради.

Тўғри текширувчи саволлар бера олиш мулоқотнинг муҳим кўнималаридан ҳисобланади.

Текширувчи саволлар шундай тузилиши керакки, онанинг жавоблари «Ҳа» ёки «Йўқ» эмас, балки тўлиқроқ бўлиши керак. Тўғри тузилган текширувчи саволлар давони **қачон, қандай қилиб** ва **нима учун** ўтказиш кераклигини она тўлиқ айтиб беришини талаб қиласди.

Онанинг жавобларидан, Сизнинг тушунтиришингизни у уқсан ё уқмаганлигини ва даволашни ўрганган ё ўрганмаганлигини аниқлаб оласиз. Она тўғри жавоб бера олмаса, унга кўпроқ маълумот беринг ёки кўрсатмаларингизни аниқлаштиринг.

Масалан, Сиз онага антибактериал препарат беришни ўргатдингиз. Сўнг Сиз сўрашингиз лозим:

«Фарзандингиз учун ёзилган дорини қандай беришни биласизми?»

Она билиш – билмаслигидан қатъий назар, кўпинча «Ҳа» деб жавоб беради. У ўзининг тушунмаганлигидан уялиши мумкин. Аммо, текшириш учун Сиз бир неча

тўғри саволлар берсангиз, масалан:

«Сиз дорини фарзандингизга қачон беришингиз лозим?»

«Ҳар сафар неча таблеткадан беришингиз керак?»

«Сиз таблеткаларни неча кун давомида беришингиз лозим?»,

деб сўраб кўрсангиз, бу билан Сиз онадан берган кўрсатмаларингизни ҳайтариб айтиб беришини сўраган бўласиз. Тўғри тузилган текширувчи саволлар Сизга онанинг фарзандини даволашни ўрганиб олиб, эслаб қолганига ишонч ҳосил қилишга ёрдам беради.

Қўйидаги саволлар тушунтиришларингизни она қандай уққанлигини текшириб кўришга мўлжалланган. «Тўғри тузилган текширувчи саволлар» она фарзандини қандай даволашини таърифлаб беришни талаб қиласди. Улар қўйидагича бошланади: **нима, қачон, қанча, нима учун ва неча марта**. «Нотўғри тузилган» саволларга «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобини оласиз ва онанинг билимини баҳолай олмайсиз.

ТЎҒРИ ТУЗИЛГАН ТЕКШИРУВЧИ САВОЛЛАР	НОТЎҒРИ ТУЗИЛГАН САВОЛЛАР
ОРВ эритмасини қандай қилиб тайёрлайсиз?	ОРВ эритмасини қандай тайёрлаш эсингиздами?
Фарзандингизни неча марта эмизишингиз лозим?	Фарзандингизни эмизиб боқишингиз керакми?
Кўзнинг қайси қисмига малҳам суртишингиз лозим?	Фарзандингизни даволаш учун малҳам дори ишлатганмисиз?
Ҳар сафар боланинг ичи кеттанидан сўнг қанча қўшимча суюқлик беришингиз лозим?	Қўшимча қилиб қанча суюқлик бериш кераклигини биласизми?
Нима учун қўлларингизни совунлаб ювиш муҳим?	Қўлларингизни совунлаб ювиш кераклиги эсингиздами?

Саволни бериб бўлгандан сўнг, пауза қилинг. Онага уйлаб, жавоб бериш учун имкон беринг. Онанинг ўрнига саволга **жавоб берманг**. Кейинги саволни **тезда берманг**.

Текширувчи саволлар тиббий ходим томонидан хотиржам бўлишни талаб қиласди. Она жавобни билиши, лекин секин гапириши мумкин. Сиз ундан жавоб кутаётганингизга она ҳайрон бўлиши мумкин. У жавоб нотўғри бўлишидан қўрқиши мумкин. Она обрўли одам билан суҳбат бўлаётганида тортиниши мумкин. Унга ўйлаш учун вақт беринг. уни рағбатлантириб туринг.

Она нотүғри жавоб берса ёки эслай олмаяпман деса, уни ноқулай ҳолатта тушириб қўймагансизми, ишонч ҳосил қилинг. Онага даволашни қандай ўтказиш кераклигини яна бир марта тушунтиринг. Онанинг тушунганлигига ишонч ҳосил қилиш учун кўпроқ **маълумот беринг, мисоллар келтиринг** ёки **машқ қилиб кўриш** учун имконият яратиб беринг. Сўнгра яна текшириш учун саволлар беринг.

Она Сиз сўраган муолажани тушунган бўлиши, лекин Сиз илтимос қилгандек бажара олмайман деб айтиши мумкин. Унда муаммо ёки эътиroz пайдо бўлиши мумкин. Энг кўп тарқалган муаммолар даволашни ўтказиш учун ваqt ва маблаf етишмаслигиdir. Она фарзандининг инъекция эмас, балки орал препарат олаёттанига ёки унга дори препарати эмас, балки уйда тайёранган восита берилаёттанига қарши бўлиши мумкин.

Онага унинг муаммоларини ечишга ёрдам бериб, эътиrozларига жавоб беринг.
Масалан:

Сиз:

«Фарзандингизнинг кўзини даволаш учун малҳам дорини кўзига қачон қўйишингиз керак?», деб сўрадингиз.

Бу саволга она «куни билан уйда бўлмайман», деб жавоб бериши мумкин. У Сизга «боламни фақат эрталаб ёки кечқурун даволай оламан», деб айтиши мумкин.

Сиз онадан кун бўйи уйда бўлиб, кундузги даволашни ўтказа оладиган одам (буваси ёки бувиси, акаси ёки опаси) топишини илтимос қилинг. Бу кишига даволашни тўғри ўтказишни ўргатишда онага ёрдам беринг.

Мабодо Сиз:

«ОРВ эритмасини тайёrlаш учун 1 литр сувни ўлчашда қанақа идишдан фойдаланасиз?», деб сўрадингиз.

Она уйида 1 литрлик идиш йўқлигини айтиши мумкин.

Уйида қандай идишлар борлигини сўранг. Уйида бор идишлар билан 1 литр сувни қандай қилиб ўлчаб олиш мумкинлигини онага кўрсатинг. Идишга қандай қилиб 1 литрлик белги қўйишини ёки бир нечта кичик ҳажмли идишлар билан қандай қилиб 1 литр суюқлик ўлчаб олиш мумкинлигини онага тушунтиринг.

Мабодо Сиз:

«Уй шароитида фарзандингиз томогини қандай қилиб юмшатасиз?», деб сўрадингиз.

Она, Сиз таклиф қилган восита унга ёқмаслигини айтиши мумкин. У болам бунинг ўрнига инъекция ёки таблетка олади, деб кутган экан.

Хавфсиз воситаларнинг доривор препаратларга қарагандা афзаллигига онани ишонтиринг. Аниқ, равшан изоҳлар беринг. Оиласининг бошқа аъзоларига ҳам, нима учун болага хавфсиз восита тайин этилганини тушунтириб беришга тўғри келар, чунки улар ҳам болага бошқа турдаги даво берилишини кутган бўлишлари мумкин.

ТУШУНТИРИШЛАРИНГИЗНИ ОНА ҚАНДАЙ УҚҶАНЛИГИНИ ТЕКШИРАЁТГАНИНГИЗДА:

- Шундай саволлар берингки, улар нима, қачон, қанча, нимага деган саволларга жавоб беришга онани мажбур қылсисин. «Ха» ёки «Йүк» деб жавоб бериш мумкин бўлган саволларни **берманг**.
- Онага ўйлаб жавоб бериши учун вақт беринг.
- Тўғри жавоблари учун онани мақтанг.
- Зарур бўлса, кўпроқ **маълумот бериб, мисоллар келтириш** ёки **машқ қилиб кўриш учун** имкон беринг.



МАШҚ В

Ушбу машқда Сиз түғри мулоқот күнікмаларини мустаҳкамлайсиз. Саволларга жавобларни маҳсус ажратылған жойға ёзіб қўйинг.

1. Азиза исмли ҳамшира онага фарзандининг қулоғини пилик билан қандай қуритиш кераклигини ўргатиши лозим.

Аввал у қулоқни пилик билан қуритиш болага қандай ёрдам беришини ва буни қандай бажариш кераклигини тушунтиради. Сўнгра у пиликнинг тайёрланиши ва боланинг қулоғини қандай қуритиш кераклигини кўрсатади. Сўнгра ҳамшира Азиза уни кузатиши ва назорати остида онадан фарзандининг қулоғини пилик билан қуритиб кўришни илтимос қиласди. Она ва бола тиббий муассасани тарқ этишларидан олдин ҳамшира Азиза онага бир неча саволлар беради. Бу билан ҳамшира уй шароитида нима учун, қандай ва қачон даволаш ўтказиш кераклигини она тушуниб олганига ишонч ҳосил қилмоқчи.

а. Ҳамшира Азиза даволаш ҳақида онага қанақа маълумот берди?

б. Юқорида келтирилган параграфда ҳамшира мисолни қандай қилиб кўрсатиб берганини баён этган гапнинг тагига чизиб қўйинг.

в. Она даволашни машқ қилиб кўраётганда ҳамшира нима қилаётган эди?

2. Тиббий ходим онага диарея бўлган фарзанди учун паст осмоляр ОРВ эритмасини тайёрлашни ўргатиши лозим. Аввал у онага паст осмоляр ОРВ эритмасини тайёрлашни тушунтиради, сўнгра эса буни қандай бажаришни кўрсатиб беради. У онадан: «Сизга тушунарлимиски?» – деб сўрайди. Она: «Ҳа», – деб жавоб беради. Тиббий ходим онага 2 пакет паст осмоляр ОРВ бериб, у билан ҳайрлашади.

а. Тиббий ходим онага Орал регистратацион воситанинг (ОРВ) паст осмоляр эритмасини тайёрлаш тўғрисида қандай маълумот берди?

б. У онага нималар қилиш кераклигини күрсатиб бердими?

в. У онадан ОРВ әритмасини тайёрлашини илтимос қилдими?

г. Она тушунтиришларни қандай уққанлигини тиббий ходим қандай текшириб күрди?

д. Она тушунтиришларни уққанлигини тиббий ходим түғри текшириб күрдими?

е. Она тушунтиришларни қандай уққанлигини Сиз қандай текшириб күрар әдінгиз?

3. Ҳамшира онага бемор фарзанди учун орал антибактериал препаратлар беради. Препаратларни беришдан олдин ҳамшира онадан препаратни болага беришни билиш—бilmаслигини суриштиради. Она розилик ифодаси сифатида бошини қимирлатади. Ҳамшира онага антибактериал препаратни бериб, у билан хайрлашади.

Мабодо она даволашни қандай ўтказиш кераклигини биламан деб айтса, Сиз нима қилишингиз керак?

4. Диарея пайтида суюқликлар ҳажмини ошириш кераклигини тушунтириб бўлганингиздан сўнг, қуидаги текширувчи саволларнинг қайси бири энг мос келадиганидан (битта саволни «V» ҳарфи билан белгиланг) фойдаланиш ҳаммасидан маъқул бўлади.

- а. Фарзандингизга қанақа суюқликлар бериш кераклиги эсингиздами?
- б. Фарзандингизга қўшимча суюқликлар бериб туришга ишончингиз комилми?
- в. Фарзандингизга қандай миқдорда суюқликлар берасиз?

Қуидаги саволларга «Ҳа», ёки «Йўқ» деб жавоб бериш мумкин. Уларни тўғри текширувчи саволлар сифатида қайтадан ёзинг.

- а. Қачон антибактериал препарат бериш кераклиги эсингиздами?
- б. Фарзандингизга темирли сиропдан қанча бериш кераклигини биласизми?
- в. Малҳам дорини қандай ишлатишни ҳамшира Сизга тушунтирдими?
- г. Боланинг қулоғини пилик билан қурита оласизми?
- д. Касалхонага қандай боришни биласизми?

Ушбу машқни бажариб бўлганингиздан сўнг жавобларингизни ўқитувчингиз билан муҳокама қилинг.

Ўқитувчингиз қайтариш учун машқ ўтказиб, Сизга тўғри текшириш саволларидан фойдаланишни машқ қилиб кўриш учун имкон беради.

3.0. ОРАЛ ПРЕПАРАТЛАРНИ УЙДА БЕРИШНИ ОНАГА ЎРГАТИНГ

Схемада санаб ўтилган орал препаратлар турли сабабларга кўра, ҳар хил дозаларда ва турлича тартибда (ҳар хил график бўйича) берилади. Аммо улар бир хил йўл билан берилади – ичирилади. Шу билан бирга оғиз орқали, ҳамда аэрозоль ҳолида бронхолитик препарат ҳам берилади.

Ушбу бўлимда Сиз орал препаратларни қандай бериш кераклигини оналарга ўргатишнинг асосий босқичларини ўзлаштириб оласиз. Она препаратни тўғри беришни ўрганиб олар экан, боланинг давоси ҳам тўғри ўтказилади. Онага бериладиган ҳар бир орал препарат учун қуида келтирилган йўл – йўриқларга риоя қилинг.

- **Боланинг вазни ва ёшига қараб мос келадиган препаратни ва унинг дозаларини аниқланг.**
- Болага мос келадиган препаратни ва унинг дозаларини аниқлаш учун «БОЛАНИ ДАВОЛАНГ» схемасидан фойдаланинг.
- **Онага боласига препарат тайинланишининг сабабини, жумладан:**
 - Орал препаратни нима учун унинг боласига бераётганингизни ва
 - Препаратнинг қайси муаммога даво бўлишини тушунтиринг.
- **Дозани қандай ўлчашни кўрсатинг.**

Препаратли қутичани олиб, яроқлилик муддатини текширинг. Муддати ўтган препаратдан фойдаланманг. Бола учун зарур дозани ҳисоблаб чиқинг. Қутичани ёпинг.

Онага **таблеткалар** бераётган бўлсангиз:

Онанинг ҳар сафар қанча дори бериши кераклигини унга кўрсатинг. Зарурат бўлса, унга таблеткани қандай бўлишини кўрсатинг.

Мабодо, таблеткани болага беришдан олдин майдалаш зарур бўлса, бир неча томчи тоза сув қўшинг ва бир минутча кутиб туринг. Сув таблеткани юмшатади ва уни майдалаш осон кечади.

Мабодо, Сиз онага **сироп** бераётган бўлсангиз:

Бир доза учун зарур миллилитрлар (мл) сонини уйда қандай ўлчаб олишни онага кўрсатинг. Оддий чой қошиқдан фойдаланинг. Она тўғри дозани қошиқ билан қандай ўлчашни кўрсатинг.

Бир чой қошиқ (ч.қ.) тахминан 5,0 мл га tengdir (қуийга қаранг):

МИЛЛИЛИТР (МЛ)	ЧОЙ ҚОШИҚ
1,25 мл	1/4
2,5 мл	1/2
5,0 мл	1
7,5 мл	1 + 1/2
10,0 мл	2
15,0 мл	3

Сиз онага **витамин А капсулаларини** берәёттган бўлсангиз:

Онага бир дозага мос келадиган ҳажмни кўрсатинг. Мабодо, болага яrim капсула бериш зарур бўлса (ёки у бутун капслани юта олмаса), капслани очиб, унинг яrim ҳажмича суюқликни боланинг оғзига сиқиб чиқаришни онага кўрсатинг.

➤ **Онанинг мустақил равишда доза ўлчашини кузатинг**

Онадан, ўзингиз ўлчаб олинг, деб илтимос қилинг. Доза таблетка шаклида бўлсаю, бола уни юта олмаса, онага таблеткани майдалашни маслаҳат беринг. Унинг ҳаракатларини кузатиб туринг. Тўғри бажарган ишларига эътиборини қаратинг. Мабодо, она дозани нотўғри ўлчаган бўлса, буни қандай қилиш кераклигини унга яна бир марта кўрсатинг.

➤ **Онадан фарзандига биринчи дозани беришни сўранг**

Мабодо, бола қайт қилаёттган ва препаратни қайт қилиб чиқариб ташлайдиган бўлса ҳам, уни барибир бериш зарурлигини тушунтиринг. Онадан фарзандини 30 минут давомида кузатиб туришини илтимос қилинг. Мабодо, 30 минутдан кейин қайт қилиш давом этса (қусиқда таблеткалар ёки сиропни кўриш мумкин), яна бир доза беринг. Бола сувсизланган ва қайт қилаёттган бўлса, кейинги дозани регидратация тутагандан сўнг беринг.

➤ **Препаратни қандай бериш кераклигини батафсил тушунтириб беринг, сўнг препаратни ўраб, устига ёзиб қўйинг.**

Онага фарзандига қанча препарат бериш кераклигини айтинг. Унга дозани кундада неча марта бериш кераклигини тушунтиринг. Препаратни қачон (масалан, эрта тонгда, тушликда, кечки овқатдан кейин, уйқудан олдин), ва неча кун бериш кераклигини айтинг.

Маълумотни препаратнинг ёрлиғига ёзиг қўйинг. Қуйида шундай ёрлиққа мисол келтирилган:

Ф.И.Ш. ПРЕПАРАТ	САНА МИҚДОРИ		
ДОЗАЛАРИ			

Препаратта мўлжалланган ёрлиқни тўғри тўлдириш учун:

- Даволашнинг бир курси учун зарур бўлган препаратнинг тўлиқ номини ва таблеткалар, капсулалар ёки сиропнинг умумий миқдорини ёзинг.
- Бемор учун зарур бўлган дозани ёзинг (таблеткалар, капсулалар, томчилар ёки чой қошиқлар, масалан, $1/2$, 1 , $1\frac{1}{2}$...). Дозани қачон бериш лозимлигини (эрта тонгда, тушлиқда, уйқудан олдин) ёзиг қўйинг.
- Кундалик доза ва бериш графигини қуийдагича ёзинг:

5 кун давомида кунига $1/2$ таблеткадан 2 марта.

Ҳар бир саводли одам ўқиб, тушуниб оладиган бўлиши учун, йўл – йўриқларни аниқ ва равshan ёзинг.

Ҳар бир препаратни алоҳида, устига ёзилган идишга (конверт, қофоз ёки флаконга) солиб қўйинг. Препаратларни тоза жойда сақланг. Тоза идишлардан фойдаланинг.

Препаратни жойлаб, устига ёзиб бўлгандан сўнг, уни онага беринг. Она фарзандини қандай даволашни тушунганлигига ишонч ҳосил қилиш учун текширувчи саволлар беринг.

Ҳар хил турдаги даво учун зарур бўлган препаратларнинг ёрлиғига мисоллар.

Ф.И.Ш. Гулнора Ибрагимова ПРЕПАРАТ амоксициллин	САНА 30.06 – 2013й МИҚДОРИ 5 таблетка		
)
$1/2$		$1/2$	
ДОЗАСИ:			
5 кун давомида $1/2$ таблеткадан кунда 2 марта беринг.			

Ф.И.Ш. Мунира Алишерова	САНА 30.06 – 2013й		
ПРЕПАРАТ Темир сиропи	МИҚДОРИ 1,25 мл		
		)
1 / 4			
ДОЗАСИ:			
Кунига бир марта 1/4 ч.қ. беринг.			

Ф.И.Ш. Ильхом Санаев	САНА 30.06 – 2013й		
ПРЕПАРАТ Витамин А	МИҚДОРИ 1 капсула		
		)
	1		
ДОЗАСИ:			
Эртага 1 капсула Витамин А беринг.			

- **Бир неча препарат бериш керак бўлса, уларни йифиб олинг, сананг ва ҳар бир препаратни алоҳида жойлаштиринг.**

Препаратни алоҳида йифинг. Йўл – йўриқни ёрлиққа ёзинг. Керакли миқдорни ўлчанг. Етарли миқдордаги препаратни алоҳида, устига ёзилган идишга жойлаштиринг. Кейинги препаратли конвертни фақат олдингисини жойлаштириб бўлгандан сўнгтина очинг.

Онага, фарзандида бир нечта касаллик бўлгани учун, у бир неча препарат олаётганини тушунтиринг. Онага барча препаратларни кўрсатинг. Ҳар бир препаратни қандай бериш кераклигини тушунтиринг. Керак бўлган тақдирда, ҳар бир препаратининг кўриниши ёзилган, қачон берилиши кўрсатилган, қисқача эслатма тузиб чиқинг.

- **Таблетка ёки сироп кўринишидаги орал препаратларни, боланинг аҳволи яхшиланиб қолса ҳам, даво курсини тугатиш учун, тўлиқ ишлатиш кераклигини тушунтиринг.**

Боланинг аҳволи яхшилана борса ҳам, даволашни давом эттириш зарурлигини онага тушунтиринг. Бу муҳимдир, чунки, касалликнинг белгилари йўқ бўлганига қарамай, организмда бактериялар сақланиб қолган бўлиши мумкин.

Онага барча дори моддаларни болалар қўли етмайдиган жойда сақлашни маслаҳат беринг. Шунингдек, препаратларни қоронги, қуруқ, сичқонлар ва қурт – қумурсқалар йўқ жойда сақлашни маслаҳат беринг.

- **Она тушунтиришларингизни қандай уққанлигини у тиббий муассасани тарк этишидан олдин текшириб кўринг.**

Онага қуиңдаги текширувчи саволларни беринг:

«Хар сафар қанча препарат берасиз?»
«Препаратни қачон берасиз?» «Неча кун давомида?»
«Бу таблеткани Сиз қандай қилиб тайёrlайсиз?»
«Қайси препаратни кунда З мартадан берасиз?»

Мабодо Сиз, она препарат(лар) ни уй шароитида бера бошлаганда, муаммолар пайдо бўлишини ҳис этсангиз, унга қўшимча **маълумот таклиф этиб, мисоллар кўрсатинг** ва **машқ қилиб кўриш** учун имкон беринг. Бола соғайиб кетиши учун, унга тўғри даво зарурдир.

Баъзи тиббий муассасаларда оналарни даволашга ўқитиш, уларнинг уққанлигини текшириб кўриш, аҳолига дори тарқатишга жавобгар шахсга юклатилгандир. Мабодо, Сизларда ҳам шундай бўлса, дори тарқатишга жавобгар бўлган шахсни, ўқиш пайтида ўзингиз олган кўникмаларга ўргатинг.

Дори тарқатишга жавобгар шахс 2.0. – «Мулоқатнинг тўғри кўникмаларидан фойдаланинг» ва 3.0. – «Онага орал воситаларни уй шароитида беришни ўргатинг», бўлимларида машқларни ўрганиши ва бажариши лозим. Эҳтиёж бўлса унга маълумот, мисоллар ва ўзини амалда синаб кўриш имкониятини яратиб беринг. Дорини тарқатишга жавобгар шахс ўз вазифасини уddyalай олаёттанига ишонч ҳосил қилинг.

Оналар тиббий муассасани тарк этишларидан олдин, уларга бир нечта текширувчи саволлар беринг. Уларнинг жавобларидан Сиз дорини тарқатишга жавобгар шахснинг давони тўғри ўтказишни оналарга ўргатганми – йўқми, билиб оласиз.



Г МАШҚ

Касаллик тарихини ўрганинг. Саволларга жавоб беринг. «БОЛАНИ ДАВОЛАНГ» схемангиздан ва мамлакатингиз учун тавсия этилган препаратлардан фойдаланинг.

7 – ойлик (7 кг) Зулфияни тиббий муассасага йўтали, ҳарорати 2 кун давомида баланд бўлганлиги ва жуда ҳам беҳол кўринганлиги учун олиб келишди. Тиббий ходим Зулфиянинг аҳволини баҳолаб, унда умумий хавф белгилари ва диарея йўқлигини аниқлади. Тиббий ходим боланинг қўлтиқ ости ҳарорати $38,5^{\circ}\text{C}$ эканлигини аниқлади. У ҳароратни БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ ЭҲТИМОЛИ деб таснифлади. Зулфиянинг томоги ва қулоқлари оғримайди. Қизчада йўтал бор ва нафас тезлашган бўлиб, кўкрак қафасининг тортилиши, стридор йўқ, аммо астмоид нафас аниқланди. Тиббий ходим Зулфиянинг касалини ПНЕВМОНИЯ, АСТМОИД НАФАС деб таснифлади ва КАМВАЗНИК ёки КАМҶОНЛИКНИ топмади. Тиббий ходим орал антибактериал препаратни ва оғиз орқали бронхолитикни беришни лозим кўрди.

1. Зулфия учун мос келадиган антибактериал препаратни, унинг дозаси ва бериш графигини аниқланг. Уларни қўйида ажратилган жойга ёзиб қўйинг.

2. Орал антибактериал препарат ва парацетамолни, орал бронхолитикни қандай бериш кераклигини Зулфиянинг онасига ўргатишнинг асосий босқичларини қўйида ажратилган жойга ёзиб қўйинг.

•

•

•

3. Зулфиянинг онасига бериладиган препаратли конвертнинг устига нималарни ёзар эдингиз, кўрсатинг.

Ф.И.Ш. препарат	Сана миқдори		
Дозаси:			

4. Орал антибактериал препарат ва парацетамолни, орал бронхолитикни қандай бериш кераклигини Зулфиянинг онаси тушуниб олганлигини текшириб кўриш учун беришингиз лозим бўлган камида 3 та текширувчи савонни санаб ўтинг.

5. Онаси Зулфияни қайта кўриқдан ўтказиш учун тиббий муассасага қачон олиб келиши керак? Онаси Зулфияни қачон зудлик билан тиббий муассасага олиб келиши керак?

6. Зулфиянинг онасига қизини қачон қайта кўриқдан ўтказиш учун тиббий муассасага олиб келишини билишини аниқлаш мақсадида бериладиган камида 3 та текширувчи саволларни санаб ўтинг.

Ушбу машқни бажариб бўлганингиздан сўнг, жавобларингизни ўқитувчингиз билан биргалиқда муҳокама қилинг.



Д МАШҚ

Ушбу машқда Сиз орал препаратларни уй шароитида беришни оналарга ўргатишга қаратилган ўйин вазиятларида қатнашасиз.

ЎЙИН ВАЗИЯТИ – УШБУ ПАЙТГАЧА НИМА СОДИР БҮЛДИ?

8 ойлик Дамирни (5кг) онаси, боланинг ҳарорати баланд бўлиб, нафаси қийинлашгани учун тиббий муассасага олиб келди. Ҳарорат 4 кун давомида кузатиласяпти.

Тиббий ходим Дамирни текширувдан ўтказиб, болада умумий хавф белгиларини топмади. Дамир минутига 56 мартадан нафас олади, астмоид нафас йўқ. Болада кўкрак қафасининг тортилиши ва тинч ҳолатда стридор кузатилмади. Боланинг тана ҳарорати 38°C. Тиббий ходим боланинг касаллигини ПНЕВМОНИЯ сифатида таснифлади.

Болада диарея йўқ, қулоқ муаммолари йўқ.

Болада ҳарорат бор, энса мускуларининг ригидлиги ва қизамиқ йўқ. Боланинг вазни ёши учун кам ва кафтлари оқиши. Тиббий ходим Дамирнинг касаллигини ПНЕВМОНИЯ, КАМҶОНЛИК ва КАМВАЗНЛИК деб таснифлади.

ПНЕВМОНИЯГА даво қилиш учун тиббий ходим амоксициллин таблеткаларини беришга қарор қилди. У Дамирга 250 мг таблеткани иккига бўлиб, 5 кун давомида кунига 2 мартадан бериб туриш кераклигини ёзиб қўйди.

КАМВАЗНЛИК ва КАМҶОНЛИКНИ даволаш учун, тиббий ходим, Дамирга темир сиропидан $\frac{1}{4}$ чой қошиқда бериш зарурлигини ёзиб қўйди.

ЭСЛАТМА: Тиббий ходим Дамирнинг онасига овқатлантириш муаммолари бўйича маслаҳат бериши керак, аммо бу ушбу ўйин машқига киритилмаган. Сиз овқатлантириш масалалари бўйича маслаҳат беришни келгуси «*Онага маслаҳат беринг*» модулида ўрганасиз.

ТИББИЙ ХОДИМ:

Ўйин машқининг бошланишида онага Дамир амоксициллин ва темир сиропига муҳтоjлигини айтинг. Онага орал препаратларни уй шароитида беришни ўргатинг. Онага керакли маълумотнинг барчасини беринг, унга препаратни қандай беришини кўрсатинг ва препаратнинг биринчи дозасини фарзандига қандай беришини кузатинг. Сўнгра онага қайси пайтда зудлик билан ва қачон қайта кўриқдан ўтиш учун тиббий муассасага келиши кераклигини тушунтиринг. Тушунтиришларингизни она қандай уққанлигини текширинг.

ОНА:

Тиббий ходим Сизга бераётган кўрсатмаларни диққат билан тингланг. Кўрсатмаларни тушунмасангиз савол беринг. Тиббий ходим Сизга берган барча саволларга жавоб беринг.

КУЗАТУВЧИЛАР:

Ўйин машқининг кечишини қузатинг. Аралашманг. Қуйида келтирилган саволларни ўқиб, машқ давомида уларга жавоб бериб боринг:

а. Тиббий ходим онага орал препаратларнинг муҳимлиги ҳақида ва уларни қандай ва қачон бериш тўғрисида **маълумот бердими?**

б. Тиббий ходим онага ҳар бир препаратнинг дозасини қандай ўлчаш кераклигини **мисолда кўрсатдими?**

в. Она:

ҳар бир препаратнинг дозасини ўлчаб олишни **машқ қилиб кўраётганида** ва препаратни болага қандай бериш кераклигини **машқ қилиб кўраётганида** тиббий ходим буни кузатиб турдими?

г. Тиббий ходим препаратларнинг номи ва дозасини ёрлиғига тўғри ёзиб, уларни тўғри жойлаштиридими?

д. Тиббий ходим онага қайси вақтда зудлик билан тиббий муассасага қайтиб келиш кераклигини тушунтиридими?

Тиббий ходим онага навбатдаги кўриқдан ўтиши учун қачон келиш кераклигини тушунтиридими?

е. Тиббий ходим тушунтиришларини она қандай уққанлигини текшириб кўрдими?

Тиббий ходим қандай текширувчи саволлар берди? Унинг ўрнида бўлганингизда Сиз қанаقا текширувчи саволлар берар эдингиз?

Ўйин машқ тугагандан сўнг юқорида келтирилган саволларни ва уларга берган жавобларингизни бошқа иштироқчилар ва ўқитувчингиз билан муҳокама қилинг.

4.0. МАҲАЛЛИЙ ИНФЕКЦИЯЛАРГА УЙ ШАРОИТИДА ДАВО ҚИЛИШНИ ОНАГА ЎРГАТИНГ

Модулнинг ушбу қисмида Сиз маҳаллий инфекцияларга қандай даво қилиш кераклигини ўрганасиз. Маҳаллий инфекциялар жумласига йўтал, томоқ яллиғланиши, кўз инфекциялари, оғиздаги яралар ва қулоқ инфекцияси киради.

Сиз шунингдек, онани маҳаллий инфекцияга уй шароитида даво қилишни онага қандай ўргатиш кераклигини билиб оласиз. Онани ўргатиш:

- **Онага даволаш нима учун кераклигини ва нимадан иборат эканлигини тушунтиринг.**
- **Тегишли рамкада келтирилган даволаш босқичларини тасвиirlаб беринг.**
- **Она тиббий муассасада биринчи марта даво ўтказишини (йўталга қарши ва томоқни юмшатувчи воситалардан ташқари) кузатинг.**
- **Уй шароитида даволашни неча марта ўтказиш кераклигини тушунтиринг.**
- **Уй шароитида даволаш учун зарур бўлса, онага тетрациклин малҳамли тюбик ёки генцианвиолетли кичик флаконни беринг.**
- **Она тиббий муассасани тарк этишидан олдин тушунтирганларингизни қандай уқсанлигини текшириб кўринг.**

Маҳаллий инфекцияни даволашнинг баъзи турлари маълум ноқулайликларни келтириб чиқаради. Болалар кўпинча кўзлар, қулоқлар ва оғзини даволашга қаршилик кўрсатадилар. Шунинг учун ҳам даволаш пайтида боланинг хотиржам бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу эса ўз навбатида бола томонидан бўладиган тўсиқнинг олдини олади.

Ўнг томондаги расмда болани қандай тўғри ушлаш кераклиги кўрсатилган. Сиз малҳам дори қўллаётганингизда ёки оғиздаги яраларни даволаётганингизда, боланинг бошини бироз орқага энгаштиринг. Боланинг қулоғини пилик билан қуритаётганингизда унинг бошини бироз ёнбошга қийшайтиринг.

Болани **фақат** даволаш олдидан ва даволаш пайтида хотиржам ҳолатда ушлаб туринг.




4.1. КҮЗ ИНФЕКЦИЯСИГА ТЕТРАЦИКЛИНЛИ КҮЗ МАЛХАМИ БИЛАН ДАВО ҚИЛИНГ

- Күз инфекциясига күзга қўйиладиган тетрациклинли күз малҳами билан даво қилинг.
- Иккала кўзни кунда 3 мартадан ювинг:
 - Қўлларингизни совунлаб ювинг.
 - Боладан қўзини юмишини сўранг.
 - Тоза мато ва сувдан фойдаланиб, эҳтиётлик билан йириングни ювиб ташланг.
- Сўнг тетрациклинли малҳамни кунда 3 мартадан иккала кўзга суртинг:
 - Боладан юқорига қарашини сўранг.
 - Тюбиқдан бироз дорини паски қовоқнинг ички юзасига сиқиб чиқаринг.
 - Яна қўлларингизни совунлаб ювинг.
- Қизариш йўқолгунча даволанг
- Бошқа дори, томчилар ва маҳаллий воситаларни ишлатманг.

Мабодо, болани касалхонага йўллассангиз, кўзларини тозалаб артиб олинг. Пастки қовоқни тортиб, тетрациклинли малҳамнинг биринчи дозасини суртинг. Дозаси ўлчамлари бўйича битта гуруч донасига ўхшаб тенгдир.


ТЕТРАЦИКЛИНЛИ КЎЗГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛҲАМ ДОРИНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЎЛЧАМЛАРИ



Мабодо, бола касалхонага юборилмаса, онага тетрациклинли кўз малҳамини қандай қилиб суртиш кераклигини ўргатинг. Онага қўйидаги маълумотни беринг. Она, иккинчи кўз касалланишинининг олдини олиш учун иккала кўзни ҳам даволаши зарурлигини тушунтиринг. Шунингдек дори бола кўзларини бир оз ачиштириши мумкинлигини ҳам айтиб ўтинг.

Онанинг:

- Даволашдан олдин ва кейин қўлларини совунлаб ювиши;
- Боланинг кўзларини тетрациклини кўз дорисини ишлатиш олдидан артиши. Кўзларни артиш учун тоза бинт ёки матодан фойдаланиши.
- Муолажани (кўзларни артиб, дори суртишни), кунда З марта (эрталаб, кундузи ва кечқурун) қайтариши кераклигини унга тушунтиринг.



Сўнгра, **онага** кўзларни қандай даволашни **кўрсатинг**. Қўлларни совунлаб ювишини унутманг.

- Пастки қовоқни кўрсатинг. Пастки қовоқни пастга тортинг. Малҳамни худди шу жойга суриш кераклигини онага кўрсатинг. Тюбик кўзга ҳам, қовоқча ҳам тегмаслиги кераклигини онага тушунтиринг.
- Бирорта кишидан болани қимиirlатмасдан, хотиржам ҳолда ушлаб ўтиришни илтимос қилинг.
- Боланинг кўзини мато ёки бинт билан арting. Дорини пастки қовоқча сиқиб

чиқаринг. Она дорини қаерга суртиш лозимлигини ва қанча (гуруч донасида) дори кераклигини күраёттандырып ишонч ҳосил қилинг.

Онадан иккинчи кўзни артиб, унга дори **суртиб кўришини** илтимос қилинг. Унинг ҳаракатларини кузатиб, назорат қилинг. Она даволашни тутатганидан сўнг, унга қўйидаги қўшимча маълумотни беринг:

- Инфекция тушган **кўзниң қизариши кетгунга қадар, иккала кўзни ҳам даволанг**. Кўзда йиринг камайса ёки эрталаб кўз «ёпишиб» қолмаган бўлса, инфекция тушган кўзниң аҳволи яхшиланадиган бўлади.
- Боланинг кўзини даволаш учун ҳеч қанақа бошқа дори, томчилар ёки одатда ишлатилмайдиган воситаларни **қўлламанг**. Улар хавфли бўлиб, кўзниң зарарланишига олиб келиши мумкин. Хавфли воситаларни ишлатиш кўзниң кўр бўлиб қолишига олиб келиши мумкин.
- 2 кундан сўнг йиринг камаймаса, болани қайтиб тиббий муассасага олиб келинг.

Сўнгра онага уйга олиб кетиш учун суртма дори беринг. Унга тиббий муассасада боласини даволаш учун ишлатган тюбикни беринг.

Она тиббий муассасани тарк этишидан олдин унга **текшириш учун саволлар беринг**. Она фарзандининг кўзларини қандай даволашни уқсанлигини текшириб кўринг. Масалан, қўйдагиларни сўранг:

«Сиз битта кўзни даволайсизми ёки иккаласиними?»

«Боланинг кўзларига қанча миқдорда малҳам суртасиз? Менга кўрсатинг».

«Боланинг кўзларига неча марта дори қўясиз?»,

«Қўлларингизни қачон совунлаб ювишингиз керак?»

4.2. ҚУЛОҚНИ ПИЛИК (ТУРУНДА) БИЛАН ҚУРИТИНГ


➤ Қулоқни кунда камида 3 марта қуритинг:

- Бинг ёки нам сўрувчи матони пилик қилиб ўранг,
- Пиликни бола қулоғига киритинг,
- Пилик намланиши билан уни олиб ташланг,
- Ишлатилган пиликни бошқасига алмаштириб, қулоқ қуруқ бўлгунича давом этинг.

Онага қулоқни пилик билан қуритишни ўргатишдан олдин, унга инфекция тушган қулоқни даволаш учун уни қуруқ ҳолда ушлаб туришнинг аҳамиятини **тушунтиринг**. Сўнгра боланинг қулоғини қандай қилиб қуритиш кераклигини **кўрсатинг**.

Боланинг қулоғини қуритаётганингизда, онага унинг нима қилиши кераклигини тушунтиринг:

- Пилик тайёрлаш учун бинт ёки тоза, намни шимиб оладиган, пахтадан түқилган матодан фойдаланинг. Учига пахта ўралган **таёқча ишлатманг**.
- Пиликни боланинг қулоғига у нам бўлгунича қўйиб қўйинг.
- Ҳўл бўлган пиликни қуруғига алмаштиринг.
- Бу муолажани пилик қуруқ бўлиб қолгунча давом эттиринг.



Она қандай қилиб бола қулоғини қуритишини кузатинг. Унинг ҳаракатларини кузатиб, назорат қилиб боринг. Она даволашни тутатганидан сўнг унга қуийдаги маълумотни беринг.

- Қулоқни пилик билан кунда 3 марта қуритинг.
- Бундай даволашни қулоқдан йиринг оқиши тўхтаб, **пилик қуруқ бўлиб қолгунча давом эттиринг**.
- Сурункали қулоқ инфекциясида қулоқдан йиринг оқса қуритиш муолажалари орасида унга маҳаллий антибактериал препарат офлоксациннинг 3% ли эритмасини 2 – 4 томчиidan томизинг. уни 2 ҳафта

давом эттиринг, хатто қулоқдан суюқлик ажралиши тўхтаган бўлса ҳам. Болага чўмилишга рухсат берманг. Боланинг қулоғига сув кириши мумкин эмас.

Текширувчи саволлар беринг, масалан:

«Уйда пиликни қандай материаллардан тайёрлайсиз?»

«Боланинг қулоғини пилик билан қунда неча марта қуритасиз?»

«Болангизнинг қулоғига яна нима томизасиз?»

Она фарзандининг қулоғини пилик билан қуритиш жараёнида муаммолар юзага келади деб ўйласа, уларни ҳал қилишда онага ёрдам беринг.

4.3. ОФИЗДАГИ ЯРАЛАРНИ ГЕНЦИАНВИОЛЕТ БИЛАН ДАВОЛАНГ

Офиздаги яralарни даволаш инфекцияни камайтириб, боланинг овқат ейишини енгиллаштиради.

- Офиздаги яralарни кунда икки марта даволанг.
 - Қўларингизни совунлаб ювинг.
 - Боланинг оғзини тоза, бармоққа ўралган, тузли сувга хўлланган мато билан ювив чиқинг.
 - Офизни тенг баробар эритилган генцианвиолет билан тозаланг.
 - Яна бир марта қўлларингизни совунлаб ювинг.

Онани тенг баробар эритилган генцианвиолет (0,25% эритмаси) билан офиздаги яralарни даволашга ўргатинг. Онага қуийдаги **маълумотни** беринг. Унга тушунтиринг:

- Агар, офиздаги яralарни артиб чиқса, фарзанди тезроқ аввалгилик овқатлана олади. Бола овқат ейиши давом эттириши керак, бу жуда ҳам муҳим.
- Боланинг оғзини тузли эритма билан чайиб ташланг. Тузли эритма бир стакан қайнаган сувга 1 чой қошиқ ош тузи солиб тайёрланади. Тоза бинт ёки матони бармоғингизга ўранг. уни тузли сувда ҳўлланг. У билан офизни чайинг.
- Офизга генцианвиолет билан тозалаш учун тоза мато ёки учига пахта ўралган таёқчадан фойдаланинг. Генцианвиолет яра келтириб чиқарувчи микроорганизмларни ҳалок қилади. Мато ёки таёқчани генцианвиолет билан ҳўлланг. Болага генцианвиолетни **ичишига рухсат берманг**.
- Яralарни кунда 2 марта: эрталаб ва кечқурун тозалаб туринг.

- **Оғиздаги яраларга 5 кун давомида даво қилинг, сўнгра даволашни тўхтатинг.**

Тоза мато ёки бинтни бармоқча ўраб, тузли сувга хўлланг. **Онага** боланинг оғзини аввал қандай ювишни **кўрсатинг**. Сўнгра, teng баробар суюлтирилган генцианвиолет билан тозалашни кўрсатинг.

Онадан **ушбу даволашни машқ қилиб кўришини сўранг**. Она қандай қилиб фарзандининг оғзини ювишини ва қолган яраларни генцианвиолет билан қандай қилиб тозалашни кузатиб туринг. Қайси ишни тўғри бажарганини ва қайси ишни яхшироқ бажариш лозимлигини она билан муҳокама қилинг.

Онага уйига олиб кетиши учун teng баробар суюлтирилган генцианвиолет шишаиласини беринг. Унга 2 кундан сўнг, қайта кўриқдан ўтиш учун тиббий муассасага яна қайтиб келиши кераклигини тушунтиринг. Шунингдек, онага, фарзандининг оғзидағи яралар кўпайиб кетса, ёки бола сув ича олмаса ёки овқат ея олмаса, тиббий муассасага эртароқ қайтиш кераклигини тушунтиринг.

Она тиббий муассасани тарқ этишидан олдин унга **текшириш учун саволлар беринг**. Масалан, мана бундай деб сўраб кўринг:

«Боланинг оғзини нима билан юvasиз?»

«Қўлларингизни қачон юvasиз?»

«Боланинг оғзини неча марта тозалайсиз?» «Неча кун давомида?»

Онадан сўранг, “даволаш жараёнида муаммолар пайдо бўлиши мумкинми?”. Уларни ҳал қилишда унга ёрдам беринг.

4.4. ХАВФСИЗ ВОСИТАЛАР БИЛАН ТОМОҚНИ ЮМШАТИБ, ЙЎТАЛНИ ЕНГИЛЛАШТИРИНГ

Томоқни юмшатиб, йўтални енгиллаштириш учун хавфсиз воситалардан фойдаланинг. Бундай воситалар уй шароитида тайёрланиши, тиббий муассаса томонидан берилиши ёки дорихонадан сотиб олиниши мумкин. Муҳими, улар **хавфсиз** бўлиши керак. Уй шароитида тайёрланадиган воситалар, худди сотиб олинган воситалардек самаралидир.

- **Хавфсиз воситалар билан томоқни юмшатиб, йўтални енгиллаштиринг.**
- Тавсия этилаётган хавфсиз воситалар:
 - фақат эмадиган болалар учун кўкрак сути.
 - қайнатилган илиқ сув, минерал сув, илиқ сут.
- Хавфли воситалардан эҳтиёт бўлинг:
 - буғли ингаляциялар,

- оғзига бриллиант яшили, йод, люголь, суришдан эҳтиёт бўлинг.

Сизнинг «БОЛАНИ ДАВОЛАНГ» схемангизда томоғи яллиғланган ва йўтали бор болалар учун тавсия этилган хавфсиз, юмшатувчи воситалар санаб ўтилган. Мабодо, бола фақат кўкрак эмса, бошқа ҳеч қанақа суюқликлар ёки воситалар берманг.

Буғли ингаляцияларни хавфли воситалар сафига киритиш лозим. Буғ ишларини нотўғри ўтказиш кўнгилсиз натижаларга олиб келиши, чунончи, ҳалқум ва ҳиқилдоқ шиллиқ қаватларининг куйишига, шунингдек, муолажага ўта сезувчанлик пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Таркибида кодеин, атропин, кодеин бирикмалари ёки спирт сингари заҳарли моддалар бўлган воситаларни ҳеч қачон ишлатманг. Булар болани уйқучан қилиб қўйиши мумкин. Улар боланинг овқатланишига халақит беради. Улар шунингдек боланинг ўпкасидаги шилимшиқ балғамнинг кўчишига халақит бериши мумкин. Бурунга томизиладиган дориларни (яъни, таркибида туздан ташқари атропин, кодеин сингари моддалар бўладиган томчи дориларни) ёки катта дозадаги антигистамин препаратларни ҳам ишлатиш керак эмас.

Сиз хавфсиз воситани қандай бериш кераклигини тушунтираётган пайтингизда, онанинг фарзандига воситани қандай бераётганини кузатишнинг ҳожати йўқ. Чунки, бундай даволашда дозанинг аниқ бўлиши муҳим эмас.

ТАВСИЯЛАРИНГИЗНИ МУҲИМЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАНГ

Онага маълумотларнинг керагини бериш жуда муҳим.

Мабодо, болада даволашни талаб этадиган фақат битта муаммо бўлса ҳам, схемангизда санаб ўтилган барча зарур йўл – йўриқ ва тавсияларни беринг. Мабодо, болада бир нечта муаммо бўлса, онага мўлжалланган кўрсатмалар мураккаб бўлиши мумкин ва она уларни эслаб қолиши қийин бўлади. Бундай ҳолда Сиз энг муҳим кўрсатмалар билан чегараланишингиз лозим. Сиз қўйидагиларни аниқлашингиз керак:

- **Ушбу** она қандай ҳажмдаги ахборотни тушуниб эслаб қолиши мумкин?
- Даволашни яна давом эттириш учун у тиббий муассасага қайтиб келадими? Қайтиб келса, баъзи бир кўрсатмаларни унга келгуси сафар бериш мумкин.
- Боланинг аҳволини яхшилаш учун қайси тавсиялар энг муҳимлигини аниқлаб олишингиз керак.

Мабодо, назарингизда, даволаш учун зарур бўлган барча кўрсатмаларни она ёдлаб ола олмаса ёки эслаб қола олмаса, боланинг ҳаёти учун энг асосий бўлган кўрсатмани танланг. Даволаш учун асосий кўрсатмалар антибактериал препаратлар ва диарея бўлган бола учун суюқликлар тайинлашдан иборатdir. Даволашнинг бир неча турини онага ўргатинг ва она уларни қандай эслаб қолганлигини текшириб кўринг.

Агар зарур бўлса, қуийдагиларга доир кўрсатмаларни тушириб қолдиринг ёки кечиктириб туринг:

- овқатлантиришни баҳолаш ва овқатлантириш масалаларига оид маслаҳатларни беришни,
- йўтални юмшатувчи ва тамоқдаги оғриқларни камайтирувчи воситалар ҳақидаги маълумотни беришни,
- витамин А^{*}нинг иккинчи дозасини беришни,
- темир препаратлари билан даволашни.

Даволашга доир бошқа кўрсатмаларингизни онага, у келгуси марта тиббий муассасага келганда беришингиз мумкин.

*Витамин А нинг биринчи дозасини беринг. Бошқа дозаларни **берманг**. Онани, кейинги дозаларни қандай бериш ҳақидаги кўрсатмалар билан **қийнаманг**.



Е МАШҚ

Ушбу машқда Сиз маҳаллий инфекцияга уй шароитида даво қилишни онага қандай ўргатиш кераклиги ҳақидаги саволларга жавоб берасиз. Сиз, шунингдек, изоҳларингизнинг муҳимлик даражасини аниқлашни ҳам машқ қилиб кўрасиз.

1 ҚИСМ: Маҳаллий инфекцияга уй шароитида даво қилишни онага ўргатиш.

1. Кўз инфекциясини даволанг

- a. Сиз онага кўз инфекциясига даво қилиш муҳимлиги ҳақида нима деган бўлар эдингиз?

- б. Қўйида келтирилган рўйхатда кўз инфекциясига даво қилишни онага ўргатишнинг асосий босқичларидан қайсилари кўрсатилмаган?

- Қандай ва нима учун кўзни даволаш керак, тушунтиринг.
- Кўзни қандай артиб, тетрациклини кўз дорисини қандай қилиб суртиш кераклигини кўрсатинг.
- Онага кўзни қунда неча марта, неча кун давомида даволаш кераклигини айтинг ва боласининг кўзларини бошқа ҳеч қандай воситалар билан ювиш мумкин эмаслигини тушунтиринг.
- Онага бир тюбик кўз дориси беринг.
- Она тушунтиришларингизни уққанлигини текшириш учун саволлар беринг.

в. Қўйидаги келтирилган саволларни текшириш учун бериб кўриладиган тўғри саволларга ўзгартиринг.

1. Фарзандингиз кўзларини қандай даволашни биласизми?

2. Кўз дорисини қўллаётган пайтингизда фарзандингизни хотиржам ҳолда

ушлаб тура оласизми?

3. Оғиздаги яраларга даво қилинг.

- a. Оғиздаги яраларга даво қилишнинг муҳимлиги ҳақида онага нима айта оласиз?

- b. Онага оғиздаги яраларга даво қилишни ўргатаётганингизда асосий босқичларнинг қайсиларига амал қилган бўлар эдингиз?

3. Хавфсиз восита билан томоқни юмшатинг ва йутални енгиллаштиринг.

- a. «Хавфсиз восита» атамаси нимани англатади? Мисол келтиринг.

б. Хавфли воситаларга камида иккита мисол келтиринг.

в. «ПНЕВМОНИЯ йўқ, ЙЎТАЛ ёки ШАМОЛЛАШ» деб тасниф этилган бола қачон зудлик билан тиббий муассасага қайтиб келиши лозим?

Биринчи қисмини бажариб бўлганингиздан сўнг жавобларингизни ўқитувчингиз билан муҳокама қилинг.

2 ҚИСМ: Изоҳларнинг муҳимлик даражасини аниқлашни машқ қилиб кўринг.

Ўқитувчи овозини чиқариб Маликанинг касаллик тарихини ўқиб беради.

1. Маликанинг касаллик тарихини эшитинг. Маликанинг таснифи ва баҳолаш натижаларини кейинги бетда келтирилган маҳсус шаклга ёзиб қўйинг.
2. Малика учун зарур давонинг барча турларини аниқланг. Даво турларини маҳсус шаклга ёзиб қўйинг.
3. Ўқитувчи касаллик тарихини ўқишни давом эттиради.
4. Малика муҳтоҷ бўлган даво турларини, кўрсатмалар ва тушунтиришларни яна бир марта кўриб чиқинг. Тиббий ходим шуларнинг ичидан қайсиларини энг муҳим деб билиб, уларни қизчанинг бувисига беради?
5. Мабодо, бувиси ҳаддан ташқари кўп маълумот олган бўлса, даво турлари, кўрсатма ёки изоҳлардан қайсиларини тушириб қолдириш керак?

Хамма тайёр бўлганидан кейин бутун гуруҳ билан муҳокама ўтказилади.

2 ОЙЛИКДАН 5 ЁШГАЧА БҮЛГАН КАСАЛ БОЛАНИ ОЛИБ БОРИШ

Исми _____ Ёши _____ Оғирлиги _____ кг Танасининг ҳарорати _____ °C
 СҮРДАБ КҮРИНГ: Болада қандай муаммолар бор _____ Биринчи ташриф _____ Такрорий ташриф _____
БАХОЛАНГ (бор симптомларни айланага олинг)

ТЕКШИРИБ КҮРИНГ, УМУМИЙ ХАВФ БЕЛГИЛАРИ БОРМИ?		Умумий хавф белгилари борми? Ха ____ Йўқ ____ Касалликни таснифлашда умумий хавф белгилари бор ёки йўқлигини эътиборга олишни унугтманг																					
<ul style="list-style-type: none"> ИЧА ОЛМАЙДИ ЁКИ ЭМА ОЛМАЙДИ ҲАР ҚАНДАЙ ОВҚАТ ЁКИ СУЮКЛИКДАН СҮНГ ҚАЙТ ҚИЛДИ ШАЙТОНЛАШ 		<ul style="list-style-type: none"> ЛЕТАРГИК ҲОЛАТДА ЁКИ ХУШСИЗ 																					
ЙЎТАЛ ЁКИ НАФАС ҚИЙИНЛИГИ БОРМИ?		Ха ____ Йўқ ____ <ul style="list-style-type: none"> Минутдаги нафас сонини сананг. Минутига _____ та. Нафас тезлашганми? Кўкрак кафасининг тортилиши борми? Кўринг ва эшитинг, стридор борми? Кўринг ва эшитинг, астмоид нафас борми? <p>Агар астмоид нафас бўлса, бу кайта эпизодми?</p>																					
БОЛАДА ДИАРЕЯ БОРМИ?		Ха ____ Йўқ ____ <ul style="list-style-type: none"> Қачондан буён? _____ кун Ахлатида кон борми? <ul style="list-style-type: none"> Умумий ахволига қаранг. Бола: -Летаргик ҳолатда ёки хушсизми? -Безовта ёки бетоқатми? Изланг, кўзлари кирттайтганми? Болага суюқлик таклиф этинг: -Ича олмайди ёки ёмон ичадими? -Ютоқиб ичадими, чанқомми? Корнида тери бурмалари реакциясини текшириб кўринг. Тери бурмалари: -Жуда секин (2 секунддан ортик) текисланади -Секин (2 секундгача) текисланади 																					
БОЛАДА ИСИТМА БОРМИ? (анамнезда иссиги бор ёки ҳарорати 37,5°C ва юкори ёки бадани иссик)		Ха ____ Йўқ ____ <ul style="list-style-type: none"> Қачондан буён? _____ кун 7 кун ва ундан кўп бўлса, иситма ҳар куни кузатиладими? Охириг 3 ой давомида бола қизамиқ билан касалланганми? <p>Агар болада қизамиқ бор ёки у охириг 3 ой давомида қизамиқ билан касалланган бўлса:</p> <ul style="list-style-type: none"> Энса мускуларини кўздан кечиринг ва ригидлигини аникланг. Иситманинг бошка мумкин бўлган сабабларини изланг ҚИЗАМИҚ белгиларини изланг: Ялпи тошма ва Мана бу белгиларнинг бири: йўтал, томоқ ёки кўзларнинг қизаргани бор-йўқлигини излаб кўринг. Қараб кўринг, оғзида яралар борми? Улар чукур ва каттами? Қараб кўринг, кўзлар йиринглашганми? Қараб кўринг, кўз шоҳ пардаси хирадашганми? 																					
БОЛАНИНГ ЁШИ 18 ОЙЛИКДАН КАТТА БҮЛСА ТОМОГИДА МУАММОЛАР ИЗЛАНГ		<ul style="list-style-type: none"> Бола томоги оғриб, ича олмайдими? Томоги қизарганими? Томогида йиринг борми? Бўйин лимфа тугуллари катталашганми? 																					
БОЛАДА ҚУЛОҚЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР БОРМИ? Ха ____ Йўқ ____		<ul style="list-style-type: none"> Қулоқда оғрик борми? Қулоқдан йиринг оқадими? Агар окса, қачондан буён? _____ кун 																					
СҮНГРА ОЗИҚЛАНИШНИНГ БУЗИЛИШИ ВА КАМҚОНЛИК БОРМИ, ТЕКШИРИНГ		<ul style="list-style-type: none"> Қараб кўринг, кулоқдан оқаётган йиринг борми? Пайпаслаб кўринг, кулоқ орқасида оғрикли шиш борми? 																					
БОЛАНИНГ ЭМЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИНГ		<ul style="list-style-type: none"> Кўринг, кўзга ташланадиган оғир озғинлик белгилари борми? Кўринг, кўл кафтлари оқлиги борми? Унинг даражаси: Якъомли? Ўртачами? Қараб кўринг, иккала оёқ панжасида шиш борми? Вазннинг ёшга мослигини аникланг Кам _____ Кам эмас 																					
Бугун эмланиши керак вакциналар тагини чизиб қўйинг		Эмлаш учун яна келиш керак: (куни, ойи)																					
<table border="1" style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <tr> <td>БЦРК _____</td><td>АКДС+НІВ-1 _____</td><td>АКДС+НІВ-2 _____</td><td>АКДС+НІВ-3 _____</td><td>КПК-1 _____</td><td>АКДС-4 _____</td><td>Витамин А _____</td></tr> <tr> <td>ОПВ-0 _____</td><td>ОПВ-1 _____</td><td>ОПВ-2 _____</td><td>ОПВ-3 _____</td><td>КПК-2 _____</td><td>ОПВ-4 _____</td><td>Мебендазол _____</td></tr> <tr> <td>ВГВ-1 _____</td><td>ВГВ-2 _____</td><td>ВГВ-3 _____</td><td>ВГВ-4 _____</td><td>Рота-1 _____</td><td>Рота-2 _____</td><td></td></tr> </table>		БЦРК _____	АКДС+НІВ-1 _____	АКДС+НІВ-2 _____	АКДС+НІВ-3 _____	КПК-1 _____	АКДС-4 _____	Витамин А _____	ОПВ-0 _____	ОПВ-1 _____	ОПВ-2 _____	ОПВ-3 _____	КПК-2 _____	ОПВ-4 _____	Мебендазол _____	ВГВ-1 _____	ВГВ-2 _____	ВГВ-3 _____	ВГВ-4 _____	Рота-1 _____	Рота-2 _____		
БЦРК _____	АКДС+НІВ-1 _____	АКДС+НІВ-2 _____	АКДС+НІВ-3 _____	КПК-1 _____	АКДС-4 _____	Витамин А _____																	
ОПВ-0 _____	ОПВ-1 _____	ОПВ-2 _____	ОПВ-3 _____	КПК-2 _____	ОПВ-4 _____	Мебендазол _____																	
ВГВ-1 _____	ВГВ-2 _____	ВГВ-3 _____	ВГВ-4 _____	Рота-1 _____	Рота-2 _____																		
<ul style="list-style-type: none"> Болани эмзиб бокасизми? Ха ____ Йўқ ____ Агар эмзиб боксангиз, кунига неча марта _____ Болани кечаси эмзасизми? Ха ____ Йўқ ____ Бола бошқа овқат ёки суюқлик оладими? Ха ____ Йўқ ____ Агар олса, нималарни олади? 																							
<p>Кунига неча марта? _____ марта. Болани овқатлантириш учун нимадан фойдаланасиз? _____ Ҳар сафар канча овқат берасиз? _____ Болани ким ва қандай килиб овқатлантиради? _____ Касаллик вактида болани овқатлантириш усули ўзгардими? Ха ____ Йўқ ____ Агар ўзгарган бўлса, қандай ўзгарди?</p>																							

БОШҚА ҲАР ҚАНДАЙ МУАММОЛАРНИ БАХОЛАНГ
ОНАДАН УНИНГ СӨГЛИГИ ҲАҚИДА СҮРАНГ

Хар қандай умумий хавф аломати бор болани касалхонага жойлаш зарурлигини эсингизда тутинг

ДАВОЛАНГ

Кейинги ташриф ____ кундан кейин

Қандай пайтда дархол яна келиш кераклигини онага түшунтириб беринг.

Бугунги зарур эмлаш ишларини бажаринг _____

Болани овқатлантиришга доир маслаҳатлар

5.0. УШБУ ВОСИТАЛАРНИ ФАҚАТ ТИББИЙ МУАССАСАДА БЕРИНГ

«ДАВОНИ БЕЛГИЛАНГ» модулида Сиз оғир таснифли болани зудлик билан касалхонага йўллашни ўргандингиз. Сизга, балки, болани касалхонага юборищдан оддин, даволашнинг қуийдаги бир неча турини ўтказишга тўғри келади:

- Мабодо, бола орал антибактериал препаратни ича олмаса, антибиотикни мушак орасига юбориши.
- Астмоид нафасда сальбутамолни ингалятор орқали юбориши.
- Гипогликемиянинг оддини олиш.
- Эмлаш ҳолатини баҳолаш ва керак бўлса эмлаш ўтказишни билиб оласиз.

Сиз мушак орасига антибиотик юбораётганингизда, ёки ўлчайдиган ингалятор билан сальбутамолни бертаётганингизда:

- Бу воситанинг нима учун берилаётганини онага тушунтиринг.
- Боланинг вазнига (ёки ёшига) мос келадиган дозани аниқланг.
- Стерил шприц ва стерил игнадан фойдаланинг.
- Дозани аниқ қилиб ўлчанг.
- Дорини мушак орасига инъекция сифатида беринг.
- Мабодо, болани касалхонага ётқизишнинг иложиси бўлмаса, олинган кўрсатмаларга риоя қилинг.

5.1. АНТИБАКТЕРИАЛ ВОСИТАНИ МУШАК ОРАСИГА ЮБОРИНГ

Қандай болалар антибактериал препаратни мушак орасига юборишга муҳтож бўлади?

Агар бола:

- бола суюқлик ича олмайдиган ёки эма олмайдиган, ёки
- ҳар қандай овқат ёки суюқлиқдан сўнг қайт қиласа, ёки
- шайтонлаёган бўлса, ёки
- хушсиз ёки летаргик ҳолатда бўлса,

ЁКИ зудлик билан касалхонага юборишга муҳтож бўлсаю, лекин оғиз орқали антибактериал препаратни қабул қила олмаса, бундай болаларга антибактериал препаратни мушак орасига инъекция тарзида юборинг (ампициллин ва гентамицин дозасини). Сўнгра болани зудлик билан касалхонага юборинг.

Антибактериал препаратни беришдан олдин нима қилиш керак:

- Антибактериал препаратни нима учун берилаёттанини онага тушунтиринг.
- Боланинг вазнига (ёки ёшига) мос келадиган дозани **БОЛАНИ ДАВОЛАНГ** схемасига қараб аниқланг.
- Стерил шприц ва игнадан фойдаланинг.
- Дозани аниқ ўлчанг.
- Дорини мушак орасига инъекцияда юборинг.
- Агар, болани касалхонага ётқизишнинг иложи бўлмаса, БКИУОБ кўсатмаларга риоя қилинг.

АНТИБАКТЕРИАЛ ПРЕПАРАТ ИНЬЕКЦИЯСИНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИШ КЕРАК

Агар Сиз мускул орасига инъекция қилишни билсангиз, ушбу йўриқномаларга риоя қилиб муолажани бажаринг. Агар билмасангиз, муолажани бажара оладиган бошқа тиббий ходимдан буни бажаришни илтимос қилинг.

- Препаратнинг керакли **дозасини** аниқлаш учун БКИУОБ схемасидан фойдаланинг. Амбулаторияда бор бўлган препаратнинг **концентрациясига** қаранг.
- Аниқ дозани боланинг **вазнига** (агар вазни аниқ бўлмаса, ёшига қаранг) мос келадиган қаторни танланг.
- Сизда бор бўлган дори воситасининг концентрацияси схемадагига тўғри келиш – келмаслигини албатта **текширинг**.
- **Ампициллин:** Ампициллин одатда 500 мг дан резина қопқоқли флаконда порошок шаклида қадоқланади. Ампициллин порошоги сақланадиган флаконга 2,1 мл маҳсус ишлаб чиқарилган инъекция учун сув қўшинг. Флаконда 2,5 мл ампициллин эритмаси тайёр бўлади. Флакондаги аралашма тиниқ бўлгунча силкитинг.

- Гентамицин:** Гентамициннинг тайёр 4% ли эритмасидан фойдаланинг (ампулада 40 мг / мл).
- Инъекцияни **стерил игна ва шприц** билан бажаринг.
- Бола **ётган ҳолда** бўлиши керак.
- Препаратни соннинг олди қисмига мускул орасига чуқур ҳолда юборинг. Думба соҳасига юборманг, бу жуда хавфли.

ЁШИ ёКИ ВАЗНИ	АМПИЦИЛЛИН (флакон 500 мг) 50мг/кг Ҳар 6 соатда вена ичига ёки мушак орасига юборинг (флаконга 2,1 мл стерил инъекция учун сув қўшинг- 2,5 мл / 500 мг)	ГЕНТАМИЦИН (Ампула 40мг/мл) 7,5 мг/кг мушак орасига кунда 1 марта
2 ойликдан 6 ойликкача (4 - <6 кг)	1 мл	0,75 - 1,0 мл
6 ойликдан 12 ойликкача (6 -<10 кг)	2 мл	1,1 - 1,8 мл
12 ойликдан 2 ёшгача (10 - <15 кг)	3 мл	1,9 - 2,8 мл
2 ёшдан 5 ёшгача (15 - 19 кг)	5 мл	2,9 - 3,5 мл

МУҲИМ:

Оғир пневмония деб таснифланган бемор болани касалхонага юбориш имкони бўлмаса ва инъекция қилиши учун шароит бўлмаса оғиз орқали амоксациллинни 45 мг/кг дозада, кунига 2 марта 5 кун давомида бериш лозим.

Ушбу антибактериал препарат билан даволашни самарааси бўлмаса болани касалхонага юборинг.

5.2. БОЛАДА ШАЙТОНЛАШ БҮЛСА ДИАЗЕПАМНИ РЕКТАЛ ТАРЗДА ЮБОРИНГ

Агар болада шайтонлаш бўлса диазепамнинг (ёки паральдегиднинг) биринчи дозасини беринг ва касалхонага юборинг.

- Керакли дозани тубекулин шприцига (1,0 мл) олинг. Агар иложи бўлса дозани вазнига қараб олинг. Сўнг игнани олиб ташланг.
- Шприцни тўғри ичакка 4–5 см ичкарига киритинг ва эритмани жўнатинг.
- Думбаларни қисиб бир неча минут ушлаб туринг.

Болада шайтонлаш бўлса диазепамни ректал юборинг

- Болани ён томонига ётқизинг ва нафас йўлларини тозаланг. Боланинг оғзига ҳеч нарса солманг.
- Диазепамни 0,1мл / кг дозада тўғри ичакка игнасиз туберкулин шприцида ёки катетер орқали юборинг.
- Агар шайтонлаш тўхтамаса, диазепам дозасини 10 минутдан сўнг қайтаринг.

ЁШИ ёки ВАЗНИ	Диазепам дозаси (10 мг / 2 мл) 0,1 мл / кг	Паральдегид, ректал 0,3 мл / кг
2 – < 4 ойлик (3 – < 6 кг)	0,5 мл (2,5 мг)	1,6 мл
4 – < 12 ойлик (6 – < 10 кг)	1 мл (5 мг)	2,4 мл
1 – < 3 ёш (10 – < 14 кг)	1,25 мл (6,25 мг)	4,0 мл
3 – < 5 ёш (14 – 19 кг)	1,5 мл (7,5 мг)	5,0 мл

5.3. ГИПОГЛИКЕМИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

ЖУДА ОФИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИК ва ОЗИҚЛАНИШНИНГ ОФИР БУЗИЛИШИ бор болаларда касалхонага юборищдан олдин гипогликемияниң олдин олиш керак бўлади.

Гипогликемия жуда жиддий касалликларда, масалан менингитда юзага келади. Бу ҳолат шунингдек бола узоқ вакт овқатланмаганда ривожланади. Бу жуда хавфли ҳолат, чунки у бош мия иш фаолиятининг бузилишига олиб келади.

Кўкрак сути ва унинг ўрнини босувчи сунъий аралашмалар ёки ширин сув гипогликемияниң олдини олиш учун керак бўлган глюкоза билан таъминлайди.

Агар бола эма олмаса ва Сиз нозогастрал зондан фойдаланишни билсангиз, зонд орқали 50мл соғилган кўкрак сути ёки кўкрак сути ўрнини босувчи сунъий аралашмалар ёки ширин сув юборинг.

Гипогликемияга профилактик даво қилинг

➤ **Бола эма оладиган бўлса:**

- Онадан болани эмизишини сўранг.

➤ **Бола эма олмаса, лекин юта олса:**

- Соғилган кўкрак сути ёки унинг ўрнини босувчисини беринг.
- Униси ҳам, буниси ҳам бўлмаса, шакарли сув^{*} беринг.
- 30 – 50 мл кўкрак сутини ёки шакарли сувни йўлга чиқишидан олдин амбулаторияда беринг.

➤ **Бола юта олмаса:**

- 50 мл сут ёки шакарли сувни^{*} назогастрал зонд орқали юборинг.

* Шакарли сув тайёрлаш учун: 4 чой қошиқ (20 грамм) шакарни 200 мл сувда, тоза идишида эритинг.

5.4. БАРЧА БОЛАЛАРГА КЕРАКЛИ ЭМЛАШЛАРНИ ЎТКАЗИНГ

Профилактик эмлаш ўтказиш бўйича ушбу маълумотни ўқинг.

- Кўрув пайтида бола ўзини яхши ҳис этаётган бўлса, амбулаториядан кетишидан олдин барча керакли эмлашларни ўтказинг.
- Инъекцияларни стерил игна ва шприц билан қилинг. Бу ВИЧ ва гепатит В касаллигининг юқишини олдини олади.
- Эмлашларни ўтказиб бўлганингиздан кейин очиқ қолган БЦЖ, КПК, АҚДС, ХИБ ва РОТА, ОПВ вакциналарини йўқотинг.
- Профилактик эмлаш картасига, амбулатор картасига ва эмлашларни қайд қилиш журналига барча ўтказилган эмлашларнинг санасини ёзинг.
- Агар болада дарея бўлса ва унга ОПВ вакцинасини режа бўйича олиш керак бўлса, эм дорини дозасини беринг. Бу дозани эмлаш картасига қайд қилманг. Онасига 4 ҳафтадан кейин келиб яна бир доза олишини айтинг. Амбулаторияга қайта келганда оладиган дозасини у диарея билан оғримаган пайтдаги дозаси деб ҳисобланг. Олган дозасининг санасини картага ёзиб қўйинг.
- Онасига бугун қандай касалликларга қарши эмлашлар ўтказилганлигини тушунтиринг. Онасига эмлашдан кейин кузатилиши мумкин бўлган **ножўя таъсиrlари** тўғрисида гапириб беринг. Қуйида Сиз ҳар бир эмлаш вақтида кузатилиш мумкин бўлган вакциналарниг ножўя таъсири тўғрисида ўқиб олишингиз мумкин.
 - **БЦЖ:** катта бўлмаган оғриқли шиш, сўнг вакцина юборган жойда яра пайдо бўлиши, тахминан 2 ҳафтадан кейин. Яра ўзи битиб кетади ва ўрнида чандиқ қолади. Онасига бу ўзгаришларни ва ярани очиқ қолдиришини айтинг. Агар керак бўлса фақат қуруқ мато билан ўраб қўйиши мумкин.
 - **ОПВ:** ножўя таъсири деярли йўқ.
 - **АҚДС, ХИБ, гепатит В:** иситма, ғашлик, инжиқлик учраши мумкин бўлган ножўя таъсиrlар. Улар жиддий ҳолат эмас ва маҳсус даво талаб қилмайди. Иситма — организмнинг вакцинага таъсири, бу ижобий ҳолат.
 - Агар болада иситма чиқса ёки бирор жойи оғриса, парацетамол таблеткасини бериш мумкин. Болани одатдагидек кийинтириб, иссиқ ўрамаслик керак.
 - **Қизамиқ:** вакцинанинг бўлиши мумкин бўлган ножўя таъсиrlари — иситма ва енгил қизамиқ тошмаси. Эмлашдан 1 ҳафта ўтиб болада

иситма ва тошма пайдо бўлиши мумкин. Иситма 1 – 3 кун давом этади. Иситма – организмнинг вакцинага таъсири, бу ижобий ҳолат. Иситмаси юқори бўлганда парацетамол бериш кераклигини онасига тушунтиринг.

- Онага болани кейинги эмлашга қачон олиб келишини айтинг.

Болаларни профилактик эмлаш тақвими

Ёши	Эмлаш турлари
1 кун	ВГВ – 1 Вирусли гепатит В га қарши
2 – 5 кун	Силга қарши – БЦЖ – 1 Шолга қарши – ОПВ – 0
2 ойлик	АКДС – 1 Кўййутал, бўғма ва қоқшолга қарши ХИБ – 1 В типдаги Гемофилиос инфлюэнзега қарши ВГВ – 2 ОПВ – 1 Рота – 1 Ротавирусга қарши орал вакцина
3 ойлик	АКДС – 2 ХИБ – 2 ВГВ – 3 ОПВ – 2 Рота – 2
4 ойлик	АКДС – 3 ХИБ – 3 ВГВ – 4 ОПВ – 3
12 ойлик	КПК – 1 Қизамиқ, эпид. паротит ва қизилчага қарши
16 ойлик	АКДС – ревакцинация (4) ОПВ – ревакцинация (4)
6 ёш	КПК – 2



Ж МАШҚ

Ушбу машқда Сиз дозани тўғри аниқлашни ва турли препаратларнинг дозаларини ўлчашни машқ қилиб кўрасиз.

1 ҚИСМ: Препаратларнинг тўғри дозасини аниқлашни амалда синааб кўринг.

1. Қуийдаги болалар учун қайси дозани танлар эдингиз?

Боланинг вазни	Амоксициллин керак бўлса
5 кг	
7 кг	
13 кг	
18 кг	

2. 12 – ойлик (10 кг) Вохидни 2 кундан буён ҳарорати баландлиги ва бола кечаги кундан буён уйғонмаётганлиги учун бугун эрталаб тиббий муассасага олиб келишди.

Тиббий ходим Вохиднинг аҳволини баҳолаб, бола хушсиз эканлигини аниқлади. У боланинг касаллигини ЖУДА ОФИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИК ва КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ёки КАМҚОНЛИК ЙЎҚ деб таснифлади.

Тиббий ходим Вохидга мушак орасига юбориш учун антибиотик беради. Сўнгра тиббий ходим Вохидни зудлик билан энг яқин касалхонага йўллайди.

Вохид учун зарур бўлган, мушак орасига юбориладиган антибиотикнинг дозасини кўрсатинг.

3. 2 – ёшли Мадинанинг онаси бугун эрталаб тиббий ёрдам сўраб мурожаат этди, чунки қизча жуда ҳам бўшашиб, ҳарорати 2 кундан бери баланд бўлиб турибди, у ҳеч ҳам сув ича олмайди.

Тиббий ходим Мадинани кўздан кечириб, аҳволини баҳолади ва унинг касаллигини ЖУДА ОФИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИК ва ҲАЛҚУМ АБСЦЕССИ деб таснифлади.

Тиббий ходим мушак орасига Гентамицин ва бициллин – 1 юборди. Сўнгра тиббий ходим Мадинани зудлик билан касалхонага йўллади.

Мадина олган давонинг ҳар бир тури учун дозани кўрсатинг

Гентамицин _____

Бициллин – 1 _____

1 Қисмни бажариб бўлганингиздан сўнг жавобларингизни гуруҳингизнинг бошқа аъзолари билан муҳокама қилинг.

2 ҚИСМ: Орал ва мушак орасига юбориладиган препаратларнинг дозаларини тайёрлашни машқ қилиб кўринг.

1. Ўқитувчингиз патнисда препаратлар тўпламини тайёрлаб қўйибди. Қайси таблеткалар бир – бирига ўхшашлиги ва бир – неча препарат тайинланганда адаштириб қўйишга олиб келиши мумкинлигига эътибор беринг. Препаратларнинг хоссаларини ўқитувчингиз билан муҳокама этинг.
2. Патнисдаги витамин А капсуласидан фойдаланиб, ўқитувчингизга ёки бирорта бошқа иштирокчига, 8 – ойлик, капсулани юта олмайдиган болага, витамин А – ни қандай бериш кераклигини кўрсатинг. Боланинг оғзи ўрнига пиёладан фойдаланиш мумкин.
3. Келгуси бетда кўрсатилган препаратларнинг дозаларини тайёрланг. Мушак орасига юбориладиган препаратларни тайёрлаш учун порошокни стерил сувда эритинг ва мос келадиган шприцга тўгри келадиган ҳажмни тортиб олинг. Ҳар бир дозани маҳсус ажратилган жойга ёзиб қўйинг. Ўқитувчингиздан ҳар бир дозани текшириб чиқишни илтимос қилинг.

Танлаган дозангизни ромкага ёзиб қўйинг

- a. Амоксициллин, вазни
6 кг бўлган бола учун

- б. Темир таблеткаси, вазни
12 кг бўлган бола учун

в. Гентамицин, вазни
6 кг бўлган бола учун

г. Эритромицин, вазни
9 кг бўлган бола учун

д. Ампициллин, вазни 7 кг
бўлган бола учун

е. Парацетамол, вазни
14 кг бўлган бола учун

ж. Амоксициллин, 18 ойлик
бола учун

з. Витамин А, 12 ойлик
бола учун

6.0. ДИАРЕЯДА ҚҰШИМЧА СУЮҚЛИКЛАР БЕРИБ, ОВҚАТЛАНТИРИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИНГ

Сиз диареяли боланинг аҳволини баҳолашга, касаллигини таснифлашга ва қуида келтирилган даволаш режаларидан бирортасини танлаб олишга ўргандингиз.

Диареяни олиб боришнинг уч хил режаси мавжуд:

А режа – Диареяни уй шароитида даволанг.

Б режа – Ўртача сувсизланишни паст осмоляр ОРВ ёрдамида даволанг.

В режа – Оғир сувсизланишни тезда даволанг.

Ушбу уччала даволаш режалари диарея пайтида организмнинг йўқотган суюқлик ва тузлар заҳирасини қайтадан тиклашга қаратилгандир. Бир вақтнинг ўзида ҳам регидратацияни ўтказиш, ҳам сувсизланишнинг олдини олишнинг энг қулай усули, бу болага паст осмоляр ОРВ эритмасини бериш ҳисобланади. Вена ичига суюқликлар юбориш фақатгина ОФИР СУВСИЗЛАНИШ бўлган вазиятларда қўлланилиши керак.

Антибактериал препаратлар диареянинг кўпчилик ҳолларида самарасиздир. Улар кам ёрдам беради ва касал болаларга салбий таъсир кўрсатади. Антибактериал препаратларни асоссиз равишда қўллаганда баъзи микроорганизмларнинг антибиотикларга бўлган чидамлилигини ортишига олиб келади. Бундан ташқари антибактериал препаратлар нарҳи қиммат бўлиб, маблағ кўпинча даволашнинг самарасиз усулига сарфланади. Шунинг учун, диареяни даволашда антибактериал препаратларни одатдаги восита сифатида ишлатиш керак эмас. Антибактериал препаратларни вабо қайд этилган худудда оғир сувсизланиш билан асоратланган диарея кузатилса, вабони даволаш учун қўлланг.

Ҳеч қачон болаларга ва гўдакларга диареяга қарши ва қусишига қарши дори воситаларини берманг. Улар диареяда камдан – кам ҳолатлардагина ёрдам бериши мумкин, уларнинг баъзилари эса бола соғлиги учун хавфли ҳамдир. Ичак ҳаракатларини сусайтирувчи дори воситалари (масалан, кодеин, опий дамламаси, дифеноксилат, лоперамид) ёки қусишига қарши дори воситалари (масалан, хлорпромазин) хавфли бўлиб ҳисобланади. Заарли дори воситаларининг базилари ичак параличига олиб келиши, баъзиларини қабул қилгандан сўнг бола одатдагидан уйқучан бўлиб қолиши мумкин. Баъзи бир дори воситалари, айниқса уларни гўдакларда қўллаганда, ўлим ҳолатларига олиб келиши мумкин. Бошқа диареяга қарши дори дармонлар хавфли бўлмасада, ичкетарни даволашда ҳеч қандай наф бермайди. Шундай дори воситаларига мисол бўлиб абсорбирловчи воситалар киради, масалан, каолин, аттапульгит, смектит ва активлаштирилган кўмир. Диареянинг давосида бу дори воситаларини қўллаш орал регидратация усули билан даволашнинг ўтказилишини кечикирилишига олиб келади.

Энди Сиз А, Б ва В Режалар асосида даволашни қандай ўтказиш кераклигини ўрганасиз.

6.1. А РЕЖА: ДИАРЕЯНИ УЙ ШАРОИТИДА ДАВОЛАНГ

Диарея билан касалланган ва СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ таснифи қўйилган болаларни А Режа бўйича даволанг.

Уй шароитида даволашнинг 4 қоидаси мавжуд:

1. Қушимча суюқликлар бериш (бала қанча ича олса, шунча);
2. Цинк препаратини бериш;
3. Овқатлантиришни давом эттириш;
4. Қачон бола билан қайтиб келиш кераклигини билиш.

- ЎРТАЧА ва ОФИР СУВСИЗЛАНИШ бўлган болалар регистратацияга муҳтождирлар. Уни қандай бажариш кераклигини кейинроқ, ўқув курсининг ушбу бўлимини ўқиб бориш давомида билиб оласиз. Охир оқибатда барча диарея билан касалланган болалар А Режа бўйича даво олишлари керак.
- А Режа онага ёки болани парвариш қилувчи бошиша шахсга диареяни уй шароитида даволашнинг 4 та қоидаси буйича маслаҳат беришни ўз ичига олади.



1 Қоида: Болага уй шароитида қўшимча суюқликлар беринг

- Болага, у қанча ича олса, шунча суюқлик бериш кераклигини онага тушунтиринг. Қўшимча суюқлик бериш, диарея пайтида организм йўқотган суюқлик миқдорини тўлдириши ва шу йўл билан, сувсизланишнинг олдини

олиши лозим. Диарея бошланиши биланоқ одатдагидан күпроқ суюқлик бериб бориш жуда муҳим.

- Онага күкракни болага тез—тез ва ҳар сафар узоқроқ вақт бериш кераклигини айтинг. Бошқа суюқликлар бериш кераклигини ҳам онага тушунтириинг. Уй шароитида сувсизланишнинг олдини олиш учун тавсия этиладиган суюқликларнинг бири — паст осмоляр ОРВ эритмасидир.
- Мабодо, бола фақат эмизиб боқилаётган бўлса, бундай болани одатдагидан кўра тез—тез эмизиши мухимдир. Шунингдек паст осмоляр ОРВ эритмасини ёки тоза сув беринг. Фақат она сутини олаётган, б ойликкача бўлган болаларга аввал она сутини, сўнгра эса, паст осмоляр ОРВ эритмасини бериш зарур.
- Мабодо, бола фақат она сутининг ўзи билан боқилмаса, унга қуийдаги суюқликлардан битта ёки бир нечтасини беринг:
 - паст осмоляр ОРВ эритмаси,
 - озуқа моддалар асосида тайёрланган суюқликлар,
 - тоза сув.

А Режада она уй шароитида паст осмоляр ОРВ эритмаси бериши лозим бўлган 2 вазият мавжуд:

- Бола ушбу ташрифи пайтида ЎРТАЧА ёки ОФИР СУВСИЗЛАНИШ бўйича даволанган бўлса. Бошқача қилиб айтганда, бола эндиғина регидратация муолажасини олган бўлса (вена ичига ёки оғиз орқали). Паст осмоляр ОРВ эритмаси бундай болага қайта сувсизланишнинг олдини олишга ёрдам беради.
- Мабодо, диарея кучайиб кетсаю, бола билан тиббий муассасага яна қайтиб келишнинг иложи бўлмаса. Масалан, оила тиббий муассасадан узоқда яшайди, ёки она ишхонасини ташлаб кета олмайди.

Онага паст осмоляр ОРВ бераётган пайтингизда, унга ОРВни паст осмоляр эритмасини қандай тайёрлаш ва қандай болага бериш кераклигини кўрсатинг. Одан, Сизнинг назоратингиз остида эритма тайёрлашини илтимос қилинг.

ОРВ ни паст осмоляр эритмасини тайёрлаш босқичлари:

- Қўлингизни совунлаб ювинг.
 - Пакетдаги барча порошокни тоза идишга тўкинг. Фақат кенг тарқалган идишлардан, масалан банка ёки кўзачадан фойдаланинг.
 - 1 литр тоза сув ўлчаб олинг (ўлчов идиши сифатида 1 литрли банқадан фойдаланиш мумкин).
- Яхшиси қайнатиб, совутилган сувдан, аммо бунинг иложиси бўлмаса, тоза ичимлик сувдан фойдаланинг.
- Сувни идишга қуйинг. Буни аста — секинлик билан, порошок тўлиқ эригунча аралаштириб туриб, бажаринг.
 - Эритмани татиб кўринг ва мазасини эслаб қолинг.

Онага ҳар куни паст осмоляр ОРВ нинг янги эритмасини тоза идишда тайёрлаш, идишни қопқоқ билан ёпиб сақлаш кераклигини тушунтириинг. Эртасига ортиб қолган суюқликни тўкиб ташлаш кераклигини айтинг.

Одатдаги миқдорға құшымча равища қанча суюқлик бериш кераклигини онага күрсатинг.

- Бола одатдаги кунлик ҳажмда ва **құшымча** равища **суюқлик** олиб туриши кераклигини онага тушунтириңг. Боланинг ичи суюқ келгандан сүңг, ҳар сафар, қанча құшымча суюқлик бериш кераклигини онага күрсатинг:
 - 2 ёшгача бўлган болалар: ичи суюқ келгандан сүңг ҳар сафар 50 – 100 мл.
 - 2 ёш ва ундан катта болалар: ичи суюқ келгандан сүңг ҳар сафар 100 – 200 мл.
- Онага, диарея тез орада тўхташи кераклигини тушунтириңг. ОРВни паст осмоляр эритмаси диареяни тўхтатмайди. ОРВ ни паст осмоляр эритмасининг фойдаси шундаки, у диарея пайтида организм йўқотган сув ва тузларнинг ўрнини тўлдиради ва бола аҳволи оғирлашувининг олдини олади.

Онага айтинг:

- Суюқликни пиёла ёки қошиқда, тез – тез, қултумлаб бериб турсин. Гўдакларга суюқлик берища қошиқдан фойдаланинг.
- Мабодо, бола қайт қилаётган бўлса, 10 минут кутиб туринг. Сўнgra, суюқлик беришни аста – секин давом эттириңг.
- Диарея тўхтамагунча, құшымча суюқлик беришни давом эттириңг.

2 Қоида: Болага уй шароитида Цинк препаратини беринг

Цинк препаратини бераётган пайтингизда:

- Цинк препарати диареяни тезроқ тўхташига ёрдам беришини ва бола аҳволининг оғирлашувининг олдини олишини онага тушунтириңг.
- Цинк препаратини болага бир кунда бир мартадан 14 кун давомида бериш кераклигини онага тушунтириңг. Цинк препаратларини диарея тўхтаган тақдирда ҳам тўлиқ 14 кун давомида қабул қилиш зарурлигига онанинг эътиборини қаратинг. Чунки цинк билан даволаш болада қайта диарея касалланиш хавфини пасайтиради.
- Онага 6 ойгача бўлган болага 20 мг ли цинк таблеткасининг 1/2 қисмини, 6 ойлик ва ундан катта болаларга 1 бутун таблетка бериш кераклигини тушунтириңг.

3 Қоида: Уй шароитида овқатлантиришни давом эттириш

- Овқатлантиришни қандай давом эттириш кераклиги бўйича онага маслаҳат беринг. Агар боланинг касаллиги ЧЎЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯ деб таснифланган бўлса, Сиз онага овқатлантириш бўйича маҳсус тавсиялар беришингиз лозим. ЧЎЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯ таснифи бўлган болага овқатлантиришга оид қандай тавсиялар бериш кераклигини мазкур бўлимнинг кейинги босқичларида билиб оласиз.

4 Қоида: Дарҳол тиббий ёрдам учун мурожаатни талаб қилувчи ҳолатлар

Барча bemор болаларнинг оналарига қуидаги белгилар пайдо бўлиши билан тиббий муассасага қайтиб келиш кераклигини тушунтиринг:

- Суюқлик ича олмаса ёки кўкракни эма олмаса;
- Боланинг аҳволи ёмонлашса;
- Ҳарорати кўтарилса.

Болада диарея бўлса, қуидаги ҳолларда она тиббий муассасага қайтиб келиши кераклигини ҳам тушунтиринг:

- Боланинг ахлатида қон булса;
- Бола ёмон ичса.

«Ёмон ичса» сўзлари «суюқлик ича олмайди ёки кўкракни эма олмайди», тушунчаларини ўз ичига олади. Бу белгилар алоҳида—алоҳида кўрсатилган, лекин тушунтиришни соддалаштириш мақсадида уларни бирлаштириш мумкин. Сиз онага оддийгина қилиб, мабодо, бола «ёмон ичса ёки кўкракни ёмон эмса», тиббий муассасага қайтиб келиши зарурлигини айтишингиз мумкин.



3 МАШҚ

1. Ўткир 4 ёшда бўлиб, унда диарея кузатилаяпти. Болада умумий хавф белгилари йўқ. Боланинг аҳволи СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ, ТОМОҚДА МУАММО ЙЎҚ, КАМВАЗНИЛИК ЙЎҚ ёки КАМҚОНЛИК ЙЎҚ деб таснифланди. Бола А Режа бўйича даволанади.

а. Диареяни уй шароитида даволашнинг қандай 4 қоидаси бор?

б. Тиббий ходим онага фарзандига бериш учун қандай суюқликлар тавсия қилиши лозим?

2. Асқар 3 ойлик бўлиб, унда диарея кузатилаяпти. Болада умумий хавф белгилари йўқ. Боланинг касаллиги СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ ва КАМВАЗНИЛИК ЙЎҚ ёки КАМҚОНЛИК ЙЎҚ деб таснифланди. У фақат кўкрак сути билан овқатланади. Болага қўшимча суюқлик бериш ҳақида тиббий ходим онага нима дейиши лозим?
3. СУВСИЗЛАНИШ БЎЛМАСА, қайси болалар учун, уй шароитида ОРВнинг паст осмоляр эритмаси ёрдамида даволаш айниқса муҳим?

4. Ушбу болаларни, уларда диарея бўлгани учун тиббий муассасага олиб келишди. Уларнинг аҳволи баҳоланиб, умумий хавф белгилари топилмади. Уларнинг касалликлари, СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ ва КАМВАЗНИК ЙЎҚ ёки КАМҚОНЛИК ЙЎҚ деб таснифланди. Ахлати ҳар сафар суюқ келгандан сўнг, она қанча қўшимча суюқлик бериши кераклигини ёзиб қўйинг.

Исми	Ёши	Ахлати ҳар сафар суюқ келгандан сўнг берилиши лозим бўлган суюқлик ҳажми.
а. Мурод	6 ойлик	
б. Равшан	2 ёш	
в. Клара	15 ойлик	
г. Шоҳиста	4 ёш	

5. 4 ёшлик болада диарея. Унда умумий хавф белгилари йўқ. Боланинг касаллиги СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ ва КАМВАЗНИК ЙЎҚ ёки КАМҚОНЛИК ЙЎҚ деб таснифланди. Тиббий ходим онага А Режа бўйича даволашни ўргатиб, уй шароитида фойдаланиш учун 2 пакет паст осмоляр ОРВ берди.

Бутун диарея давомида она фарзандига бериб бориши лозим бўлган ҳамма суюқликларни белгиланг.

- а. Қуруқ мевалардан тайёрланган, бола одатда овқатдан сўнг ичадиган компот.
- б. Бола одатда ҳар куни ичадиган мева шарбати.
- в. Ичимлик сув кўзасидан қўйилган сув. Бола чанқаши билан кўзадан сув ича олади.
- г. Суюқ ахлатдан сўнг ҳар сафар паст осмоляр ОРВ.
- д. Она ивтиилган сутдан бутун оила учун тайёрлайдиган маҳсулот аралашмалари.

6. Она 11 ойлик қизи Лутфияни диарея бўлиб қолгани учун тиббий муассасага олиб келди. Лутфия одатда ширгуруч, шунингдек, қиймаланган гўшт, қайнатилган мева ва сабзавотлар ейди. Она болани эмизиб боқишини давом эттираяпти. Онанинг гапи бўйича, у тиббий муассасадан узоқда яшайди ва бир неча кундан сўнг, ҳаттоқи, боласининг аҳволи ёмонлашса ҳам, қайта кўрикка кела олмаслиги мумкин.

Тиббий ходим Лутфиянинг аҳволини баҳолаб, унда умумий хавф белгилари ва бошқа таснифга мос келадиган касалликлар топмади. У боланинг касаллигини СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ ва КАМВАЗНИК ЙЎҚ ёки КАМҚОНЛИК ЙЎҚ деб таснифлади. Тиббий ходим Лутфия А Режа бўйича даволанишга муҳтож деган қарорга келди.

а. Тиббий ходим уй шароитида фойдаланиш учун онага паст осмоляр ОРВ пакетларини бериши керакми? Агар керак бўлса, 1 литрлик пакетдан нечтасини бериши лозим?

б. Лутфия онаси учун Онага Эслатмани тўлдиринг.

С У Ю Қ Л И К Л А Р	АХЛАТИ СУЮҚ БОЛАГА:
<p>БАРЧА БЕМОР БОЛАЛАРГА:</p> <ul style="list-style-type: none">• Тез – тез эмизинг.• Мабодо, бола фақат кўкрак сути билан овқатланмаса, шўрва, гуруч қайнатмаси, кефир, қатиқ, биолакт ёки оддий қайнаган сув беринг. 	<ul style="list-style-type: none">• Болага кўпроқ суюқлик беринг.• Паст осмоляр туз – сувли эритмалар.• Уйда тайёrlанган суюқликлар (фақат кўкрак сутининг ўзи билан овқатланмаса) шўрва, гуруч қайнатмаси, кефир, қатиқ, биолакт.○ Қайнаган сув.○ Тез – тез ва узоқроқ эмизинг.○ Ич кетиши тўхтагунича болага мўл – кўл суюқлик бериб туринг.

в. Лутфиянинг онаси ОРВнинг паст осмоляр эритмасини қандай тайёrlаш ва бериш кераклигини уқиб олганлигини текшириш учун, унга бериш лозим бўлган З та саволни ёзинг.

—

—

—

г. Бола эритмани ичаётган пайтда қайт қила бошласа, она нима қилиши лозим?

- д. Лутфиянинг онаси қанча вақт мобайнида қўшимча суюқликлар бериши лозим?
- е. Тиббий ходим Лутфиянинг онасига болани овқатлантиришни давом эттириш кераклигини айтади. У шунингдек, онага, қайси белгилар пайдо бўлганда зудлик билан тиббий муассасага қайтиб келиш лозимлигини тушунтиради. Тиббий ходим қайси белгиларни билиб олишни Лутфиянинг онасига ўргатиши лозим?
7. Диареяси бўлган ва СУВСИЗЛАНИШ КУЗАТИЛМАГАН болаларга Сизнинг тиббий муассасангизда қанақа суюқликлар тавсия этилади?

А Режа бўйича даволанаётган барча болаларга ОРВнинг паст осмоляр эритмасини тавсия этиб бўладими?

Тавсия этиб бўлмаса, қайси болалар А Режа бўйича ОРВнинг паст осмоляр эритмасини олиши керак?

Ушбу машқни бажариб бўлганингиздан сўнг жавобларингизни ўқитувчингиз билан муҳокама қилинг.

6.2. Б РЕЖА: ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШНИ ТИББИЙ МУАССАСАДА ПАСТ ОСМОЛЯР ОРВ ЭРИТМАСИ ЁРДАМИДА ДАВОЛАНГ

Диарея билан касалланган ва ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШИ бўлган болани тиббий муассасада 4 соат давомида даволанг. Онани 4 соат давомида фарзандига аста—секинлик билан тавсия этилган миқдорда ОРВнинг паст осмоляр эритмасини бериншини илтимос қилинг. Она эритмани фарзандига қошиқчада ёки қултимлаб ичириб туради.

Оғир таснифли ва ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШИ бўлган бола зудлик билан касалхонага юборишга муҳтождир. Бола тиббий муассасадан кетишдан олдин унга региратация ўтказишга ҳаракат қилманг. Онага ОРВнинг паст осмоляр эритмасини беринг. Унга касалхонага кетаётганда бу эритмани болага қандай қилиб тез—тез қултумлаб ичиришни кўрсатинг.

Истисно: агар болада ОФИР ЧЎЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯ бўлса ва бошқа оғир таснифлар бўлмаса, бу болаларда сувсизланишни даволанг, сўнг касалхонага юборинг.

Бошқа ҳолларда, ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШИ бўлган бола бошқа касалликларини даволашга муҳтож бўлса, Сиз, биринчи навбатда сувсизланишга даво қилишдан бошлишингиз зарур. Сўнгра давонинг бошқа турларини ўтказасиз.

4 соатдан сўнг, БАҲОЛАНГ ва ТАСНИФЛАНГ схемаси ёрдамида боланинг аҳволини қайта баҳолаб сувсизланиш даражасини таснифланг. Агар сувсизланиш белгилари йўқолган бўлса болани уй шароитида даволашни давом этиринг. Агар ўртача сувсизланиш сақланиб қолган бўлса, ўртача сувсизланишдаги давони қайтаринг. Мабодо, боланинг аҳволини қайта баҳолашда ОФИР СУВСИЗЛАНИШ белгиларини топсангиз, болани дарҳол В Режа асосида даволанг. Булар тўғрисида бўлимнинг кейинги босқичларида тушунтирилади.

Даволашнинг дастлабки 4 соати ичида бериладиган паст осмоляр ОРВ эритмасининг ҳажмини аниқланг

ОРВ эритмасининг бериладиган ҳажмини аниқлаш учун **БОЛАНИ ДАВОЛАНГ** схемасига мурожаат қилинг ва Б Режадаги жадвалдан фойдаланинг. Тавсия этиладиган ОРВ эритмасининг ҳажмини аниқлаш учун боланинг вазнини (агар вазни ноаниқ бўлса, ёшини) кўрсатувчи устунчани топинг. Масалан, агар боланинг вазни 5 кг бўлса, унга даволашнинг биринчи 4 соатида жадвал бўйича тахминан 200 дан 400 млгача, аниқ миқдорди – 375 мл ($5 \text{ кг} \times 75 = 325 \text{ мл}$) ОРВ эритмаси керак бўлади.

Жадвалда келтирилган ОРВ эритмасининг ҳажмини тавсия этилган миқдор деб қараш лозим. Зарур бўлган паст осмоляр ОРВ эритмасининг миқдори боланинг вазнига, ёшига, сувсизланиш даражасига ва ахлатининг сонига боғлиқ бўлиши мумкин. Қоида бўйича, бола ўзига керак бўлган миқдорни ичади. Бола тавсия этилгандан кўп ёки камроқ ича олса, унга у хоҳлаганча миқдорда ОРВ беринг.

Б РЕЖА: ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШГА ПАСТ ОСМОМОЛЯР ОРВ ЁРДАМИДА ДАВО ҚИЛИНГ

Паст осмоляр ОРВни тавсия этилган миқдорда 4 соат давомида бериб туринг.

➤ БИРИНЧИ 4 СОАТ ДАВОМИДА БЕРИШ ЛОЗИМ БЎЛГАН ОРВ НИНГ ПАСТ ОСМОМОЛЯР ЭРИТМАСИНИНГ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАНГ.

ЁШИ*	4 ОЙЛИККАЧА	4 ОЙЛИҚДАН 12 ОЙЛИККАЧА	12 ОЙЛИҚДАН 2 ЁШГАЧА	2 ЁШДАН 5 ЁШГАЧА
ВАЗНИ	<6 КГ	6 – <10 КГ	10 – <12 КГ	12 – 19 КГ
МЛ-ДА	200 – 400	400 – 700	700 – 900	900 – 1400

➤ *Боланинг вазни номаълум бўлсагина ёшидан фойдаланинг.*
Боланинг вазнини (кгга) 75 кўпайтириш йўли билан ҳам ОРВнинг паст осмоляр эритмасининг таҳминий миқдорини аниқлаш мумкин.

- Мабодо, бола жадвалда кўрсатилганидан кўпроқ ОРВнинг паст осмоляр эритмасини ичишни хоҳласа, кўпроқ беринг.
- 6 ойлиқдан кичик бўлган, кўкрак сути эммайдиган болаларга, шу вақт (4 соат) ичида 100 – 200 мл тоза сув ҳам беринг.

➤ ОНАГА, ФАРЗАНДИГА ОРВНИНГ ПАСТ ОСМОЛЯР ЭРИТМАСИНИ ҚАНДАЙ БЕРИШ КЕРАКЛИГИНИ КЎРСАТИНГ.

- Суюқликларни пиёлада, тез – тез, қултумлаб беринг.
- Мабодо, бола қайт қила бошласа, 10 минут кутиб туринг. Сўнг аста – секин давом этинг.
- Бола қайси вақтда хоҳламасин, уни эмизиб боринг.

➤ 4 СОАТДАН СҮНГ:

- Боланинг аҳволини қайта баҳоланг ва сувсизланиш даражасини таснифланг.
- Даволашни давом эттириш учун мос келадиган режани танланг.
- Болани амбулаториянинг ўзида овқатлантира бошланг.

➤ МАБОДО, ОНА ТИББИЙ МУАССАСАНИ ДАВО ТУТАГУНЧА ТАРК ЭТИШГА МАЖБУР БЎЛСА:

- ОРВ эритмасини уй шароитида қандай тайёрлаш кераклигини унга кўрсатинг.
- 4 соатлик давони уйда тугатиш учун болага қанча ОРВнинг паст осмоляр эритмасини бериш кераклигини онага кўрсатинг.

➤ ИЧИШГА ЦИНК ПРЕПАРАТИНИ БЕРИНГ.

- Онага тушунтиринг қанча миқдорда цинк препаратини бериш лозим:
 - 6 ойлиkkacha – кунига 1/2 таблеткадан, 14 кун давомида
 - 6 ойлик ва ундан катталаарга – кунига 1 таблеткадан, 14 кун давомида
- Онага цинк препаратларини қандай беришни кўрсатинг.
 - Гўдакларга – таблеткани кичик пиёлага ёки қошиқда солинган кам миқдордаги соғилган сутда, ОРВнинг паст осмоляр эритмасида ёки тоза сувда эритинг.
 - Бир оз каттароқ ёщдаги болаларга – таблеткани чайнашга бериш мумкин ёки пиёлачадаги ёки қошиқдаги кам миқдордаги тоза сувда эритинг.
- Цинк препаратларини тўлиқ 14 кун давомида қабул қилиш зарурлигига онанинг эътиборини қаратинг.
- Онага уйда даволашнин 4 қоидаси бўйича тушунтиринг:
 1. Қўшимча суюқликлар бериб турсин.
 2. Ичишга цинк препаратини берсинг
 3. Овқатлантиришни давом эттирсинг
 4. Бола билан қачон яна келишини билсин.

Қўйида ОРВ эритмасининг керакли миқдорини (мл да) ҳисоблашнинг яна бир усули келтирилган. Боланинг вазнини (кг да) 75 га кўпайтириб, 4 соат давомида бериладиган миқдорни аниқланг. Масалан, боланинг вазни 8 кг бўлса, 4 соатда бериладиган миқдори:

$$8 \text{ кг} \times 75 \text{ мл} = 600 \text{ мл паст осмолляр ОРВ эритмаси}$$

Паст осмолляр ОРВ эритмасини болага ичириш одатдаги кўкрак билан эмизишга ҳалақит бермаслиги керак. Она орада ОРВ беришни тўхтатиб, бола истаган пайтда кўкраги билан эмизиши, сўнг яна ОРВ беришни давом эттириши керак.

Агар Сиз паст осмолляр стандарт ОРВ эритмасини 6 ойликка тўлмаган ва кўкрак билан эмизилмайдиган болага бераётган бўлсангиз, онага даволашнинг биринчи 4 соати ичиди ОРВ эритмасидан ташқари 100 – 200 мл тоза сув ҳам бериш кераклигини айтинг. Кўкрак сути ва тоза сув болада гипернатриемиянинг олдини олишда ёрдам беради.

Онага қандай қилиб паст осмолляр ОРВ эритмасини бериш кераклигини кўрсатинг

Тиббий муассасада қулай бўлган хонага она билан болани жойлаштиринг (бу кўпинча ОРП – орал регидратация пункти). Онага дастлабки 4 соат давомида болага қанча миқдордаги ОРВ эритмаси бериши кераклигини тушунтиринг. Агар бола 2 ёшдан кичик бўлса, ОРВ эритмасини болага қошиқча ёрдамида қандай қилиб тез – тез бериш кераклигини онага кўрсатинг. Боланинг ёши каттароқ бўлса, унга ОРВ эритмасини қандай қилиб пиёладан тез – тез ҳўплатиб бериш кераклигини кўрсатинг.

Бола ОРВ ичаётган пайтида қайт қилиб юборса, 10 минут кутиб туринг, сўнг ОРВ эритмасини аста – секин яна беришни давом эттиринг.

Бола истаган пайтда уни кўкрак билан эмиздиринг. У суюқлик ичиришни тўхтатиб туриб, уни эмиздириши керак. Бола эмиб бўлгандан кейин яна ОРВ эритмасини беришни давом эттиринг. 4 соатлик паст осмолляр ОРВ эритмасини бериш вақтида она болага бошқа хеч қандай овқат бериши керак эмас.

4 соатдан кейин

Б режа бўйича 4 соат даволашдан сўнг, БАҲОЛАНГ ва ТАСНИФЛАНГ схемасидан фойдаланиб, боланинг аҳволига схема бўйича қайта баҳо беринг. Сувсизланиш даражасини таснифланг. Даволашни давом эттириш учун мос келадиган режани танланг. Мабодо, бола ОРВнинг паст осмолляр ОРВ эритмасини ича олмаса ёки унинг аҳволи оғирлашаётган бўлса, унинг аҳволини 4 соат ўтишини кутиб турмай, олдинроқ баҳоланг.

Мабодо, боланинг аҳволи яхшиланиб қолган ва унда СУВСИЗЛАНИШ БЎЛМАСА, диареяни уйда даволанг (А Режа).

Мабодо, болада ҳали ҳам ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШ сақланиб қолаёттан бўлса, болани тиббий муассасада оғиз орқали бериладиган регидратация воситаси билан даволанг (Б Режа). Болани тиббий муассасанинг ўзидаёқ овқатлантиришни бошланг. Унга овқат, қатиқ ёки шарбат таклиф қилинг. Овқатланиб бўлгандан сўнг Б Режа бўйича қилинадиган 4 соатлик давони такрорланг. Овқат, қатиқ ва шарбатни ҳар 3–4 соатда бериб туринг. Кўкрак сути билан овқатланаёттан болаларни кўкрак билан тез – тез эмизишлари лозим. Мабодо, давони тутаттунингизча амбулатория ёпилиб қоладиган бўлса, онага даволашни уйда давом эттириш кераклигини айтинг.

Мабодо, боланинг аҳволи ёмонлашиб, энди унда ОФИР СУВСИЗЛАНИШ бўлса, болани тезлик билан тиббий муассасада даволашингиз керак (В Режа).



И МАШҚ

- Қўйидаги болаларни, уларда диарея бўлгани учун тиббий муассасага олиб келдилар. Уларнинг аҳволи баҳоланиб ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШ ва КАМВАЗНЛИК ёки КАМҶОНЛИК ЙЎҚлиги аниқланди. Даволашнинг дастлабки 4 соат давомида ҳар бир болага зарур бўлган ОРВнинг паст осмоляр эритмасининг тахминий миқдорини ёзиб қўйинг.

Исми	Ёши ёки вазни	ОРВнинг паст осмоляр эритмасининг тахминий миқдори
а) Анвар	3 ёш	
б) Гулнора	10 кг	
в) Ниёзмат	7,5 кг	
г) Акмал	11 ойлик	

- Рухсора 2 ойлик бўлиб, унда диарея аниқланди. Қизчанинг касаллиги ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШ ва КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ёки КАМҶОНЛИК ЙЎҚ деб таснифланди. Маҳаллий тиббий муассасада Рухсорани тортиб кўриш учун тарози йўқ. Рухсоранинг онаси туғруқ пайтида вафот этган, шунинг учун ҳам қизча сут аралашмалари олади. Бувиси яқиндан бошлаб қизчага гуруч ва манна бўтқаларини бера бошлади.

а. Даволашнинг биринчи _____ соатида Рухсорага _____ мл
_____ бериш зарур. Шу билан бир вақтнинг ўзида қизча
мл _____ ҳам олиши керак.

б. Даволаш пайтида Рухсора қайт қила бошласа, бувиси нима қилиши керак?

в. Тиббий ходим Рухсоранинг аҳволини қачон қайта баҳолаши керак?

- г. Тиббий ходим Рухсоранинг аҳволини қайта баҳолаш пайтида қизчада СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ эканлигини аниқлади. Рухсорани даволаш қайси режа асосида давом эттирилиши керак?
- д. Тиббий ходим Рухсоранинг бувисига ОРВнинг паст осмоляр пакетларидан нечта бериши лозим?
- е. Даволашни уй шароитида давом эттириш учун бувиси Рухсорага _____ сўнг _____ мл _____ бериши зарур.
3. Назокат 9 ойлик, вазни 8 кг. Онаси уни тиббий муассасага олиб келганининг сабаби, қизчада диарея бошланган. Тиббий ходим қизчанинг аҳволини ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШ ва КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ёки КАМҶОНЛИК ЙЎҚ деб баҳолади. Тиббий ходим Б Режани танлади ва қизчанинг қандай овқатланишини сўради. Онаси, қизча кунда бир неча марта кўкрак эмишини, шунингдек, кунда 3 маҳал ширгурууч, қиймалангтан гўшт билан сабзавот пюреси ейишини, қатиқ ичишини айтди.
- а. Биринчи 4 соат давомида онаси қизчага тахминан қанча ОРВнинг паст осмоляр эритмаси бериши лозим?
- б. Биринчи 4 соат давомида Назокат ОРВнинг паст осмоляр эритмасига қўшимча равишда бирон нарса ичиши ёки ейиши керакми? Керак бўлса, нима?
- в. Тиббий ходим 4 соатдан сўнг Назокатнинг аҳволини қайта баҳолайди. Боланинг касаллиги аввалгилик ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШ деб таснифланди. Қизчани даволашни давом эттириш учун қайси режани танлаш зарур?
- г. Энди Назокатга қандай даво зарурлигини баён этинг. (Ёрдам: Сизнинг жавобингиз ОРВнинг паст осмоляр эритмаси билан чегараланмаслиги керак).

4. Она ва бола регистратияни түлиқ олмай туриб тиббий муассасаны тарк этишларига түгри келди. Она тиббий муассасаны тарк этгунга қадар, тиббий ходим нима қилиши керак? Қуйида көлтирилган рўйхатни тўлдиринг.

- Уй шароитида ОРВнинг паст осмоляр эритмасини қандай тайёрлаш кераклигини онага кўрсатинг.

•

•

- Уйда Даволашнинг 4 қоидасини тушунтиринг.

1.

2.

3.

4.

Машқни бажариб бўлганингиздан сўнг, ўқитувчингизга мурожаат қилинг, жавобларингизни текшириб қўрсин.

Ўқитувчингиз, Б режа бўйича даволанаётган болаларга керак бўлган ОРВнинг паст осмомоляр эритмасининг миқдорини аниқлашни машқ қилиб кўришингиз учун, Сиз билан қайта машқ ўтказади.



К МАШҚ

Ушбу ўйин машқида тиббий ходим сувсизланган болани қандай парваришилаш кераклигини онага ўргатади. Машқнинг биринчи қисмида бола Б Режа бўйича даволанишга муҳтож. Иккинчи қисмида эса – бола А Режа бўйича даволанишга тайёр.

ЎЙИН ВАЗИЯТИ – илгари нима бўлган эди:

Ёш она 2 ёшли Азизани, бу қизчада $1\frac{1}{2}$ кундан буён диарея давом этаётгани учун тиббий муассасага олиб келди. Тиббий ходим умумий хавф белгиларини топмади. Ахлатда қон йўқ. Азиза ўта бетоқат. Кўзлари киртайиб қолган. Тери бурмаси тез текисланади. Қизча ютоқиб ичади. Унда бошқа муаммолар йўқ. Тиббий ходим Азизанинг касаллигини ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШ деб таснифлади. Қизчада КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ёки КАМҚОНЛИК ЙЎҚ ва бошқа касаллик таснифи йўқ. Тиббий ходим Б Режани – ОРВнинг паст осмоляр эритмаси ёрдамида даволашни танлади.

ТИББИЙ ХОДИМ:

Ўйин машқини Азизанинг ОРВ ёрдамида даволанишга муҳтожлигини онага тушунтиришдан бошланг. Онадан, қизчага ОРВнинг паст осмоляр эритмасини бериш учун, тиббий муассасада қолишини сўранг. Сўнгра, Б Режа асосида, она фарзандига ОРВнинг паст осмоляр эритмасини бера бошлаши лозим. ОРВнинг паст осмоляр эритмасидан болага қанча бериш кераклигини онага кўрсатинг. уни қизчага қандай беришни онага кўрсатинг. Онанинг барча саволларига жавоб бериб, пайдо бўлган муаммоларни ечишда унга ёрдам кўрсатинг.

ОНА:

Тиббий ходимнинг гапларига қулоқ солинг ва Сизга айтган нарсаларини бажаришга ҳаракат қилинг. Тушунмаган жойларингизни сўраб олинг. ОРВнинг паст осмоляр эритмаси ёрдамида бир неча минут даволащдан сўнг, Азиза қайт қила бошлаганини тиббий ходимга айтинг.

КУЗАТУВЧИЛАР:

Б Режани кўз олдингизда ушлаб туринг ва ўйин машқнинг йўналишини кузатиб боринг. Тиббий ходим нимани тўғри тушунтираётганини ва нималарни яхшилаш мумкинлигини белгиб қўйинг.

Ўқитувчи ўйин машқни бошлайди ва бир неча минутдан сўнг уни, Б Режани муҳокама қилиш учун, тўхтатади.

4 СОАТДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ:

4 соатдан сўнг тиббий ходим Азизанинг аҳволини қайта баҳолади. Қизчада СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ. Диарея давом этаяпти, лекин тиббий ходим қизча А Режа бўйича даволаниши мумкин деган хulosага келди.


ТИББИЙ ХОДИМ:

А Режа бўйича даво ўтказишни онага ўргатинг. Унинг ўзига ОРВнинг паст осмоляр пакетларини беринг. Онанинг Уйда даволашнинг 4 қоидасини билиши ва эслаб қолганига ишонч ҳосил қилиш учун унга текширувчи саволлар беринг.

6.3. В РЕЖА: ОФИР СУВСИЗЛАНИШГА ЗУДЛИК БИЛАН ДАВО ҚИЛИНГ

Офир сувсизланган болалар йўқотган сув ва тузлар ўрнини тезда тўлдиришга муҳтождирлар. Одатда, бу мақсад учун венага юбориладиган (ВИ) суюқликлар қўлланади.

Вена ичига суюқликлар юбориш ёки назогастрал зонг (НГ) ёрдамида ўтказилидиган регидратацион даволаш усуслари фақатгина офир сувсизланиш бўлган болаларгагина тавсия этилади.



Офир сувсизланиши бўлган болани даволаш қуийдагиларга боғлиқдир:

- бирламчи тиббий муассасада ёки узоқ бўлмаган касалхонада мавжуд бўлган асбоб – ускуналар билан жиҳозланиш турига,
- тиббий ходимнинг ўрганиб кетган билимига, ва
- bemor боланинг ича олиш ҳолатига.

Диарея билан касалланган ва ОФИР СУВСИЗЛАНИШИ бўлган болаларни қандай қилиб даволаш керак:

- В режа бўйича даволанишга муҳтож боланинг давосини белгилаш учун **БОЛАНИ ДАВОЛАНГ** схемасига мурожаат қилинг.

Оғир сувсизланган болани ўз тиббий муассасангизда В Режа асосида даволашни ўрганиб олиш учун, Сиз тегишли вазиятта мос келувчи Иловани ўқиб, ўрганиб чиқишингиз лозим.

1. **В-1 Иловада**, агар:

- Сизнинг тиббий муассасангиз мос келадиган суюқликларга эга ва уларни вена ичига юбориш учун жиҳозланган⁷ ва
- Сиз суюқликни венага юборадиган бўлсангиз, болани В Режага мувофиқ қандай даволаш кераклиги тушунтирилади.

2. **В-2 Иловада**, агар:

- Сиз тиббий муассасангизда суюқликларни венага юбора олмасангиз ва
- венага юбориб даволашни, 30 минутдан камроқ вақт ичида етиб бориш мумкин бўлган бошқа тиббий муассаса ёки касалхонада, ўтказиш мумкин бўлса, болани В Режага мувофиқ қандай даволаш кераклиги тушунтирилади.

3. **В-3 Иловада**, агар:

- Сиз тиббий муассасангизда суюқликларни венага юбора олмасангиз,
- яқин атрофда, венага суюқлик юбориб, даволаш мумкин бўлган, бирорта ҳам тиббий муассаса ёки касалхона йўқ бўлса,
- Сизнинг тиббий муассасангизда назогастрал зонд бор ва
- Сиз ундан фойдаланишни билсангиз, болани В Режага мувофиқ қандай даволаш кераклиги тушунтирилади.

4. **В-4 Иловада**, агар:

- Сиз тиббий муассасангизда суюқликни венага юбора олмасангиз,
- яқин – атрофда, венага суюқлик юбориб, даволаш мумкин бўлган бирорта ҳам тиббий муассаса ёки касалхона йўқ бўлса,
- Сиз нозогастрал терапия ўтказа олмасангиз ва
- бола ича оладиган бўлса, болани В режага мос равища қандай даволаш кераклиги тушунтирилади.

Мабодо Сиз, суюқликларни венага ёки назогастрал зонд орқали юбора олмасангиз ва бола ича олмаса, бундай болани зудлик билан суюқликларни венага юбориш ёки назогастрал терапия ўтказиш мумкин бўлган тиббий муассаса ёки касалхонага юбориш керак.


⁷Венага юбориладиган суюқликларнинг рўйхати Г Иловада келтирилган.

В Режа бўйича даволашга муҳтож бўлган болага қандай даво қилишни белгилаб олиш учун, қўйида келтирилган схемадан фойдаланинг. Саволларни юқоридан пастга томон ўқиб чиқинг ва тиббий муассасангиздаги вазиятга қараб уларга жавоб беринг. Саволга биринчи марта «Ҳа» деб жавоб берган жойингизни белгилаб қўйинг. Тегишли В Иловага мурожаат қилинг (схемада қўрсатилганидек), ва ўқищда давом этинг.

В РЕЖА: ОГИР СУВСИЗЛАНИШГА ЗУДЛИК БИЛАН ДАВО ҚИЛИНГ

СТРЕЛКАЛАР КЎРСАТИШЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ. ЖАВОБ «ҲА» БЎЛСА – ЎНГГА, «ЙЎҚ» БЎЛСА – ПАСТГА ҶАРАНГ.

ШУ ЕРДАН БОШЛАНГ



6.4. ЧЎЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯНИ ДАВОЛАНГ

Чўзилувчан диареяни даволашда болага махсус овқатлантириш режаси зарур. Агар болада чўзилувчан диарея бор бўлса, онага болани овқатлантириш масалалари бўйича маслаҳат беринг. Бунинг учун *ОНАГА МАСЛАҲАТ БЕРИНГ* схемасидаги чўзилувчан диареяли болани овқатлантириш бўйича тавсияларга мурожаат қилинг.

- ЧЎЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯ ли болага поливитаминалар ва минералларни (цинк ҳам қўшиб) 14 кун давомида беринг.
- ЧЎЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯГА ДАВО ҚИЛИШ болани махсус овқатлантиришни талаб этади.

6.5. ДИЗЕНТЕРИЯНИ ДАВОЛАНГ

Боладаги дизентерияни даволаш учун уни касалхонага юборинг.



Λ МАШҚ

Ушбу машқда Сиз бир неча боланинг эмланганлик статусини текширишни машқ қилиб кўрасиз. Саволларга жавобларингизни маҳсус ажратилган жойга ёзиб қўйинг.

1. Малика 6 ойлик. Қизчани тиббий муассасага бувиси олиб келди. Тиббий ходим боланинг касаллигини ПНЕВМОНИЯ; ва КАМВАЗНИК ЙЎҚ ёки КАМҶОНЛИК ЙЎҚ деб таснифлади. Маликанинг эмлаш картасида, унга АҚДС – 1, ХИБ – 1, ВГВ – 2 ва ОПВ – 1, Ротавирусга қарши – 1 эмлаш кераклиги ёзилган. Бугун Маликага бирорта эм дори эмлаш керакми?
2. Тиббий ходим Парпиев қочоқлар лагеридаги юмуши ошиб – тошиб ётган тиббий муассасада ишлайди. Лагерда озиқ – овқат етишмайди. Тиббий муассасага олиб келинаётган болалардан кўпчилигининг касаллиги КАМВАЗНИК ёки КАМҶОНЛИК деб таснифланади. Парпиев КАМВАЗНИК ва КАМҶОНЛИК деб таснифланган болаларни эмлаши керакми?
3. 15 – кунлик гўдакни тиббий муассасага олиб келишиди. Тиббий ходим Азизов, гўдакка туғилган пайтида ОПВ – 0 эмланмаганини аниқлади. Азизов гўдакка бугун ОПВ – 0 эмлашни қилиши керакми?
4. 5 – ойлик Жаҳонни, бу қизчада диарея борли учун онаси тиббий муассасага олиб келди. Тиббий ходим Жаҳоннинг касаллигини СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ, КАМВАЗНИК ЙЎҚ ёки КАМҶОНЛИК ЙЎҚ деб таснифлади. Боланинг эмлаш картасида қизчанинг 5 ҳафта аввал ОПВ – 2 ва АҚДС – 2, ХИБ – 2, ВГВ – 3, Рота – 2 билан эмлангани ёзилган.

а. Тиббий ходим Жаҳонга бугун ОПВ – 3 ва АҚДС – 3, ХИБ – 3, ВГВ – 4 әмлаши керакми?

Она, қизасининг яна әмланишини хоҳламаслигини айтди. Унинг сўзларига қараганда, охирги марта әмланганда, Жаҳоннинг ҳарорати кўтарилиган ва у ўта бетоқат бўлиб қолган.

б. Тиббий ходим ОПВ ва АҚДС әмланганида қузатилиши мумкин бўлган ножӯя таъсирлар ҳақида онага нима гапириб бериши керак?

Она Жаҳоннинг әмланишига рози бўлди. Тиббий ходим қизчани әмлади.

в. Тиббий ходим қилинган әмлаш ишларини қандай қайд қилиши лозим?

5. Тиббий ходим бир ёшли болани қизамиқча қарши әмламоқчи. Боланинг касаллиги ПНЕВМОНИЯ, КАМВАЗНИК ЙЎҚ ёки КАМҶОНЛИК ЙЎҚ деб таснифланди. Она, фарзандининг әмланишини хоҳламаяпти. У фарзандининг аҳволи яхшиланганда тиббий муассасага қайтиб келишини айтаяпти.

Фарзандини қизамиқча қарши бугун әмлашга онани кўндириш учун, Сиз унга нималар деган бўлар эдингиз, баён этинг.

Машқни бажариб бўлганингиздан сўнг жавобларингизни ўқитувчингиз билан муҳокама қилинг.

ИЛОВАЛАР

- А ИЛОВА:** **НАЗОГАСТРАЛ ЗОНД ЁРДАМИДА РЕГИДРАТАЦИЯ ЎТКАЗИШ.**
- Б ИЛОВА:** **ОРАЛ РЕГИДРАТИОН ТЕРАПИЯ (ОРТ) БУРЧАГИ.**
- В-1 ИЛОВА:** **АГАР ВЕНАГА СУЮҚЛИК ЮБОРИБ, ДАВОЛАЙ ОЛСАНГИЗ.**
- В-2 ИЛОВА:** **АГАР ВЕНАГА СУЮҚЛИК ЮБОРИБ, ДАВОЛАЙ ОЛМАСАНГИЗ.**
- В-3 ИЛОВА:** **АГАР НАЗОГАСТРАЛ ЗОНД ЁРДАМИДА ДАВОЛАЙ ОЛСАНГИЗ.**
- В-4 ИЛОВА:** **АГАР В РЕЖА АСОСИДА ФАҚАТ ОРАЛ ДАВОЛАШНИ ЎТКАЗА ОЛСАНГИЗ.**
- Г ИЛОВА:** **ОФИР СУВСИЗЛАНИШДА ВЕНАГА СУЮҚЛИК ЮБОРИБ ДАВОЛАШ.**
- Д ИЛОВА:** **АГАР КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШНИНГ ИЛОЖИСИ БЎЛМАСА**


А ИЛОВА

НАЗОГАСТРАЛ ЗОНД ЁРДАМИДА РЕГИДРАТАЦИЯ ЎТКАЗИШ

1. Тоза, резина ёки пластикдан ясалган назогастрал зонддан фойдаланинг. Болалар учун диаметри 2,0 – 2,7 мм, катталар учун эса 4,0 – 6,9 мм бўлган зондлардан фойдаланинг.
2. Беморни чалқанча ётқизиб, бошини бир оз кўтаришинг. Ёши каттароқ болалар ва катталар даволаш пайтида ўтиришни афзал кўрадилар.
3. Юбораётган зондингизнинг узунлигини, зонднинг учини киндиқдан сал баландроқ тутиб туриб, ўлчаб олинг. Сўнгра, зондни қулоқдан буруннинг учига қараб тортишинг. Зонднинг бурун учига тегиб турган жойини ёпишқоқ лента билан белгиланг. Бу белги буруннинг учидан ошқозонгача зонднинг узунлиги қанча бўлиши кераклигини билдиради.
4. Зондга сувда эрувчи мойловчи модда ёки оддий сув суртинг, ёғлардан **фойдаланманг**.
5. Зондни буруннинг катта керилган катагига киритинг. Зондни эҳтиётлик билан ҳалқумнинг орқа деворига теккунча киритинг. Ҳар сафар bemor ютинганда, зондни 3,5 см киритинг. Мабодо, bemor ухламаётган бўлса, бир оз сув ичишини сўранг.
6. Мабодо, bemor бўғилиб, тез – тез йўтала бошласа ёки нолиб нафас оладиган бўлса, чамаси зонд трахеяга кетиб қолган. Йўтал тўхтаб, bemor ўзини яхши ҳис қиласиган бўлгунча зондни орқага 2 – 4 см тортишинг. Бир минутча кутиб, сўнгра зондни яна киритишга ҳаракат қилинг.
7. Бемор ҳар сафар ютинганда зондни ёпишқоқ лента билан белгиланган жойи бурун дамига келгунча киритиб боринг. Беморга қулай ва у йўталмайдиган бўлса, зонд ошқозонда бўлиши керак.
8. Беморнинг оғзига қаранг ва зонд ҳалқумнинг орқа деворига тақалиб турмаганилигини текшириб кўринг. Зондга, унга шприц улаб, бироз меъда ширасидан тортиб олиб кўрингда, унинг ошқозонда турганига ишонч ҳосил қилинг. Сиз стетоскопни bemor танасининг киндиқдан сал юқорироригига қўйиб ҳам буни текширишингиз мумкин. Зондга шприц ёрдамида ҳаво юборинг. Ҳаво ошқозонга қандай тушаётганлигини эшитиб кўринг.
9. Зондни bemornинг юзига ёпишқоқ лента билан маҳкамланг ва венага суюқлик юбориш учун мўлжалланган трубкалар ёрдамида ОРВ нинг паст осмолляр эритмали шишага уланг. Қуийиш тезлигини соатига 20 мл/кг ёки бундан камроқ қилиб созлаб қўйинг.

Сизда венага суюқлик юборишига ишлатиладиган шиша бўлмаса, шприцдан (поршени олингандан), идиш сифатида фойдаланиш мумкин. Шприцни беморнинг боши устида ушлаб, унга маълум вақт оралаб ОРВнинг паст осмоляр эритмасидан қўйиб туриңг.

НАЗОГАСТРАЛ РЕГИДРАТАЦИЯНИ ЎТКАЗИШ ТЕХНИКАСИ



Б ИЛОВА

ОРТ БУРЧАГИ

ОРТ бурчаги – бу тиббий муассасада орал регидратацион терапия (ОРТ) ўтказиш учун ажратилган жойдир (ОРТ). ОРВнинг паст осмоляр эритмаси билан даволанишга муҳтож бўлган болалар оналари билан бирга, бир неча соат давомида тиббий муассасада бўладилар, шунинг учун ҳам бундай бурчак бўлиши жуда зарур.

ОРТ бурчагида диареали bemor бўлмаган пайтда, бундай бурчақдан бошқа касалликларга даво қилиш учун фойдаланиш мумкин. Шундай қилиб, хона бўш қолмайди. Қулай жойлашган ва мос равища асбоб – ускуналар билан таъминланган ОРТ бурчаги тиббий ходимларга сувсизланган bemorларни даволашни енгиллаштиришга ёрдам беради.

ОРТ бурчаги:

- Тиббий ходимлар тез – тез хабар олиб турадиган хонада жойлашган, лекин йўл устида бўлмаслиги лозим. Шундай бўлган тақдирда тиббий ходимлар болани даволанишини кузатиб, онага далда бериб туришлари мумкин.
- Сув манбаига яқин жойлашган бўлиши керак.
- Ҳожатхона ва ювениш хоналарига яқин бўлиши лозим.
- Қулай ва яхши шамоллатиладиган бўлиши керак.
- Болалар учун кроват бўлиши керак.
- Болалар тарозиси бўлиши керак.

ОРТ бурчаги қўйидагича жиҳозланиши лозим:

- ОРВнинг паст осмоляр эритмасини тайёрлаш ва сарфланадиган материалларни сақлаш учун стол.
- Сарфланадиган материалларни сақлаш учун токчалар.
- Боласи даволанаётган пайтда онаси bemalol ўтириши учун суянчиқли стуллар ёки скамейка.
- ОРВнинг паст осмоляр эритмали идишни она bemalol қўйиб қўя оладиган кичикроқ стол.

ОРТ бурчаги қўйидаги сарфланадиган материаллар билан таъминланган бўлиши лозим. Қуйида ҳафтасига 25 – 30 диареали bemornи қабул қиласиган тиббий муассасада сарфланадиган материаллар санаб ўтилган.

- Паст осмоляр ОРВ пакетлари (ойига камида 300 пакет).
- Бир пакет ОРВ –дан паст осмоляр эритма тайёрлаш учун зарур ҳажмдаги сувни сиғдира оладиган, б 6 та бир литрлик банкалар, шу жумладан, она уйидан келтирган идишлар.
- 6 та пиёла.
- 6 та қошиқча.
- 2 та томизгич (гүдаклар учун, қошиқдан кўра осонроқ бўлади).
- Диареяли болани қандай даволаш кераклигини онага эслатиб турадиган карта ёки буклетлар (Онага Эслатма кабилар). Ҳар бир онага уйга олиб кетиши учун Эслатма берилади.
- Совун (қўл ювиш учун).
- Кераксиз нарсалар ташланадиган саватча.

ОРТ бурчагига ахборот берадиган плакат осиб қўйиш лозим. ОРТ бурчагида оналар узоқ вақт бўлганлари учун, касалликларнинг олдини олишга доир плакатларни ўрганиб чиқишига уларда яхши имкон бўлади.

Оналар диарея ва сувсизланишга даво қилиш ва буларнинг олдини олишга доир плакатларга қизиқадилар. Плакатларда ОРТ бурчаги тўғрисида тоза сувдан фойдаланиш, болани эмизиб боқиши, озиқ – овқат маҳсулотлари, қўлларни ювиш, ҳожатхонадан фойдаланиш ва болани тиббий муассасага қачон олиб келиш ҳақида маълумотлар бўлиши керак. Бошқа плакатларда эмлашлар ҳақида маълумот бўлиши керак.

Оналарга маълумот бериш учун биргина плакатларнинг ўзи камлик қиласи. Тиббий ходимлар имкон бўлса, Онага Эслатма ёрдамида, оналарга маслаҳат беришлари ҳам лозим.


В-1 ИЛОВА

МАБОДО, СИЗ ВЕНАГА (ВИ) СУЮҚЛИК ЮБОРИБ ДАВОЛАЙ ОЛСАНГИЗ

В Режа: Оғир сувсизланишга зудлик билан даво қилинг

СТРЕЛКАЛАР КҮРСАТИШЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ. ЖАВОБ «ХА» БҮЛСА – ЎНГГА, «ЙҮҚ» БҮЛСА – ПАСТГА ҚАРАНГ.

ШУ ЕРДАН БОШЛАНГ



Мабодо, Сиз венага суюқлик юбориб, даволай олсангиз ва Сизнинг тиббий муассасангизда физиологик эритма сингари мос келувчи эритмалар бўлса.⁸

В Режанинг қуида келтирилган бўлимларида болани венага суюқлик юбориб регидратациялаш баён этилган. Бу, боланинг вазни ва ёшига қараб венага юбориладиган суюқликнинг ҳажмини ўз ичига олади. Бўлимларни қунт билан ўрганиб чиқинг.

Вена ичига суюқлик юборишни зудлик билан бошланг. Бола ича олса, суюқликни венага юбориш билан бирга паст осмоляр ОРВ эритмасини ичишга беринг. Физиологик эритмани 100мл/кг миқдорда қуийдагича юборинг:

Ёши	Аввал 30мл/кг беринг, __ соатда:	Сўнг 70мл/кг беринг, __ соатда:
Бир ёшгача бўлган гўдаклар (12 ойлиқдан кичик)	1 соат	5 соат
Бир ёшдан катта болалар (12 ойлиқдан 5 ёшгача)	30 минут	2 1/2 соат

⁸Ушбу иловада венага суюқлик юбориб даволашни Сизга ўргатишмайди. Суюқликларни венадан қандай юбориш кераклиги, қанақа эритмалардан фойдаланиш ва суюқликларни венага қандай тезлиқда юбориш лозимлиги Г Иловада қисқача баён этилган.

- Агарда, билақда пульс заиф бўлса ёки аниқланмаса, қайтaring.
- Боланинг аҳволини ҳар 1 – 2 соатда қайта баҳоланг. Мабодо, гидратация ҳолати яхшиланмаса, венага суюқлик юборишни тезлаштиринг.
- Бола ича олиши билан ОРВ ни паст осмоляр эритмасини ичишга беринг (соатига 5 мл/кг атрофида: одатда 3 – 4 соатдан сўнг (бир ёшгача болаларга) ёки 1 – 2 соатдан сўнг (бир ёшдан катта болаларга).
- Кўкрак ёшидаги боланинг аҳволини 6 соатдан сўнг, бир ёшдан катта боланинг аҳволини эса, 3 соатдан сўнг қайта баҳоланг. Сувсизланиш даражасини таснифланг. Сўнг даволашни давом эттириш учун мос келадиган режани (А, Б ёки В) танланг.

ИЛОВА:

- Иложи бўлса болани, гидратация тутагандан сўнг, она ОРВ нинг паст осмоляр эритмасини ичишга бериб, гидратация ўтказа олишига ишонч ҳосил қилиш учун, камида 6 соат давомида кузатинг.

В Режанинг ушбу қисмидаги баъзи атамалар Сиз учун янги бўлиши мумкин. В Режада ишлатилган атамаларни тушуниш учун қуида келтирилган изоҳларни ўқиб чиқинг.

- Томчи усули билан дори воситасини юбориш термини венага суюқлик юбориш учун зарур бўлган мослама ва эритмани англатади.

«Венага суюқлик юбориш тезлиги» атамаси венага юборилаётган суюқликнинг бир минутдаги томчилар сонини англатади.

«Капельницани ўрнатиш пайтида» атамаси, Сиз мосламани ва венага юбориладиган суюқликни тайёрлаб, нинани боланинг венасига тиққунча керак бўлган вақтни англатади.

- ГИДРАТАЦИЯ ҲОЛАТИ атамаси боланинг нормал гидратацияланганини ёки сувсизланганми ва бунинг даражасини англатади. Касаллиги СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ деб таснифланган бола, сувсизланиш белгилари пайдо бўладиган даражада суюқлик йўқотмаган. Касаллиги ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШ ёки ОФИР СУВСИЗЛАНИШ деб таснифланган боланинг организмида суюқлик одатдагидан кам бўлади.

Боланинг гидратация ҳолатини баҳолаш учун **БАҲОЛАНГ** ва **ТАСНИФЛАНГ** схемасида келтирилган белгилардан фойдаланинг.

- РАДИАЛ ПУЛЬС атамаси билак артериясида аниқланадиган пульсни англатади. Билак артерияси – бу қўлнинг бош бармоқ томонидаги асосий қон томиридири.

Оғир сувсизланишда венага суюқлик юбориб даволанг.

ОФИР СУВСИЗЛАНИШДА венага суюқлик юбориб даво қилар экансиз, болага тезда катта миқдорда суюқликни берган бўласиз.

Суюқлик организмдан катта миқдорда йўқолган суюқликларнинг ўрнини босади.

Венага дарҳол В Режада кўрсатилган ҳажмда, суюқлик юбориб даволашни бошланг. Агарда бола ича олса, венага суюқлик юборгунга қадар, ОРВ нинг паст осмоляр эритмасини ичишга беринг. Сўнгра, тезлик билан (гўдаклар учун 60 минут ичида, болалар учун 30 минут ичида) венадан юбориладиган суюқликнинг биринчи порциясини беринг (30 мл/кг). Бу – қон ҳажмини тиклаб, шоқдан ўлиш ҳолларининг олдини олишга имкон беради. Сўнгра, регидратацияни якунлаш учун, секинроқ 70 мл/кг суюқлик беринг.

Венага суюқлик юбориб даволаёттанингизда боланинг аҳволини ҳар 1 – 2 соатда баҳоланг. Бола етарли ҳажмда венага суюқлик оляптими – йўқми, аниқланг.

МИСОЛ.

Қўйидаги мисолда, венага суюқлик юбориб даволай олсангиз, ОФИР СУВСИЗЛАНИШЛИ болани, қандай даволаш кераклиги баён этилган.

6 ойлик (9 кг) Эмманинг касаллиги ОФИР СУВСИЗЛАНИШ, КАМВАЗНИК ЙЎҚ ёки КАМҚОНЛИК ЙЎҚ деб таснифланган. Қизча ича олмайди, лекин унда бошқа касаллик таснифлари йўқ. Тиббий муассаса венага суюқлик юбориб даволаш учун жиҳозланган. Шунинг учун ҳам, тиббий ходим қизчани В Режа асосида, венага суюқлик юбориб даволашга қарор қилди.

Биринчи соат ичида тиббий ходим Эмманинг венасига 270 мл (30 мл x 9кг) физиологик эритма юборди. Келгуси беш соат ичида у қизчанинг венасига 630 мл (70мл x 9кг), яъни соатига тахминан 125 млдан, суюқлик юборди. Тиббий ходим боланинг гидратация ҳолатини (яъни, сувсизланиш даражасини) ҳар 1 – 2 соатда баҳолаб турди. Қизчанинг гидратация ҳолати яхшиланниб борди, шунинг учун ҳам тиббий ходим Эммага суюқлик юборишни бир маромда давом эттириди.

4 соатдан сўнг Эмма ича бошлади. Тиббий ходим венадан суюқлик юборишни давом эттириди ва соатига тахминан 45 мл миқдорда ОРВ эритмасини қизчага ичирди.

Венадан суюқлик юбориб, 6 соат даволашдан сўнг тиббий ходим қизчанинг сувсизланиш даражасини қайта баҳолади. Боланинг аҳволи яхшиланди ва унинг касаллиги ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШ деб таснифланди. Тиббий ходим даволашни давом эттириш учун Б Режани танлади. Тиббий ходим венадан суюқлик юборишни тўхтатди. У Эммага ОРВ эритмасини Б Режа асосида бера бошлади.

Венага юборилаётган суюқликнинг ҳажмини ва боланинг гидратация ҳолатини кузатиб боринг.

ОФИР СУВСИЗЛАНИШЛИ болага регистретация ўтказаётган пайтингизда Сиз венага юборилаёттан суюқлик ҳажмини кузатиб боришингиз лозим. Сиз қуида келтирилган тахминий шаклга ўхшаш шаклдан фойдаланингиз мумкин.

Вақт (соат)	Ўрнатилган пайт- даги ҳажми (мл) *	Тахминан қол- ган ҳажми (мл)	Юборилган ҳажми (мл)
-----	-----	-----	-----
-----	-----	-----	-----
-----	-----	-----	-----
-----	-----	-----	-----
-----	-----	-----	-----
-----	-----	-----	-----
-----	-----	-----	-----



* Ҳар бир янги шиша учун бошланғич ёки қўшимча ҳажм.

Маълум вақт ичида bemorga юбориладиган суюқлик ҳажмини ёзиш учун бу шаклда 4 устун бор.

1. **Вақт:** Венага юбориладиган суюқлик ҳажмини текширишингиз керак бўлган вақтни ёзиб қўйинг.

Гўдаклар учун
(12 ойликкача)

- Биринчи соатдан сўнг
- Келгуси 5 соат давомида ҳар соатда

Болалар учун
(12 ойлиқдан 5 ёшгача)

- Биринчи ярим соатдан сўнг (30 минут)
- Келгуси 2,5 соат давомида ҳар соатда

2. **Ўрнатилган пайтдаги ҳажми:** Венага суюқлик юборишни бошлаётганингизда, шиша ёки ёрлиқдаги суюқлик ҳажмини ёзиб қўйинг. Ҳажм идишда кўрсатилган бўлиши керак. Суюқликли идишни алмаштираётганингизда ҳар сафар, ҳажмни Сиз шаклдаги тегишли чизиқча ёзиб қўйишингиз лозим.

3. **Тахминан қолган ҳажми:** Венага юборадиган суюқлиқдан кўрсатилган вақтда қанча қолганини текширинг. Қолган ҳажмни аниқ ўлчашнинг иложи йўқ. Шунинг учун ҳам, қолган ҳажмни 10 млгача яхлитланг (масалан – 220 мл, 230 мл, 240 мл ва ҳоказо деб). Тахминий ҳажмни шаклга ёзиб қўйинг.

4. **Юборилган ҳажми:** Кўрсатилган вақт ичида боланинг венасига юборилган суюқлик ҳажмини ҳисоблаб чиқинг. Бунинг учун «Ўрнатилган пайтдаги ҳажмдан» «Тахминан қолган ҳажмни» айириб ташланг. Айирма, кўрсатилган вақт ичида боланинг венасига юборилган суюқлик ҳажмига teng бўлади. Олинган ҳажмни шаклга ёзиб қўйинг.

Маълум вақтдан кейин суюқлик сатҳи қанча пасайиши кераклигини шу суюқлик идишида, ручка ёки ёпишқоқ лента ёрдамида белгилаб қўйиш қулайдир. Масалан, биринчи 30 ёки 60 минутда, ёки ҳар соатда ёки 3 ёки 6 соатдан кейин суюқлик сатҳининг қаерда бўлиши лозимлигини белгилаб қўйинг. Бу Сизга суюқлик юбориш тезлигини тўғри созлашга ёрдам беради. Ҳар соатда венага зарур ҳажмдаги суюқликни юбориб туриш учун минутдаги томчиларнинг томиш сонини тўғирлаб қўйинг.

Қўйида касаллиги ОФИР СУВСИЗЛАНИШ деб таснифланган 16 ойлик (10 кг) боланинг венасига юбориш учун зарур бўлган суюқликлар ҳажми ёзиладиган тахминий шакл келтирилган. Тиббий ходим В Режани танлади. У боланинг венасига биринчи 30 минутда 300 мл суюқлик (30 мл x 10 кг) юборди. У кейинги 2,5 соат ичидаги 700 мл (70мл x 10кг), (яъни соатига 300 мл атрофида) суюқлик юборди.

Венага юбориладиган суюқлик учун тахминий шакл

Вақт (соат)	Ўрнатилган пайт- даги ҳажми (мл)	Тахминан қол- ган ҳажми (мл)	Юборилган ҳажми (мл)
12:00	1000 мл	700 мл	300 мл
12:30		400 мл	600 мл
13:30		100 мл	900 мл
14:30		0 мл	1000 мл
15:00			

* Ҳар бир янги шиша учун бошланғич ёки қўшимча ҳажм.

Венага суюқлик тўғри ва керакли ҳажмда юборилаётганини текшириб қўринг. Суюқлик керакли ҳажмда юборилаётганини назорат қилиб туриш учун боланинг сувсизланиш даражасини ҳар 1 – 2 соатда баҳолаб туринг. Мабодо, сувсизланиш белгилари ва диарея кучайса ёки камаймаса, суюқлик юбориш тезлиги ва ҳажмини кўпайтиринг. Мабодо, бола қайт қила бошласа ҳам, суюқлик юборишни тезлаштиринг. Мабодо, боланинг аҳволи яхшиланмаса, венага суюқлик юборишни шу тезлиқда давом эттиринг.

Венага суюқлик юбориш пайтида, бола ича бошлаши билан, унга қултумлаб оз – оздан ОРВнинг паст осмоляр эритмасини беришингиз лозим. Болага соатига тахминан 5 мл/кг миқдорида ОРВнинг паст осмоляр эритмаси бериб туринг.

Сувсизланиш даражасини қайта баҳоланг ва мос келадиган даво режасини танланг.

Сувсизланиш даражасини гўдакларда 6 соатдан, каттароқ болаларда эса 3 соатдан сўнг баҳоланг. Сувсизланиш даражасини таснифланг. Давони давом эттириш учун мос келадиган режани (А, Б ёки В Режани) танланг.

Бола тўла регидратацияланиб, унинг аҳволи СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ деб таснифланадиган бўлганидан сўнг, иложи бўлса, болани яна б соатга тиббий муассасада қолдириинг. Бу вақт ичида она, А Режага мос равишда, фарзандига қўшимча суюқликлар бериб туриши лозим. Диарея пайтида бола йўқотган суюқликнинг ўрнини тўлдириш учун онаси етарли даражада суюқлик беришини кузатинг ва назорат қилинг. Шунингдек, болани овқатлантиришни давом эттириш лозим. Вақти – вақти билан боланинг аҳволини текшириб, қайтадан сувсизланиш белгилари пайдо бўлмаслигини кузатиб туринг.

Болаларни В Режага мувофиқ венага суюқлик юбориб даволашдан зарур суюқлик ҳажмини аниқлашни машқ қилиб қўришингиз учун ўқитувчингиз машқ ўтказади.



МАШҚ: В-1 ИЛОВА

1. Руслан З ёшда ва вазни 15 кг. Она, тиббий ходимга кеча фарзандида диарея бошланғанligини айтди. Тиббий ходим Русланнинг аҳволини баҳолаб, бола ича олмаслигини ва тери бурмаси жуда секин текисланишини аниқлади. Русланнинг касаллиги ОФИР СУВСИЗЛАНИШ, КАМВАЗНИЛИК ЙҮҚ ёки КАМҚОНЛИК ЙҮҚ деб таснифланди. Тиббий ходим венага суюқлик юбориб даволай олади.

а. Русланнинг сувсизланишини тиббий ходим қандай даволаши лозим?

б. Русланга қанча миқдорда суюқлик бериш лозим?

в. Суюқлик венага тўғри тезлиқда юборилаёттанига ишонч ҳосил қилиш учун тиббий ходим венага юборилаётган суюқлик ҳажмини ҳар ярим соатда назорат қилиб туради. У шунингдек, ҳар соатда Русланнинг сувсизланиш даражасини ҳам баҳолаб боради. Тахминан 2 соатлардан сўнг Руслан атрофга жонлироқ боқиб, суюқлик ича оладиган бўлди. Энди нима қилиш керак?

г. Венадан суюқлик юбориб, З соатлик даволаш якунлаганидан сўнг, тиббий ходим нима қилиши керак?

2. Амир 2 ёшда, вазни 9,5 кг. Болада диарея. Тиббий ходим Амирнинг аҳволини – летаргик ҳолат, бола ича олмайди деб баҳолади. Унинг кўзлари киртайган ва тери бурмаси жуда секин текисланади. Тиббий ходим Амирнинг касалини ОФИР СУВСИЗЛАНИШЛИ диарея деб таснифлади. Боланинг ҳарорати 38,5°C. Тиббий ходим, шунингдек боланинг касалини ЖУДА ОФИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИК деб таснифлади. Болада КАМВАЗНЛИК ёки КАМҚОНЛИК ҳам бор.

Тиббий ходим В Режа асосида венага суюқлик юбориб даволай олади. Амирни зудлик билан касалхонага юбориш керакми? Ҳа ёки йўқ ва нима учун?

3. Дамир 8 ойлик, вазни 6 кг. Бола кўкрак эмолмайди. Онаси фарзандида бир ҳафтадан буён диарея кузатилаётгани учун уни тиббий муассасага олиб келди. Она Дамирнинг ахлатида қон йўқлигини тиббий ходимга айтди. Тиббий ходим Дамирнинг кўзлари киртайиб қолганини аниқлади. Унга сув таклиф этишганда бир ҳўплам ича олди, лекин зўрға ичди. Тери бурмаси жуда секин текисланади. Тиббий ходим Дамирда ОФИР СУВСИЗЛАНИШЛИ диарея ва КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ёки КАМҚОНЛИК ЙЎҚ эканлигини аниқлади. У венага суюқлик юбориб даволай олади.

а. Биринчи соат ичида Дамирнинг венасига қанча суюқлик юбориш лозим? Келгуси 5 соат ичида қанча юбориш зарур?

б. Тиббий ходим Дамирга ОРВнинг паст осмоляр эритмасини бериши керакми? Керак бўлса, қанча?

в. Дамирни даволаш соат 13:00 да 1000 мли шишадан венага суюқлик юборищдан бошланди. Тиббий ходим ҳар соатда Дамирнинг аҳволини баҳолаб борди. У шиша тагида қолган суюқлик миқдорини ёзиб қўйди. Суюқликларни ёзиш учун тузилган шаклга қаранг. Дамирнинг венасига юборилган суюқлик ҳажмини ҳисоблаб чиқинг ва уни шаклга ёзиб қўйинг.

Вақт (соат)	Ўрнатилган пайт- даги ҳажми (мл)	Тахминан қол- ган ҳажми (мл)	Юборилган ҳажми (мл)
13:00	1000 мл	820 мл	-----
14:00	-----	730 мл	-----
15:00	-----	640 мл	-----
16:00	-----	550 мл	-----
17:00	-----	470 мл	-----
18:00	-----	400 мл	-----
19:00	-----	-----	-----

* Ҳар бир янги шиша учун бошлангич ёки қўшимча ҳажм.

г. Соат 19:00 да тиббий ходим Дамирнинг сувсизланиш даражасини қайта баҳолади. Бола бироз ухлади. Энди у уйгоқ, теварак – атрофга эътибор билан қараб, яхши ичади ва ташниалиги йўқ. Кўзлари киртайган. Тери бурмаси тез текисланади. Тиббий ходим Дамирнинг сувсизланиш даражасини қандай таснифлади?

Дамирни даволашни давом эттириш учун қайси даво режасини танлаш лозим?

Дамир уйга қайтишга тайёрми? Ҳа ёки йўқ, нима учун?

Ўқитувчингиздан жавобларингизни текшириб кўришни илтимос қилинг. Сўнгра 6.4.
– Чўзилувчан диареяга даво қилинг бўлимига қайting ва ўқишини давом эттиринг.

Болаларни В Режага мувофиқ, венага суюқлик юбориб даволашга зарур суюқлик ҳажмини аниқлашни машқ қилиб кўришингиз учун, ўқитувчингиз машқ ўтказади.


В-2 ИЛОВА

АГАР СИЗ ВЕНАГА СУЮҚЛИК ЮБОРИБ, ДАВОЛАЙ ОЛМАСАНГИЗ

В Режа: Оғир сувсизланишга зудлик билан даво қилинг

СТРЕЛКАЛАР КҮРСАТИШЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ. ЖАВОБ «ҲА» БҮЛСА – ЎНГГА, «ЙҮҚ» БҮЛСА – ПАСТГА ҚАРАНГ.

ШУ ЕРДАН БОШЛАНГ



В – 1 Иловага мурожаат этинг. «Агар Венага Суюқлик юбориб, Даволай олсангиз» бўлимни ўқинг. Илованинг охиридаги машқни бажаринг.

В – 2 Иловага мурожаат этинг. «Агар Венага Суюқлик юбориб даволашни яқин атрофда бажара олсангиз» бўлимни ўқинг. Илованинг охиридаги машқни бажаринг.

В – 3 Иловага мурожаат этинг. «Агар назогастрал зонд ёрдамида даволай олсангиз» бўлимни ўқинг. Илованинг охиридаги машқни бажаринг.

В – 4 Иловага мурожаат этинг. «Агарда Сиз В Режага мувофиқ фақат орал даволашни ўтказа олсангиз» бўлимни ўқинг. Илованинг охирида машқни бажаринг.

Сиз ўзингизнинг тиббий муассасангизда венага суюқлик юбориб даволай олмайсиз. Аммо, венага суюқлик юбориб даволашни яқин атрофдаги (30 минутлик йўл) даги тиббий муассасада ёки касалхонада ўтказиш мумкин.

В Режанинг, худди ана шундай вазият баён этилган бўлимини ўқинг.

- Венадан суюқлик юбориб, даво қилиш учун, ЗУДЛИК билан касалхонага юборинг.
- Мабодо, бола ича олса, онага ОРВнинг паст осмоляр эритмасидан беринг, ва уни йўлда тез – тез, қултумлаб ичириб боришни кўрсатинг.

Оғир сувсизланишли болани зудлик билан яқин атрофдаги касалхонага юборинг. Бола ича олса, фарзандига ОРВнинг паст осмоляр эритмасини қандай бериш кераклигини онасига кўрсатинг. Она касалхонага бориш йўлида эритмани боласига ичириб бориши керак.



МАШҚ: В-2 ИЛОВА

1. Фофур 1 ёшда бўлиб, вазни 10 кг. Онаси болани тиббий муассасага диареяси бўлгани учун олиб келди.

Тиббий ходим Фофурда бирорта ҳам умумий хавф белгиси йўқлигини аниқлади. Тиббий ходим, Фофурга ОРВ таклиф килганда майда қултумлаб ича олишини аниқлади, лекин бола жуда ҳам заифланиб, ҳолдан тойгани учун яхши ича олмайди. Фофурнинг кўзлари киртайган ва тери бурмаси жуда секинлик билан текисланади. Тиббий ходим Фофурнинг касаллигини ОФИР СУВСИЗЛАНИШ, КАМВАЗНИЛИК ЙЎҚ ёки КАМҚОНЛИК ЙЎҚ деб таснифлади. Тиббий ходим бола В Режа асосида даволанишга муҳтож деган қарорга келди. Тиббий муассаса венага суюқлик юбориб даволаш учун зарур асбоб – анжомларга эга эмас. 15 минутлик йўлда госпитал жойлашган бўлиб, унда венага суюқлик юбориб даволаш мумкин.

- a. Тиббий ходим Фофурни қандай даволаши лозим?
- б. Тиббий ходим боланинг онасига қандай маслаҳат бериши лозим?
2. 9 ойлик Жўрабекни тиббий муассасага йўтал ва диарея билан олиб келишди. Бола ича олмайди. Бола минутига 50 марта нафас олади, лекин унда кўкрак қафасининг тортилиши йўқ. Жўрабекда умумий хавф белгиси борлиги учун, касаллик ОФИР ПНЕВМОНИЯ ёки ЖУДА ОФИР КАСАЛЛИК деб таснифланди. Боланинг кўзлари киртайиб қолган бўлиб, тери бурмаси жуда секин текисланади. Болада ОФИР СУВСИЗЛАНИШ деган тасниф ҳам бор. Жўрабекда бошқа тасниф йўқ ва КАМВАЗНИЛИК ЙЎҚ ёки КАМҚОНЛИК ЙЎҚ. Тиббий муассасада венага суюқлик юбориб даволашнинг иложи йўқ. Болани қандай даволаш керак?

Ўқитувчингиздан жавобларингизни текшириб қўришни илтимос қилинг. Сўнгра «6.4.– Чўзилувчан диареяда даво қилинг» бўлимига қайтинг ва ўқишни давом эттиринг.


В-3 ИЛОВА

МАБОДО, СИЗ НАЗОГАСТРАЛ (НГ) ЗОНД ЁРДАМИДА ДАВОЛАЙ ОЛСАНГИЗ

В Режа: Оғир сувсизланишга зудлик билан даво қилинг

СТРЕЛКАЛАР КҮРСАТИШЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ. ЖАВОБ «ХА» БҮЛСА – ЎНГГА, «ЙҮҚ» БҮЛСА – ПАСТГА ҚАРАНГ.

ШУ ЕРДАН БОШЛАНГ



В – 1 Иловага мурожаат этинг. «Агар Венага Суюқлик юбориб, даволай олсангиз» бўлимни ўқинг. Илованинг охиридаги машқни бажаринг.

В – 2 Иловага мурожаат этинг. «Агар Венага Суюқлик юбориб даволашни яқин атрофда бажара олсангиз» бўлимни ўқинг. Илованинг охиридаги машқни бажаринг.

В – 3 Иловага мурожаат этинг. «Агар назогастрал зонд ёрдамида даволай олсангиз» бўлимни ўқинг. Илованинг охиридаги машқни бажаринг.

В – 4 Иловага мурожаат этинг. «Агарда Сиз В Режага мувофиқ фақат орал даволашни ўтказа олсангиз» бўлимни ўқинг. Илованинг охирида машқни бажаринг.

Сиз ўзингизнинг тиббий муассасангизда венага суюқлик юбориб даволай олмайсиз ва яқин атрофда тегишли асбоб – анжомга эга бўлган тиббий муассаса ёки касалхона йўқ. Мабодо, Сиз назогастрал⁹ зонд ёрдамида даволай олсангиз, ОРВ эритмаси ёрдамида болани назогастрал зонд билан регистрация қила бошланг.

- Зонд ёрдамида (ёки оғиз орқали) паст осмолляр ОРВ эритмаси билан регистрация қилишни бошланг:
6 соат мобайнида 20 мл/кг/соат миқдорида (ҳаммаси бўлиб 120 мл/кг) беринг.
- Боланинг аҳволини ҳар 1 – 2 соатда қайта баҳоланг.
 - Мабодо, бола яна қайт қиласа ёки қорин шишиши кўпайса, суюқликни секинроқ беринг.
 - Мабодо, 3 соатдан сўнг боланинг гидратация ҳолати яхшиланмаса, болани венага суюқлик юбориб даволаш учун йўлланг.
- Боланинг аҳволини 6 соатдан сўнг қайта баҳоланг. Сувсизланиш даражасини баҳоланг. Сўнгра, даволашни давом этириш учун, мос келадиган режани (A, B ёки B) танланг.

ИЛОВА:

- Регидратация тугагандан сўнг, она ОРВнинг паст осмоляр эритмасини оғиз орқали бериб, гидратацияни давом эттира олишига ишонч ҳосил қилмагунча, иложи бўлса, камида 6 соат давомида, болани кузатинг.

⁹Бу иловада Сиз назогастрал зонд ёрдамида даволашни қандай ўтказиш кераклигини ўрганмайсиз. А иловада, назогастрал зонд ва регидратация ҳолати аввал ўқиганлар учун қисқача баён этилган. Орал даволашда қандай босқичларга амал қилинса, В Режага асосланиб, болага назогастрал зонд ёрдамида регидратация ўтказилаётганда шундай босқичларга амал қилиш зарур.

В Режанинг бу қисмидаги баъзи атамалар Сиз учун янги бўлиши мумкин. Қуйида келтирилган изоҳлар, уларни яхши тушунишингизга ёрдам беради.

- **Қорин шишиши** – қорин ўлчамларининг катталашувини англатади. Тери бу пайтда чўзилган бўлади.
- **Гидратация ҳолати**, боланинг нормал гидратацияланганини ёки унда сувсизланиш борлигини ва унинг даражасини англатади.
СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ деб таснифланган бола, сувсизланиш белгилари юзага келадиган миқдорда суюқлик йўқотган эмас.
ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШ деб таснифланган боланинг организмида одатдагидан суюқлик камроқ бўлади.
Боланинг гидратация ҳолатини баҳолаш учун, **БАҲОЛАНГ** ва **ТАСНИФЛАНГ** схемасидаги белгилардан фойдаланинг.

МИСОЛ

Қуйидаги мисолда оғир сувсизланган болани, назогастрал зонд ёрдамида ОРВ нинг паст осмоляр эритмаси билан, қандай даволаш кераклиги баён этилган.

4 ёшли Арслонни (10 кг) тиббий муассасага диарея билан олиб келишди. Ушбу тиббий муассасада венага суюқлик юбориб даволашнинг иложи йўқ ва яқин атрофда тегишли асбоб – анжомлар билан жиҳозланган тиббий муассаса йўқ. Арслон ича олмайди. Боланинг кўзлари киртайган. Болада касалликнинг бошқа белгиси йўқ. Боланинг касаллиги диарея ва ОФИР СУВСИЗЛАНИШ, КАМВАЗЛИК ЙЎҚ ёки КАМҚОНЛИК ЙЎҚ деб таснифланди.

В Режа асосида тиббий ходим Арслонга ОРВ эритмасини назогастрал зонд орқали юборишга қарор қилди. Тиббий ходим кейинги бир соат ичида болага 200 мл (20 мл x 10 кг) суюқлик юборди. У Арслоннинг аҳволини ҳар соатда текшириб, боланинг соатига 200 мл ОРВнинг паст осмоляр эритмасини олишини кузатиб турди. Тиббий ходим шунингдек, бола қайт қилмаганига ва қорни шишмаганига эътибор берди.

6 соат давомида Арслон назогастрал зонд ёрдамида 1200 мл ОРВнинг паст осмоляр эритмасини олди.

Назогастрал йўл билан юборилган суюқлик ҳажмини ва боланинг гидратация ҳолатини кузатинг.

ОФИР СУВСИЗЛАНИШЛИ болани регидратация қилаётганингизда Сиз унга юборилаётган суюқлик ҳажмини кузатиб боришингиз лозим. Сиз қўйида келтирилган шаклга ўхшаш шаклдан фойдаланингиз мумкин.

Вақт (соат)	Ўрнатилган пайт- даги ҳажми (мл)*	Тахминан қол- ган ҳажми (мл)	Юборилган ҳажми (мл)
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____

* Ҳар бир янги шиша учун бошланғич ёки қўшимча ҳажм.

Маълум вақт ичида bemорга юборилган суюқлик ҳажмини ёзиб қўйиш учун шаклинг 4 устуни бор.

- Вақт:** Назогастрал зонд орқали юборган суюқлик ҳажмини қачон текширишингиз кераклигини ёзинг. Сиз юборилаётган суюқлик ҳажмини ҳар соатда, 6 соат давомида текширишингиз лозим.
- Ўрнатилган пайтдаги ҳажми:** Назогастрал зонд орқали суюқлик юбора бошлишингиз билан, шиша ёрлиғидаги суюқлик ҳажмини ёзиб қўйинг. Ҳажм идишда кўрсатилган бўлиши керак. Назогастрал суюқликли идишни алмаштираётганингизда ҳар сафар ҳажмни Сиз шаклдаги тегишли чизиққа ёзиб қўйишингиз лозим.
- Тахминан қолган ҳажми:** Назогастрал суюқликдан кўрсатилган вақтда қанча қолибди, текшириб кўринг. Қолган ҳажмни аниқ ўлчаб бўлмайди. Шунинг учун ҳажмни 10 млача йириклиштиринг (масалан – 220 мл, 230 мл, 240 мл ва ҳоказо деб). Тахминий ҳажмни шаклга ёзиб қўйинг.
- Юборилган ҳажм:** Кўрсатилган вақт ичида болага юборилган назогастрал суюқликнинг ҳажмини ҳисоблаб чиқинг. Бунинг учун «Ўрнатилган пайтдаги ҳажмдан» «Қолган ҳажмни» айириб ташланг. Ҳосил бўлган айирма кўрсатилган вақт ичида, назогастрал зонд орқали болага юборилган суюқликнинг ҳажмига teng бўлади. Олинган ҳажмни шаклга ёзиб қўйинг.

Маълум вақтдан кейин суюқлик сатҳи қанча пасайиши кераклигини шу суюқлик идишида ручка ёки ёпишқоқ лента ёрдамида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, биринчи 30 ёки 60 минутда, ҳар соатда ёки 3 ёки 6 соатдан сўнг суюқлик сатҳининг қаерда бўлиши лозимлигини белгилаб қўйинг. Бу Сизга суюқлик юбориш тезлигини созлашга ёрдам беради. Ҳар соатда назогастрал суюқликни керакли ҳажмида юбориш учун, бир минутдаги томчилар сонини тўғирлаб қўйинг.

МИСОЛ

Қўйида, тиббий муассасада, 6 соат ичида Арслон олган назогастрал суюқликлар ҳажмини ёзиш учун тахминий шакл келтирилган. Тиббий ходим соат 11:00 дан бошлаб, назогастрал зонд ёрдамида болага 200 мл ОРВнинг паст осмоляр эритмасидан (20 мл x 10 кг) юборган.

Венага юбориладиган суюқликлар учун тахминий шакл

Вақт (соат)	Ўрнатилган пайт- даги ҳажми (мл)	Тахминан қол- ган ҳажми (мл)	Юборилган ҳажми (мл)
11:00	1000 мл	800 мл	200
12:00		600 мл	400
13:00		400 мл	600
14:00		200 мл	800
15:00		0 мл	1000
16:00		800 мл	1200
17:00			

* Ҳар бир янги шиша учун бошлангич ёки қўшимча ҳажм.

Боланинг аҳволини ҳар 1 – 2 соатда қайта баҳоланг.

- * Мабодо бола тез – тез қайт қиласа ёки қорни шиша бошласа, назогастрал зонд орқали суюқликни секинроқ юборинг.
- * Мабодо, З соатдан сўнг боланинг аҳволи **яхшиланмаса**, болани вена ичига суюқлик юбориш учун, касалхонага юборинг.
- * Мабодо, боланинг аҳволи яхшиланса, назогастрал зонд орқали суюқлик юборишни 6 соат мобайнида давом эттиринг.

Сувсизланиш даражасини қайта баҳолаб, мос келадиган даво режасини танланг

Назогастрал зонд орқали суюқлик юбора бошлаганингизга **бўлгандан сўнг** боладаги сувсизланиш даржасини қайта баҳоланг. Сувсизланишни таснифланг. Давони давом эттириш учун мос келадиган Режа (А, Б ва В Режа)ни танланг.

Бола тўлиқ регидратацияланиб, ва унинг аҳволи СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ деб таснифланганидан сўнг, иложи бўлса болани тиббий муассасада яна **б соатта қолдиринг**. Бу вақт давомида она фарзандига, А Режа асосида, қўшимча суюқлик бериши лозим. Диарея пайтида организм йўқотган суюқликнинг ўрнини тўлдириш учун онанинг етарли бўлган миқдорда суюқлик беришини кузатинг ва назорат қилинг. Шунингдек, болани овқатлантиришни давом эттириш лозим. Вақти – вақти билан боланинг аҳволини текширинг ва сувсизланиш белгилари қайта пайдо бўлмаслигига эътибор беринг.



МАШҚ: В-З ИЛОВА

1. 18 йлик (8кг) Рауфни диарея бўлгани учун тиббий муассасага олиб келишди. Тиббий ходим боланинг аҳволини тўлиқ баҳолаб чиқди. Рауф уйғоқ ва тиббий ходим, қийинчилик билан бўлса ҳам, бола ича олишини аниқлади. Тери бурмаси жуда секин текисланади. Тиббий ходим боланинг касаллигини ОФИР СУВСИЗЛАНИШЛИ ДИАРЕЯ ва КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ёки КАМҚОНЛИК ЙЎҚ деб таснифлади. ОФИР СУВСИЗЛАНИШГА В режа асосида даво қилиш учун бола суюқликларга муҳтождир. Венага суюқлик юбориб даволаш учун жиҳозланган энг яқин касалхона 2 соатлик масофада жойлашган. Тиббий ходим назогастрал зонд ёрдамида даволай олади.
 - a. Рауфни қандай регистратиялаш керак?
 - b. Рауфга соатига ОРВнинг паст осмоляр эритмасидан қанча бериш лозим?
 - c. 1 соатдан сўнг Рауф тез – тез қайт қила бошлади. Тиббий ходим нима қилиши керак?
 - d. 3 соатдан сўнг Рауфда сувсизланиш белгилари камаймади. Тиббий ходим энди нима қилиши керак?
2. Муқаддас 9 ойлик ва вазни 7 кг. Қизчада бир ҳафтадан бўён диарея давом этаётгани учун уни онаси амбулаторияга олиб келган.

Онанинг айтишича, у ҳозир Муқаддасни эмизмайди ва қизча жуда заиф бўлгани учун, пиёладан ича олмайди. Тиббий ходим Муқаддаснинг аҳволини баҳолади. У, қизча уйқучан, кўзлари киртайган ва тери бурмалари жуда секин текисланишини аниқлади. Тиббий ходим Муқаддаснинг касаллигини диарея ва ОФИР СУВСИЗЛАНИШ, КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ёки КАМҶОНЛИК ЙЎҚ деб таснифлади.

Тиббий ходим назогастрал зонд ёрдамида, В Режа асосида Муқаддасга регидратация ўтказишга қарор қилди. 9:00 да тиббий ходим 1000 мл ОРВнинг паст осмоляр эритмасини тайёрлади.

- Тиббий ходим Муқаддасга соатига қандай ҳажмда назогастрал зонд орқали суюқлик юбориши керак?
- Тиббий ходим Муқаддасни назогастрал зонд ёрдамида қанча вақт даволаши лозим?
- Қуийдаги тахминий шаклни, Муқаддас учун назогастрал суюқликни гўё ўзингиз тайёрлагандек билиб, қуийдаги тахминий шаклни тўлдиринг.

Вақт (соат)	Ўрнатилган пайтдаги ҳажми (мл) *	Тахминан қолган ҳажми (мл)	Юборилган ҳажми (мл)
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____

* Хар бир янги шиша учун бошланғич ёки қўшимча ҳажм.

- г. Соат 10:00 да тиббий ходим суюқлики идишни текшириб кўрди.
Унда 860 мл суюқлик қолган. Бу ҳажмни шаклга ёзинг ва юборилган суюқлик ҳажмини ҳисобланг.
- д. Тиббий ходим Муқаддаснинг аҳволини ҳар 1 – 2 соатда текшириб турди.
Тиббий ходим нимага эътибор бериши керак?
- е. Назогастрал зонд ёрдамида З соат даволагандан сўнг Муқаддаснинг аҳволи яхшиланди. Муқаддаснинг аҳволи энди қандай таснифланиши лозим?
- ж. Шундан сўнг тиббий ходим нима қилиши керак?
3. 14 ойлик Жонибекни (10,5 кг) унинг томоги оғриб, 2 кундан бери иситмаси чиқаётгани ва ичи кетаётгани учун тиббий муассасага олиб келишди. Боланинг томогини оқ караш қоплагани аниқланди. Бўйин лимфа тутунлари катталашган. Жонибекнинг касаллиги СТРЕПТОКОККЛИ ФАРИНГИТ ва БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ ЭҲТИМОЛИ деб таснифланди. Боланинг кўзлари киртайиб, тери бурмаси жуда секин текисланади. Жонибекнинг касаллиги ОФИР СУВСИЗЛАНИШЛИ ДИАРЕЯ деб таснифланди. Боланинг бошқа таснифи йўқ. Болада КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ёки КАМҶОНЛИК ЙЎҚ.

Жонибекни қандай даволаш лозим?

Ўқитувчидан жавобларингизни текшириб кўришни сўранг. Сўнгра, «6.4. – Чўзилувчан диареяга даво қилинг» бўлимига қайтинг ва ўқишини давом этинг.


В-4 ИЛОВА

АГАР В РЕЖА АСОСИДА ФАҚАТ ОРАЛ ДАВОЛАШНИ ЎТКАЗА ОЛСАНГИЗ

В Режа: Оғир сувсизланишга зудлик билан даво қилинг

СТРЕЛКАЛАР КҮРСАТИШЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ. ЖАВОБ «ХА» БҮЛСА – ЎНГГА, «ЙҮҚ» БҮЛСА – ПАСТГА ҚАРАНГ.

ШУ ЕРДАН БОШЛАНГ



В – 1 Иловага мурожаат этинг. «Агар Венага Суюқлик юбориб, Даволай олсангиз» бўлимни ўқинг. Илованинг охиридаги машқни бажаринг.

В – 2 Иловага мурожаат этинг. «Агар Венага Суюқлик юбориб даволашни яқин атрофда бажара олсангиз» бўлимни ўқинг. Илованинг охиридаги машқни бажаринг.

В – З Иловага мурожаат этинг. «Агар назогастрал зонд ёрдамида даволай олсангиз» бўлимни ўқинг.
Илованинг охиридаги машқни бажаринг.

В – 4 Иловага мурожаат этинг.
«Агарда Сиз В Режага мувофиқ
фақат орал даволашни ўтказа
олсангиз» бўлумни ўқинг.
Илованинг охирида машқни
бажаринг.

Сиз тиббий муассасаныңда венага суюқлик юбориб даволай олмайсиз. Яқын атрофда, венага суюқлик юбориб даволаш учун жиҳозланған касалхона ёки амбулатория йўқ.

Сиз назогастрал зонд ёрдамида регистрация үтказа олмайсиз.

В Режа бўйича орал даволашни ўрганиш учун, В Режанинг қуида келтирилган бўлимларини ўқиб чиқинг.

Бўлимларни дикқат билан ўрганиб чиқинг.

- ОРВнинг паст осмоляр эритмаси билан регистратияни зонд (ёки оғиз) орқали бошланг: 6 соат мобайнида, 20 мл/кг/соатига (ҳаммаси бўлиб 120 мл) беринг.
- Боланинг аҳволини қайта ҳар 1–2 соатда баҳоланг.
 - Мабодо, бола яна қайт қила бошласа ёки қорин шиши кўпая бошласа, суюқликни секинроқ юборинг.
 - З соатдан сўнг гидратация ҳолати яхшиланмаса, болани вена ичига суюқлик олиш учун йўлланг.
- Боланинг аҳволини 6 соатдан сўнг қайта баҳоланг. Сувсизланиш даражасини таснифланг. Сўнгра, даволашни давом эттириш учун мос келадиган Режани (А,Б ёки В) танланг.

ИЛОВА:

Онанинг ОРВнинг паст осмоляр эритмасини оғиз орқали бериб, гидратацияни қувватлаб бора олишига ишонч ҳосил қилиш учун, регистратия тугаганидан сўнг болани лоақал 6 соат мобайнида кузатинг.

Мабодо, Сизнинг тиббий муассасангизга ОФИР СУВСИЗЛАНИШЛИ бола келсаю, венадан ёки назогастрал зонд билан суюқлик бериб даволай олмасангиз, сўранг, бола ича оладими.

- **Бола ича олса, Сиз орал регистратация ўтказишга ҳаракат қилиб кўришингиз мумкин.**
- **Мабодо, бола ича олмаса, Сиз уни зудлик билан яқин атрофдаги, венадан қуийиб ёки назогастрал йўл билан даволашни ўтказиш учун жиҳозланган, тиббий муассаса ёки касалхонага йўлланг. Мабодо, бола суюқлик олмаса, у нобуд бўлади.**

В Режанинг бу қисмидаги баъзи атамалар Сиз учун янги бўлиши мумкин. Қуида келтирилган изоҳлар уларнинг маъносини яхши тушунишингизга ёрдам беради.

- **Қорин шиши** – қорин ўлчамларининг катталашувини билдиради. Тери чўзилади.
- **Гидратация ҳолати** – бола нормал гидратацияланганини ёки сувсизланиш борлигини ва унинг даражасини билдиради. Аҳволи СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ деб таснифланган бола, сувсизланишнинг белгилари пайдо буладиган даражада суюқлик йўқотган эмас. Касаллиги ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШ деб тасниф этилган боланинг организмида суюқлик одатдагидан камроқ бўлади.

Боланинг гидратация ҳолатини баҳолаш учун **БАҲОЛАНГ** ва **ТАСНИФЛАНГ** схемасидаги белгилардан фойдаланинг.

Юборилаётган ОРВнинг паст осмоляр эритмаси ҳажмини кузатиб боринг.

Мабодо, Сиз болада орал регистратация ўтказаётган бўлсангиз, юборилаёттан ОРВнинг паст осмоляр эритмаси ҳажмини кузатиб боришингиз лозим. Болага соатига 20 мг/кг ҳисобидан, 6 соат давомида суюқлик беринг.

6 соатдан сўнг Сиз болага ОРВнинг паст осмоляр эритмасидан ҳаммаси бўлиб 120 мл/кг берган бўлишингиз лозим.

Боланинг гидратация ҳолатини ҳар 1 – 2 соатда қайта баҳолаб беринг.

- Мабодо бола тез – тез қайт қилса ёки қорни тез шиша бошласа, назогастрал суюқликни секироқ юборинг.
- Мабодо, З соатдан сўнг боланинг сувсизланиши камаймаса, болани венадан суюқлик бериб даволаш учун касалхонага юборинг.

МИСОЛ.

Гулобод шаҳрининг тиббий муассасаси венадан ёки назогастрал йўл билан суюқлик бериб даволаш учун асбоб – анжомлар билан жиҳозланмаган. Бундай давони ўтказиш мумкин бўлган энг яқиндаги касалхона 2 соатлик йўлда жойлашган.

15 ойлик (12 кг) Иродани онаси Гулобод шаҳри тиббий муассасасига олиб келди. Ирода ухлаб ётгандек бўлиб кўринар эди, лекин уйғотилганда суюқликни ёмон ичди. Тиббий ходим қизчани кўзлари киртайиб қолганлигини аниқлади. Тери бурмаси жуда секин текисланади. Қизчанинг касаллиги ОГИР СУВСИЗЛАНИШЛИ диарея ва КАМВАЗНИЛИК ЙЎҚ ёки КАМҚОНЛИК ЙЎҚ деб таснифланди.

Тиббий ходим В Режа асосида Иродага регистратация ўтказишга қарор қилди. Қизчанинг вазни 12 кг бўлгани учун тиббий ходим унга соатига 240 мл ОРВнинг паст осмоляр эритмасидан бериш кераклигини ҳисоблаб чиқди. Тиббий ходим қизчанинг онасига ОРВнинг паст осмоляр эритмасидан соатига қанча бериш кераклигини кўрсатди.

Тиббий ходим келгуси 6 соат мобайнида ҳар соат Ироданинг аҳволини текшириб, қизчада қайт қилиш ва қорин шиши бор – йўқлигини кузатиб борди. Тиббий ходим, шунингдек, боланинг гидратация ҳолатини ҳам текшириб борди.

Ироданинг аҳволи яхшиланиб борган сари, тиббий ходим онани мақтаб, регистратацияни давом эттиришини сўради.

Сувсизланиш даражасини қайта баҳоланг ва мос келадиган даволаш режасини танланг.

ОРВнинг паст осмоляр эритмаси ёрдамида 6 соат давомида даволаганингиздан сўнг сувсизланиш даражасини қайта баҳоланг. Сувсизланишни таснифланг. Мос келувчи режа (А,Б, ёки В режа) ни танлаб, даволашни давом эттиринг.

Бола гидратацияланиб бўлгандан сўнг, иложи бўлса, болани тиббий муассасада яна б соатта қолдиришга ҳаракат қилинг. Бу вақт ичида онасидан, А Режага мос равишда, қўшимча суюқликлар бериб туришини сўранг. Онанинг давом этаётган диарея туфайли боласи йўқотган суюқлик ўрнини тўлдириш учун етарли миқдорда суюқлик беришини кузатиб боринг. Вақти – вақти билан боланиг аҳволини текширинг ва сувсизланишнинг белгилари қайта пайдо бўлмаслигига қараб боринг.

Эслаб қолинг:

Мабодо, бола ича олмаса, зудлик билан уни венага суюқлик юбориб ёки назогастрал усулда даволаш учун асбоб – анжом билан жиҳозланган яқин – атрофдаги амбулатория ёки касалхонага юборинг.

Мабодо, бола суюқликлар олмаса, у нобуд бўлади.



МАШҚ: В-4 ИЛОВА

1. 2 ёшли Комилда (12,5 кг) ОФИР СУВСИЗЛАНИШЛИ диарея, КАМВАЗНЛИК ЙҮҚ ёки КАМҚОНЛИК ЙҮҚ. Бола венага суюқлик юбориб даволанишга муҳтож, лекин Сизнинг тиббий муассасасангиз венага суюқлик юбориб ёки назогастрал усулда даволаш учун керакли асбоб – ускуналар билан жиҳозланмаган. Энг яқин касалхона 1 соатлик йўлда жойлашган. Сиз Комилга бир неча қултум ОРВнинг паст осмоляр эритмасидан беришингиз мумкин.

- a. Сиз Комилни зудлик билан касалхонага юборишингиз керакми ёки болада орал регидратация ўтказишта ҳаракат қилишингиз керакми?
- б. ОРВнинг паст осмоляр эритмасидан қанча беришингиз лозим?
- в. Комил тез – тез қайт қиласапти. Сиз нима қилишингиз керак?
- г. З соатдан сўнг Сиз, Комилнинг жуда чарчаб, летаргик ҳолатга тушгани, ёмон ичаётгани, кўзлари киртайиб қолгани ва тери бурмалари жуда секин текисланаётганини аниқладингиз. Сиз ҳозир нима қилишингиз керак?

2. Баҳромда (15 кг) диарея. Отаси ўғлини қўшни тиббий муассасадан олиб келди. Тиббий ходим Баҳром летаргик ҳолатда эканлигини –унда умумий хавф белгиси борлигини аниқлади. Тиббий ходим боланинг касаллигини ОФИР СУВСИЗЛАНИШЛИ ДИАРЕЯ, ва КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ёки КАМҚОНЛИК ЙЎҚ деб таснифлади. Амбулатория венага суюқлик юбориб ёки назогастрал усулда давлолаш учун жиҳозланмаган. Энг яқин касалхона 2 соатдан узоқ йўлда жойлашган. Тиббий ходим Баҳромга бир неча ҳўплам ОРВ нинг паст осмоляр эритмасидан беришга ҳаракат қилиб кўрди. Бола секин ичяпти.

а. Отаси Баҳромга келгуси бир соат ичида қанча ОРВнинг паст осмоляр эритмасидан бериши лозим?

З соатдан сўнг тиббий ходим Баҳромнинг аҳволини баҳолаб, бола тетик бўлиб қолганини ва унинг гидратация ҳолати яхшиланганлигини аниқлади. Тиббий ходим Баҳромга яна З соат давомида ОРВнинг паст осмоляр эритмасини беришни давом эттиради. Сўнгра, тиббий ходим Баҳромнинг аҳволини қайта баҳолаб, боланинг касаллигини қайта ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШ деб таснифлади.

б. Тиббий ходим энди нима қилиши керак?

в. Тиббий ходим Баҳромни қанча вақт давомида даволаши ва отаси тиббий муассасада қанча вақт қолиши керак? Нима учун?

3. Бувиси невараси Тохирни тиббий муассасасига, неварам ўляяпти деб олиб келиби. Бувисининг айтишича, Тохирда диарея бир неча кундан буён давом этаяпти. Тиббий ходим болани уйғота олмади. У боланинг хушсизлигини аниқлади. Боланинг кўзлари киртайган бўлиб, тери бурмаси жуда секин текисланади. Тохирнинг касаллиги ОФИР СУВСИЗЛАНИШ ва КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ёки КАМҚОНЛИК ЙЎҚ деб таснифланди. Тиббий муассаса венага суюқлик юбориб ёки назогастрал усулда даволаш учун жиҳозланмаган.

Тиббий ходим Тохир тирик қолиши учун у суюқликларга муҳтож эканлигини бувисига тушунтириди. У амбулаторияда Тохирнинг унга керакли суюқликларни ола олмаслигини тушунтириди. Тиббий ходим, касалхонада болага ёрдам бера оладиган врачлар борлигини, лекин касалхона 2 соатлик йўлда эканлигини тушунтириди.

Тиббий ходим нима қилиши керак?

Ўқитувчингиздан жавобларингизни текшириб чиқишини илтимос қилинг.
Сўнгра «6.4.— Чўзилувчан диареяга даво қилинг» бўлимига қайтинг ва ўқишини давом эттиринг.

Г ИЛОВА

ОФИР СУВСИЗЛАНИШДА ВЕНАГА СУЮҚЛИК ЮБОРИБ ДАВОЛАШ

1. Суюқлик юбориш техникаси

Венага суюқлик юбориш техникаси фақат тажрибали мутахассис кўрсатиб берганидан кейингина амалда намойиш этиб ўзлаштирилиши мумкин. Фақат ўқиб чиққан тиббий ходимларгина венага суюқлик юбориб даволаш ишини бажаришлари мумкин. Қуида бир неча умумий қоидалар келтирилган:

- Венага суюқлик юбориб даволаш учун ишлатиладиган ниналар, найча, шишалар ва суюқликлар **стерил** бўлиши керак.
- Венага суюқлик юбориб даволаш учун, ҳар бир юзаси қулай венадан фойдаланиш мумкин. Энг қулайлари – бу қўл ички юзаси, тирсаги дамидаги ёки кафтнинг орқа томонидаги веналардир. Гўдакларда энг қулайлари бошнинг ён томонида жойлашган веналардир.

Бўйин веналаридан ёки венани топиш учун тилиб кўриш усули одатда қўлланимайди ва улардан иложи борича фойдаланмаслик керак.

Зудлик билан реанимация ўтказиш керак бўлса, нинани сон венасига киритиш мумкин. Нина киритилган жойида қўзғалмай турадиган бўлиши ва иложи борича тезроқ олиб ташланиши лозим.

ОФИР СУВСИЗЛАНИШ ҳолларида баъзан иккита венага нина киритиш зарурати туғилади. Иккинчи венага суюқлик юборишни, bemornining гидратация ҳолати яхшиланиши билан, тўхтатиш мумкин.

- Венага юбориладиган суюқлик қўйилган шишаларнинг турли сатҳларига белгилар қўйиб қўйиш ўринлидир, шунда, қанча вақт ичидан шишадаги суюқлик сатҳи қанча паст тушишини кузатиб бориш мумкин бўлади. Бир минутдаги томчилар сонини соатига керакли ҳажмдаги суюқлик юбориладиган қилиб тўғирлаб олинг.

2. Венага юбориладиган суюқликлар

Венага юбориш учун турли эритмалар мавжуд бўлишига қарамай, уларнинг ҳаммасида баъзи электролитлар оғир сувсизланган bemornlarни даволаш учун зарур концентрацияда бўлмайди. Керакли электролитлар ўринини тўлдириш учун, bemor ича оладиган бўлиши билан ўнга, венадан суюқлик юбориб даволаш давом этаётган бўлса ҳам, оз—оздан ОРВнинг паст осмоляр эритмасини бера бошлаш лозим. Қуида, венага қўйиш учун тавсия этиладиган ва тавсия этилмайдиган эритмаларнинг қисқача изоҳи келтирилган.

Сон венаси – оёқдаги асосий венадир. Усон артериясига нисбатан медиалроқ жойлашган.
Сон артерияси – оёқдаги асосий артериядир.

Тавсия этилайдиган эритма.

Нормал физиологик эритма, шунингдек **изотоник эритма** деб ҳам аталади, кенг тарқалган.

Тавсия этилмайдиган эритма.

Глюкоза ва декстроза эритмалари ишлатилмаслиги керак. Улар организмни фақат сув ва шакар билан таъминлайди. Уларнинг таркибида электролитлар йўқ. Улар йўқотилган электролитлар ўрнини қопламайди ва кислоталикни ўрнига келтирмайди.

Д – ИЛОВА

АГАР КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШНИНГ ИЛОЖИ БЎЛМАСА

Одатда, оғир касаллик билан оғриган бола энг яхши давони касалхонада олиши мумкин.

Баъзан касалхонага юбориш мумкин бўлмайди ёки тавсия этилмайди. Касалхонагача бўлган масофа жуда узоқ бўлиши мумкин; касалхонада бўлган асбоб – анжомлар бўлмаслиги ёки унинг ходимлари ёш болаларни парваришлай олмаслиги мумкин; транспорт воситаси бўлмаслиги мумкин. Баъзан, ота – оналар, тиббий ходимларнинг барча тушунтиришларига қарамай, фарзандларини касалхонага олиб борищдан бош тортадилар.

Мабодо, касалхонага юборишнинг иложи бўлмаса, Сиз болани даволаш учун оиласа қўйингиздан келган барча ёрдамни кўрсатишингиз лозим. Касалхонага юборишнинг иложи бўлмаган оғир касал болалар ўртасидаги ўлим ҳолларини камайтириш учун, Сиз болани бир кунда бир неча марта кўздан кечириб туриш учун уни амбулаторияда ёки яқин атрофда қолдиришга ота – онасини кўндиришингиз керак. Агарда, бунинг иложи бўлмаса, уйга бориб кўришни ташкил этинг.

Жуда бетоб болани касалхонага йўллашнинг иложи бўлмаганда, оғир таснифли касалликларга қилинадиган даво турлари баён этилган. Бу илова икки кисмга бўйинган: «Асосий парвариш» ва даволаш учун кўрсатмалар: касалхонага юборишнинг иложи йўқ, оғир касал болаларни маҳсус даволашни қандай ўтказиш кераклиги ҳакида тавсиялар».

Иловадан фойдаланиш учун, биринчи набатда, бола касаллигининг таснифини топинг ва керакли асосий давони белгиланг. Сўнгра, **БОЛАНИ ДАВОЛАНГ** схемасидаги рамкаларга ва илованинг иккинчи қисмидаги кўрсатмаларга мурожаат этинг. Болани, кундузи маълум вақт ичида амбулаторияда ёки уйда даволаш қийин бўлиши мумкин. Даволаш учун кўрсатмаларда турли хил дори препаратларини 6 – соатлик, 8 – соатлик ва 12 – соатлик қилиб тайинлаш графиги берилган.

Эсда тутингки, Сиз ўзингиз аниқлаган, оғир бўлмаган таснифларни ҳам даволашингиз зарур. Давонинг бу турлари Бемор Бола Ёзув шаклида ёзилган бўлиши керак. Масалан, болада **ОФИР ПНЕВМОНИЯ** ва **ҚУЛОҚНИНГ ЎТКИР ИНФЕКЦИЯСИ** бўлса, Сиз **ОФИР ПНЕВМОНИЯНИ** даволашингиз ва **ҚУЛОҚНИНГ ЎТКИР ИНФЕКЦИЯСИНИ** даволаш учун қутидаги кўрсатмаларга амал қилишингиз зарур.

Жуда оғир касал бўлган бола фақат яхши жиҳозланган, ходимлари маҳсус ўқиб чиққан касалхонадагина бекаму – кўст даво олиши мумкин бўлсада, бу кўрсатмаларга амал қилиш, касалхонага юборишнинг иложи бўлмаган, лекин юқори хатар остида қолган болалар ўртасида ўлим ҳолларининг камайишига олиб келиши мумкин.

КҮРСАТКИЧ

АСОСИЙ ПАРВАРИШ: 2 ОЙЛИҚДАН 5 ЁШГАЧА БҮЛГАН БОЛА.

ОФИР ПНЕВМОНИЯ ЁКИ ЖУДА ОФИР КАСАЛЛИК	114
ОФИР ЧҮЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯ	116
ЖУДА ОФИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИК	117
ОФИР АСОРАТЛИ ҚИЗАМИҚ	118
ХАЛҚУМ АБСЦЕССИ	119
МАСТОИДИТ	119
ОЗИҚЛАНИШНИНГ ОФИР БУЗИЛИШИ	119
ОФИР КАМҚОНЛИК	122
30 КУНДАН КҮПРОҚ ДАВОМ ЭТУВЧИ ЙҮТАЛ	122
ШАЙТОНЛАШ ҲОЛЛАРИ	123

2 ОЙЛИҚДАН 5 ЁШГАЧА БҮЛГАН БЕМОР БОЛА

ОФИР ПНЕВМОНИЯ ЁКИ ЖУДА ОФИР КАСАЛЛИКДА асосий парвариши.

1. Антибактериал препаратлар билан даво қилинг.

ОФИР ПНЕВМОНИЯ ёки ЖУДА ОФИР КАСАЛЛИГИ бор болаларнинг антибактериал препаратлар билан даволаниши жуда муҳимдир.

- Мабодо, болада кўкрак қафаси **енгил ичига тортадиган бўлса ва унда респиратор дистресс кузатилмаса**, болага орал амоксициллин беринг.

Болани ҳар кун кўздан кечириб туриш. Боланинг аҳволи яхшиланётганини текшириб боринг. Мабодо аҳволи яхшиланмаса, болани касалхонага юборинг.

- Мабодо, болада **умумий хавф белгиси ёки қўкрак қафасининг тортилиши бор**, лекин жуда **ОФИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИК** таснифи бўлмаса, болага гентамицин ва ампициллинни инъекцияда мушаклари орасига юборинг.

Мабодо Сизда мушакка юборадиган гентамицин ҳам, ампициллин ҳам бўлмаса, мушак орасига цефтриаксон юборинг. Мобода Сизда гентамицин ҳам, ампициллин ҳам, цефтриаксон ҳам бўлмаса, пневмонияга даво қилиш учун, **ДАВОЛАНГ** схемасида қўрсатилганидек, орал антибактериал препарат беринг. Мабодо, бола қайт қиласа, дозани такрорланг.

Гентамицинни ва ампициллинни мушак орасига юбориб, боланинг аҳволи яхшилангунча даволанг. Сўнг орал амоксициллин билан даволашни давом эттиринг. Ҳаммаси бўлиб болани 10 кун даволанг.

- Мабодо, болада **ЖУДА ОФИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИК** таснифи ҳам бўлса, бундай таснифда қилинадиган асосий парвариш хусусида қўйида келтирилган қўрсатмаларга риоя қилинг. Гентамицин ва ампициллин беринг.

2. Иситмага даво қилинг.

Мабодо, боланинг қўлтиқ остидаги ҳарорати 38,5 °C ва ундан юқори бўлса, ҳар 6 соатда парacetамол беринг. Бу пневмонияли болалар учун жуда муҳимдир, чунки юқори ҳарорат кислородга бўлган талабни кучайтириб юборади.

3. Юборилаётган суюқликларни диққат билан кузатиб боринг.

ОФИР ПНЕВМОНИЯ ёки ЖУДА ОФИР КАСАЛЛИГИ бор болалар жуда кўп суюқлик олишга муҳтоҷидлар. Мабодо, улар ича олсалар, суюқликларни ичишга беринг. ОФИР ПНЕВМОНИЯ ЁКИ ЖУДА ОФИР КАСАЛЛИГИ бор болалар респиратор инфекция пайтида, айниқса ҳарорат юқори бўлса, жуда кўп суюқлик йўқотишади. Шундай қилиб, болаларга суюқликлар беринг, лекин эҳтиёт бўлинг.

Болада респиратор дистресс бўлмаса, онадан болани эмизиб боқиши давом эттиришини сўранг. Мабодо, бола оғир касаллиги сабабли кўкрак эма олмайдиган, лекин сут юта оладиган бўлса, онадан сутини пиёлага соғиб, қошиқ билан аста – секин боласига беришини сўранг.

Болага суюқлик ичиришга ҳаракат қилинг. Мабодо, бола ича олмаса, пиёладаги суюқликни томизгич ёки нинаси йўқ шприц ёрдамида томчилаб, аста – секин беринг. Болада респиратор дистресс бўлса, назогастрал зонддан фойдаланманг. Бошқа иложингиз бўлмаса, эртаси кунгача кутиб туринг.

ОФИР ПНЕВМОНИЯ ЁКИ ЖУДА ОФИР КАСАЛЛИҚДА БЕРИЛАДИГАН СУЮҚЛИКЛАР

ЁШИ	Болага бериладиган сут ёки аралашманинг тахминий ҳажми	24 соатдаги умумий ҳажми
12 ойликдан кичик	5 мл/кг/соат	120 мл/кг
12 ойликдан 5 ёшгacha	3 – 4 мл/кг/соат	72 – 96 мл/кг

Суюқликларни венага юборишга ҳаракат қилманг, болада шок бўлиб турган ҳоллар бундан мустасно. Шок ҳолатдаги бола оёқ – қўллари совуқ, пульси тез ва заиф ва ўзи летаргик ҳолатда бўлади.

4. Нафас йўлларини кузатиб боринг.

Битиб қолган бурунни тозаланг. Битиб қолган бурун овқатлантиришга ҳалақит беради. Бурундан келаётган шилимшиқни эҳтиётлик билан пластик шприцда (нинасиз) сўриб олинг. Буруннинг шиллиқ қаватини тузли сувга ҳўлланган юмшоқ мато билан тозалаб олиш мумкин. Йўталиб, бурундан келаётган шилимшиқни чиқариб юборишда болага ёрдам беринг.

ОГИР ЧҮЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯДА асосий парвариши.

- 1. Сувсизланишга түғри келадиган даво режасига мос равища даво қилинг.**
- 2. Чўзилувчан диареяли болани қандай овқатлантириш бўйича онага маслаҳат беринг.**

ОНАГА МАСЛАҲАТ БЕРИНГ схемасидаги рамкага қаранг. 6 ойликкача бўлган гўдакни эмизиб боқиш жуда муҳимдир. Она кўкрак беришини тўхтатган бўлса, унга релактация масалалари бўйича ёрдам беринг (ёки релактация бўйича маслаҳат бера оладиган бирор кишидан ёрдам беришини илтимос қилинг).

3. Витаминалар ва минерал моддалар беринг.

2 ҳафта мобайнида ҳар куни витаминалар ва минерал моддалар бериб туриш. Таркибида жуда ҳар хил витаминалар ва минерал моддаларни, жумладан, тавсия этиладиган кундалик дозадан камида икки баробар миқдорда фолат, витамин А, Цинк, магний, темир, мис бўладиган аралашмалардан фойдаланинг.

4. Инфекцияни аниқланг ва унга даво қилинг.

Чўзилувчан диареяли баъзи болаларда пневмония, сепсис, сийдик йўллари, қулоқ инфекциялари, дизентерия ва амебиаз каби инфекциялар кузатилади. Бу инфекциялар антибактериал препараталар билан даволашни талаб этади. Мабодо, специфик инфекция топилмаган бўлса, антибактериал препаратлар билан даволаманг, чунки, антибактериал воситалар билан асоссиз даволаш наф бермайди.

5. Болани кузатиб боринг.

Она ва болани ҳар куни кўриб, кўздан кечириб туриш. Овқатлантириш ва даволаш ишларини ва боланинг реакциясини кузатиб боринг. Ҳозирги пайтда бола нима билан ва қанчадан овқатланаётганини сўранг.

Неча марта ичи келишини сўранг. Сувсизланиш белгилари ва ҳарорат борми, текширишинг.

Боланинг овқатланиши ўрнига тушиб, хавф белгилари йўқолгандан сўнг, 2 – 3 кун ўтказиб туриб болани кўриб чиқинг. Болада сувсизланишнинг бирорта белгиси ёки овқатланишининг ўзгариши билан боғлиқ муаммо бўлса, болани ҳар куни кўриб туришни давом эттиришинг. Онага иложи борича ёрдам кўрсатинг.

ЖУДА ОФИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИКДА асосий парвариши.

1. Антибактериал препарат беринг.

ЖУДА ОФИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИГИ бор бола менингит ёки сепсисга қарши даволашга муҳтождир. Болада менингит ёки сепсис борлигини аниқлашга ҳаракат қилманг. Эҳтимоли бўлган иккала инфекцияга даво қилинг.

- Менингитта даво қилиш учун мушак орасига гентамицин ва ампициллин юборинг.

Инъекцияларни ҳар 6 соатда қилган маъқул. Бунинг иложи бўлмаса 8 соатлик ёки 12 соатлик графикка риоя қилинг. (Даволаш учун кўрсатмаларга қаранг).

Иккала антибиотик инъекциясини 3 – 5 кун давом эттиринг. Бу вақтга келиб боланинг аҳволи яхшиланмаса, орал амоксициллиндан фойдаланишга ўтинг. Унга 45 мг/кг З махал беринг. Даволаш ҳаммаси бўлиб 10 – кун давом этиши керак.

2. Юборилаётган суюқлик ҳажмини дикқат билан кузатиб боринг.

Даво режасини танлаш боладаги белгиларга боғлиқ.

- Шунингдек, болада **ОФИР СУВСИЗЛАНИШЛИ** диарея ҳам бўлса, лекин энса мускуларининг ригидлиги ва **ОЗИҚЛАНИШНИНГ ОФИР БУЗИЛИШИ** ёки **ОФИР КАМҚОНЛИК** бўлмаса, болага В Режага мувофиқ суюқлик беринг.

ЖУДА ОФИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИК деб таснифлаш учун асос бўладиган умумий хавф белгисига сувсизланишнинг ўзигина сабаб бўлиши мумкин. Регидратация ўтказинг, сўнгра боланинг аҳволини тўлиқ қайта баҳоланг ва таснифланг. Боланинг касаллиги ЖУДА ОФИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИК деб таснифланмаса, регидратация ўтказилганидан сўнг боланинг аҳволини қайта баҳолаш ва таснифлаш режасига ўзгартириш киритиш мумкин. Регидратация туфайли болада умумий хавф белгилари жуда тез барҳам топадиган бўлса, Сиз ампициллин ва гентамицин ёрдамида даволашни тўхтатишингиз керак.

- Мабодо, болада **ЖУДА ОФИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИК** ва энса мускулларининг **риgidлиги** бўлса, юборилаётган суюқлик ҳажмини камайтиринг. Болада менингит бўлиши мумкин. Суюқликни қуидагича камайтиринг:

МЕНИНГИТ ГУМОН ҚИЛИНГАНИДА БЕРИЛАДИГАН СУЮҚЛИКЛАР
(энса мускуллари ригидлиги ёки лиқилдоқ шишиб туриши)

Ёши	Болага бериладиган сутнинг ёки аралашманинг тахминий ҳажми	24 соатдаги умумий ҳажми
12 ойликдан кичик	3,3 мл/кг/соат	80 мл/кг
12 ойликдан 5 ёшгача	2,5 мл/кг/соат	60 мл/кг

Суюқликни венага юборишга ҳаракат қилманг.

Мабодо, бола овқатдан ёки сувдан сўнг қайт қилса, ёки у ича олмаса ёки кўкракни эма олмаса, суюқликни болага назогастрал зонд ёрдамида юборинг.

Мабодо, Сиз назогастрал зонддан фойдалана олмасангиз ва бола ича олса, суюқликни жуда секин томиззич ёрдамида беринг ёки пиёладан ёки шприцдан (нинаси олинган) боланинг оғзига томизинг.

- Мабодо болада **ОЗИҚЛАНИШНИНГ ОФИР БУЗИЛИШИ** бўлса, унга ОЗИҚЛАНИШНИНГ ОФИР БУЗИЛИШИДА асосий парвариш бўлимида баён этилганидек, суюқлик бериб боринг.

ОФИР АСОРАТЛИ ҚИЗАМИҚДА асосий парвариш.

1. Қизамиқдаги асоратларга даво қилинг.

Даво болада қанақа асоратлар борлигига боғлиқ.

- Боланинг **оғзида яралар** бўлса, тенг баробар суюолтирилган (0,25%) генцианвиолетдан фойдаланинг. Болани овқатлантиришида онага ёрдам беринг. Бола юта олмаса, уни назогастрал зонд ёрдамида овқатлантиринг. Гентамицин ва ампициллинни мушак орасига юбориб даволанг.
- Болада шох парда хиралashiши бўлса, эҳтиётлик билан кўзларини текшириб чиқинг. Кўзларни эҳтиётлик билан, тетрациклини кўз малҳамини суриб даволанг. Пастки қовоқни пастга тортинг ва кўз олмасига босманг. Кўзни эҳтиёт бўлиб, тоза дока билан артиб олинг.

- Қизамиқнинг бошқа асоратларига, масалан, **пневмония, диарея, қулоқ инфекциясига** даво қилинг.

2. Витамин А беринг.

Уч доза Витамин А беринг. Биринчи дозани биринчи куни, иккинчи дозани иккинчи куни беринг. Учинчи дозани 1 ойдан сўнг беринг.

3. Озиқланиш бузилишининг олдини олиш учун болани овқатлантиринг.

ҲАЛҚУМ АБСЦЕССИДА асосий парвариш.

ҲАЛҚУМИДА АБСЦЕСС бўлган болаларни малакали тиббий ёрдам олишлари учун, яъни абсцессни ёриш учун, зудлик билан касалхонага йўллаш керак.

МАСТОИДИТДА асосий парвариш.

Мушак орасига гентамицин ва ампициллинни юборинг. Ҳаммаси бўлиб 10 кун даволанг. 3 – 5 кундан сўнг орал амоксициллинга ўтинг.

ОЗИҚЛАНИШНИНГ ОФИР БУЗИЛИШИДА асосий парвариш.

ОЗИҚЛАНИШНИНГ ОФИР БУЗИЛИШИ бўлган болалар минерал моддалар қўшиб алоҳида тайёрланган овқатга муҳтож бўлади, бундай овқат одатда касалхонада ёки реабилитация қилиш марказларида бўлади. Болани шундай муассасалардан бирига юборишга ҳаракат қилинг.

Болани бундай муассасалардан бирига юборишни кутар экансиз:

1. Орал антибактериал препарат беринг.

Болада инфекциянинг белгилари бўлмаса ҳам антибактериал препарат беринг. ОЗИҚЛАНИШНИНГ ОФИР БУЗИЛИШИДА инфекциянинг одатдаги белгилари қўпинча кузатилмайди. Масалан, ҳарорат кўтарилимагни мумкин. Озиқланиши оғир бузилган болалар ПНЕВМОНИЯ бўлиб қолсалар, нафасларининг сони соғ болаларнидек бўлиши ва уларда кўкрак қафаси пастки қисмининг ичга тортилиши кузатилмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам бундай болаларнинг барчасига маҳсус овқат бера бошлигиниз билан, уларга антибактериал препаратлар билан даво қилиш муҳимдир.

- Болада **инфекциянинг маҳсус белгилари бўлмаса**, орал амоксициллинни 5 кун давомида беринг.

- Мабодо, болада ҳарорат паст ($35,5^{\circ}\text{C}$ дан паст) ёки юқори ($37,5^{\circ}\text{C}$ дан юқори), қулоқ ёки тери инфекцияси, умумий хавф белгилари, **ОФИР ПНЕВМОНИЯ ёки ЖУДА ОФИР КАСАЛЛИК ёки ЖУДА ОФИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИК бўлса**, мушак орасига ампициллин ва гентамицин юборинг. Боланинг аҳволи 48 соат давомида яхшиланмаса, мушак орасига хлорамфеникол юбориб даволашни ҳам қўшинг.
2. **Болани тез–тез, кундузи ҳам, кечаси ҳам эмизиб туришни давом эттиринг.**
 3. **Болани овқатлантиринг.**

Болани тез – тез, зарурат бўлса назогастрал зонд ёрдамида, овқатлантиринг. Озиқ – овқат маҳсулотларини танлаш, уларнинг қайсилари борлигига боғлиқ.

Биринчи танлов: Қаймоғи олинган қуруқ сут, шакар ва ўсимлик мойидан иборат ўзгартирилган сутли овқат рационини беринг. Таркибида 25 грамм концентрангган қуруқ сут, 100г шакар, 30г ўсимлик мойи ва 1000 мл эритма тайёрлаш учун зарур ҳажмдаги сувдан иборат ўзгартирилган сут беришдан бошланг. Сут, шакар ва ўсимлик мойидан хамирсимон қоришма тайёрланг. Қайнатилган, илиқ сувни, 1000 мли эритма² ҳосил бўлгунча қўшиб боринг.

Ўзгартирилган сутдан тайёрланган бундай овқатда лактоза концентрацияси кам бўлади. Бундай овқатни **ОЗИҚЛАНИШИ ОФИР БУЗИЛГАН**, шунингдек **ЧЎЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯси ҳам бўлган болага бериш мумкин.**

Озиқланиши оғир бузилган бола жуда ҳам заифлашган ва кам миқдорда, тез – тез овқатлантириб туришга муҳтож бўлади. Аста – секин овқатнинг миқдорини кўпайтириб, овқат маҳалларини камайтира боринг. Онага фарзандини иложи борича тез – тез овқатлантиришга ёрдам беринг. Бола кечаси иложи борича кўпроқ овқат ейиши (бир кечада камида икки марта) муҳимдир. Озиқланиши оғир бузилган болалар кўпчилигининг кечаси ўлишига сабаб, уларни овқатлантирилмаслик ва иссиқ жойда тутмаслиқдир.

Қуйида рисоладаги овқатлантириш графиги келтирилган.

КУНЛАР	СОНИ	ОВҚАТ ҲАЖМИ/КГ	ҲАЖМ/КГ КУН
1 – 2	Ҳар 2 соатда	11 мл	130 мл
3 – 5	Ҳар 3 соатда	16 мл	130 мл
6 – 7	Ҳар 4 соатда	22 мл	130 мл

Боланинг иштаҳаси яхши бўлиб, шишлир бўлмаса, уни ҳар бир даражада бир кун овқатлантиришинги мумкин.

Иккинчи танлов: Тўғри келадиган қўшимча овқатлар, масалан, қуюқ манна бўтқаси ёки ширгуручни ўсимлик мойи ёки сарёғ қўшиб беринг. Таркибида лактоза миқдори кўп бўлган (яъни, 40 мл/кг/кунинга дан кўпроқ) ёки туз қўшилган овқатларни бермасликка ҳаракат қилинг. Овқатта туз қўшманг.

Юқорида келтирилган графикка риоя қилинг.

²Ўзгартирилган сутли яна бир овқат – шакарсизлантириб қуюлтирилган ёғли сут (120 мл, 100г шакар ва 20 мл ўсимлик мойи), янги соғилган сигир сути (300 мл, 100г шакар ва 20 мл ўсимлик мойи) ёки концентрирланган, шакарсизлантирилган, қуюлтирилган сут (120 мл, 100г шакар ва 30 мл ўсимлик мойи). Барча эритмаларни тайёрлаш учун 1000 мл эритма ҳосил бўлгунча, қайнатилган илиқ сув қўшинг.

4. Боланинг иштаҳаси пайдо бўлиши билан темир препаратларидан беринг.

Болада анемия бўлса, унинг иштаҳаси пайдо бўлмагунча, темир препаратларидан берманг, чунки улар боланинг аҳволини ёмонлаштириши мумкин.

5. Сувсизланишли диареяга эҳтиёткорлик билан даво қилиб беринг.

ОЗИҚЛАНИШИ ОФИР БУЗИЛИШИ ва ЎРТАЧА ёки ОФИР СУВСИЗЛАНИШЛИ диареяси бўлган болаларда сувсизланиш белгилари кўрсатиб турганидан кўра бошқача бўлиши мумкин. Тери бурмасининг секин текисланиши, киртайган кўзлар, летаргик ҳолат ёки ўта бетоқатлик ОЗИҚЛАНИШНИНГ ОФИР БУЗИЛИШИННИНГ натижаси бўлиши мумкин.

ОЗИҚЛАНИШИ ОФИР БУЗИЛГАН бола учун ОРВнинг паст осмоляр эритмасидан вазнига қараб беринг.

Регидратацияни одатдагидан секинроқ ўтказинг. Болани диққат билан кузатинг. Мабодо, регидратация пайтида боланинг юрак уриши ёки нафас олиши тезлашса, демак Сиз жуда тез ва жуда кўп суюқлик юбораяпсиз. Суюқлик юборишни тўхтатинг. Юрак уриши ва нафас ўз ҳолига қайтгандан сўнг даволашни давом эттиринг.

6. Боланинг тана ҳароратини кузатиб беринг.

Болани иссиқ жойда ушланг. Боланинг ҳамма вақт, айниқса кечаси, усти ёпиқ бўлишини кузатиб беринг.

Боланинг ректал ҳарорати 35,5°C дан паст бўлса, уни онасининг қорнига ётқизинг. Болани иситтич яқинига ётқизинг ёки устига кўрпа ёпиб қўйинг. Боланинг аҳволи яхшиланмагунча, уни ҳар 2 соатда овқатлантиринг. Сепсис эҳтимоли бўлгани учун, мушак орасига антибактериал препаратлар юборинг.

ОФИР КАМҚОНЛИКДА асосий парвариши.

Офир камқонлиқда болада юрак түхтаб қолиши хавфи бор.

1. Темирнинг орал препаратларини беринг.

2. Цинк препаратларидан беринг.

3. Болани овқатлантириңг.

Тұла құмматли маҳсулотлар билан құшымча овқатлантириңг.

4. Баланд ҳарорат сақланиб қолаёттан бўлса, парацетамол беринг.

Парацетамолни ҳар 6 соатда бериб туриңг.

5. Эҳтиёткорлик билан суюқликлар беринг.

Бола қанча ичишни хоҳласа, шунча беринг. Венага ёки назогастрал йўл билан юбориладиган суюқликларни **берманг**.

30 кундан кўпроқ давом этувчи йўталда асосий парвариши.

1. ПНЕВМОНИЯГА даво қилиш учун биринчи қатор антибактериал препаратини беринг.

ПНЕВМОНИЯга даво қилиш учун бола яқин орада антибактериал восита олмаган бўлса, 5 кун давомида антибактериал препарат беринг.

2. Болани тортиб кўринг ва оиласда туберкулёз (сил касаллиги) бор-йўқлигини сўранг.

3. 2 ҳафтадан сўнг, кейинги кўрик пайтида, болани кўздан кечириңг.

Антибактериал препаратларнинг ижобий таъсири бўлмаса ёки бола вазн йўқота бошласа, уни яна стационарга юборишга ҳаракат қилинг. Касалхонага

юборишининг иложи бўлмаса, туберкулезга (силга) даво қилишни бошланг. Туберкулезга (силга) даво қилиш учун миллий тавсиялардан фойдаланинг.

Шайтонлашда (анамнезда эмас, ушбу пайтдаги шайтонлаш ҳолларида) асосий парвариш.

1. Нафас йўлларини кузатиб боринг.

Аспирация хавфини камайтириш учун болани ёнбошлатиб ётқизинг. Ҳаво ўтказувчи орал найча киритишга, қошиқ ёки шпател ёрдамида оғизни очиқ ушлаб туришга ҳаракат қилманг. Бола эркин нафас олишини кузатиб боринг. Шиллиқ қаватдан ажralган моддалар нафас олишга халақит берса, бурундан киритилган катетер орқали халқумдаги шилимшиқларини сўриб ташланг.

2. Диазепам³ ва сўнгра паралдегид беринг.

Даволашга доир кўрсатмаларга қаранг.

3. Тана ҳарорати баланд бўлса, ҳароратни пасайтиринг.

Парацетамол бериб, бола баданини илиқ сув билан артиб чиқинг.

³ Диазепамнинг кенг тарқалган номи валиумдир.